

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

«ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ» КАФЕДРАСИ

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ.

МАВЗУ: Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий
жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари

БАЖАРУВЧИ: 4-курс кундузги

бўлим толиби Қурбонбоев Лочин

ИЛМИЙ РАҲБАР: доц. Ш.У.Умидуллаев

САМАРҚАНД – 2013

Мундарижа

Кириш.....

**1-БОБ. Жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида
муддатлар ўтишининг моҳияти ва ҳуқуқий табиати.....**

1.1. Жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан
жиноий жавобгарлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

1.2. Жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари, муддатнинг
тўхтатилиши ва узилиши.....

**2-БОБ. Жавобгарликка тортиш муддатларнинг ўтганлиги
муносабати билан жиноий жавобгарликдан.....**

2.1. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ва турлари...

2.2. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати
билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни тавсифловчи ҳолатлар...

**3-БОБ. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати
билан жазодан озод қилиш.**

3.1. Жиноий жазоларни либераллаштириш шароитида жазодан озод
қилишнинг тушунчаси ва турлари.....

3.2. Жазони ижро этиш муддати, муддатнинг узилиши ва унинг
ҳуқуқий оқибатлари

3.3. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан
жазодан озод қилиш.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жаҳонда кенг эътироф этилмоқда, ютуқлари тан олинмоқда. «Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда»¹.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жиноятга оид сиёсат изчил либераллаштирилмоқда, ундан кўзланган асосий мақсад – адолат ва инсонпарварлик принципларини амалда рўёбга чиқариш, жазолашнинг репрессив вазифаларини қисқартиришдан иборатдир.

Жиноят қонунларини либераллаштириш жараёнида жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтини такомиллаштириш муаммоларини илмий таҳлил этиш қуйидаги сабабларга кўра долзарб ҳисобланади:

биринчидан, Президентимиз Ислом Каримовнинг концептуал ғоялари, амалий кўрсатма ва йўл-йўриқларининг методологик асоси бўлган суд-ҳуқуқ ислохотларининг биринчи босқичида – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди, унинг асосида Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда улардан амалиётда самарали фойдаланилмоқда. Айни пайтда жиноят қонунининг либераллаштирилиши билан боғлиқ ислохотлар тобора

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 11 б.

чуқурлашиб, динамик жараёнга айланганлиги сабабли уни тегишли равишда илмий мушоҳада этиш заруратини вужудга келтирди;

иккинчидан, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни чуқур илмий таҳлил қилиш зарурлиги, фан ва амалиётнинг узвий ҳамда чамбарчас алоқасини таъминлаш эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда. Тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган асосий беш тамойилидан бири – қонун устуворлигини таъминлаш экан, жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтининг ривожини юқоридаги вазифалар билан узвий боғлиқ бўлиб, алоҳида тадқиқ қилиниши жиноят ҳуқуқи назариясининг муҳим вазифаларидан биридир;

учинчидан, юртимиз жаҳон ҳамжамиятига чуқур интеграциялашуви, илғор мамлакатлар юридик тажрибасидан фойдаланиб, ўз миллий кадриятларимизга мос равишда қонунчиликни ривожлантириб, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамланиб бориши илмий методологик асосларини жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтларига нисбатан қўллаш ва ўрганиш – давр талабидир;

тўртинчидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилинаётган, уларга устуворлик берилган республикамызда нафақат фуқароларнинг бурчлари, шунингдек давлатнинг шахс олдидаги мажбуриятларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилаётган вазиятда тадқиқот мавзусини юқоридаги асосларга кўра ўрганиш муҳим амалий натижалар бериши мумкин;

Ўрганилган жиноят ишларининг таҳлили, жиноят қонунларини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга қарамай, аҳолининг айрим қатламлари ҳуқуқий онгида ижобий силжишлар кузатилмаяпти, ҳатто қонунни қўлловчи орган ходимлари ҳам жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишда айрим камчиликларга йўл қўяётганлигини кўрсатмоқда.

ЖКнинг 69-моддаси маълум муддатларнинг тугаганлигини жазодан озод қилиш учун асос сифатида кўрсатади. Улар тайинланган жазонинг чорасига қараб фарқланади. Ушбу асос жазони ижро этиш муддати деб номланади ва фақат судланган шахсга нисбатан қўланади. Жазони ижро этиш муддати бу – конунда белгиланган муддат бўлиб, у ўтиб кетганидан сўнг, конунда кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда, суд томонидан тайинланган жазо ижро этилиши мумкин бўлмайди.

Жазони ижро этишнинг ўзи айбдорни ахлоқан тузатиш ва янги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг жазони амалга ошириш бўйича ваколатли фаолиятидан иборат.

Жазони ижро этиш муддатининг институти асосан судланган шахснинг ижтимоий ҳавфининг йўқолиши ёки анча камайишига туфайли айблов ҳукмини ижро этишнинг мақсадга мувофиқ бўлмай қолишига асосланган. Жазони қўллаш бу ҳолда ўз-ўзи учун мақсадга айланган бўлиб, тегишли давлат мажбурлов чораларнинг керакли тарбиявий ва огоҳлантирувчи таъсирини таъминлай олмаган бўлар эди.

Ушбу муддатнинг моҳияти, аввал қайд этилганидек, маълум вақтдан бошлаб муайян муддат тугашидан иборат. Агар жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш учун бундай пайт жиноятни содир этиш пайти бўлса, жазодан озод қилиш учун ушбу муддатни ҳисоблаш бошланадиган айблов ҳукмининг қонуний кучга кириш вақтини ниқлаш лозим бўлади. Масалан, суд ҳукми апелляция шикояти ва протестини келтириш муддати тугаган пайтидан бошлаб қонуний кучга киради. Апелляция шикояти ёки протести келтирилган ҳолда суд ҳукми, агар у бекор қилинмаган бўлса, юқори турувчи суд томонидан иш кўрилган кунидан бошлаб қонуний кучга киради (ЖПК 528-моддаси).

“Агар суд ишни сдда кўриш давомида ЖК 69-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан судланувчини

жазодан озод қилиш лозимлиги ҳақидаги хулосага келса, у судланувчига нисбатан айблов ҳукмини чиқара туриб, унинг таърифловчи қисмида қабул қилинган қарорни асослантириши, қарор қисмида эса судланувчини айбдор деб тан олиши ва унга ЖКнинг тегишли моддаси (моддалари) бўйича жазони тайинлаши, кейин эса қонунга ҳавола қилиб кўрсатган ҳолда судланувчини жазодан озод қилиш ҳақида билдириши лозим”².

Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш учун муддатлар турличадир. ЖКнинг 69-моддасининг 1-қисми қоидаларига мувофиқ:

“Агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб:

а) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда — уч йил;

б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — беш йил;

в) ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — ўн йил;

г) ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади”.

Ушбу кўрсатилган муддатлар, кўриниб турганидек, жиноятнинг тоифасига эмас, (унинг ижтимоий хавфининг даражаси) суд томонидан тайинланган жазонинг чорасига боғлиқ бўлади.

Жиноят кодексининг жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишга оид айрим нормаларини такомиллаштириш бу борадаги, аввало моддий ва процессуал қонунлар ўртасидаги айрим номутаносибликларни бартараф этиш зарурати ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1997 й. 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги № 2 сонли Қврори //Тўплам, Т.1. – Б. 343.

Юқоридаги илмий-назарий, илмий-амалий муҳим муаммоларни тадқиқ этиш ва уларнинг ечимини топиш жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширади, либераллаштириш жараёнини чуқурлаштиради, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлайди ҳамда жиноят ҳуқуқи фанининг янги истиқболли йўналишига асос солади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг айрим муаммолари Ғ.А. Абдумажидов, Қ.Р. Абдурасулова, Б.Ж. Ахраров, З.Х. Гулямов, О.Ғ. Зокирова, Р. Кабулов, Қ. Мирзажонов, М.М. Қодиров, Б.Х. Пўлатов, М.Х. Рустамбоев, Ф. Тохиров, М. Усмоналиев, А.С. Якубов, Д.Қурбонов, Ш.Бердиевлар каби мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида кўриб чиқилган ва ушбу институтнинг баъзи масалаларига оид қимматли фикрлар билдирилган.

Жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг жиноят-ҳуқуқий асосларига оид илмий изланишлар МДҲга аъзо мамлакатлар оимлари Х.Д. Аликперов, Н.И. Ветров, Л.В. Головкин, Н.В. Григорьев, А.В. Ендольцева, А.И. Игнатов, Л.В. Иногамова-Хегай, С.Г. Келина, А.П. Козлов, Ю.А. Красиков, Н.Е. Крылова, В.Н. Кудрявцев, Н.Ф. Кузнецова, Л.В. Лобанова, А.В. Наумов, С.Н. Сабанин, Р.А. Сабитов, Сверчков, Ю.М. Ткачевский ва бошқалар томонидан ҳам олиб орилган.

Табиийки, ушбу олимлар ўз давлатлари жиноят қонунига кўра жиноий жавобгарликка тортиш ёки жавобгарликдан озод қилишнинг алоҳида институтларини тадқиқ этиш билан чегараланганлар.

Малакавий битирув ишининг мақсади жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнида жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилиш институтларини тартибга солувчи жиноят ва жиноят-процессуал қонунларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда тафовутини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, бу нормаларнинг амалиётда соддалаштирилган тартибини қўллаш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- жинойй жавобгарлик тушунчаси, унинг юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқини очиб бериш;
- жинойй жавобгарликдан озод қилишнинг моҳиятини таҳлил қилиш;
- жинойй жавобгарликдан озод қилиш асосларини таҳлил қилиш;
- жинойй жавобгарликдан озод қилишнинг турларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш;
- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жинойй жавобгарликдан озод қилишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- хорижий давлатлар қонунчилигида жинойй жавобгарликдан озод қилиш ва жазодан озод қилишни тартибга солинишини ўрганиш;
- жинойй жавобгарлик ва жазодан озод қилишни қўллаш амалиёти муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси асосида шахсни жинойй жавобгарлик ва жинойй жазодан озод қилиш институти билан боғлиқ масала жиноят ҳамда жиноят-процессуал кодексларига асосланиб, жавобгарликка тортиш муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жинойй жавобгарликдан ва жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш муаммоларини ҳуқуқий жиҳатлари комплекс тарзда ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ушбу эришилган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- жинойй жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- жинойй жавобгарликдан озод қилишнинг турлари, уларнинг моҳияти,

уни қўллаш асослари ва шартлари, амалиётда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилиб, ЖКга жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчасини киритиш ҳақида таклиф берилди;

- жиноий жазодан озод қилишнинг турлари, уларнинг моҳияти, уни қўллаш асослари ва шартлари, амалиётда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилиб,

- жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг ҳар бир тури, хусусан, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги шахсни жавобгарликдан озод қилишга оид олимларнинг билдирган фикрлари танқидий ўрганилди ҳамда уни амалиётда қўллаш юзасидан дастлабки тергов ҳамда судлардаги жиноят ишлари материалларини таҳлил қилиб, ЖК 64-моддаларининг янги таҳрири, “87¹-модда. Вояга етмаганларни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш” ҳақида таклифлар ишлаб чиқилди;

- жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишга оид олимларнинг билдирган фикрлари танқидий ўрганилди ҳамда уни амалиётда қўллаш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган таклифлар шахсни жиноий жавобгарлик ва жиноий жазодан озод қилиш институтларининг ҳуқуқий табиати ёритилди, жиноий жавобгарлик ва жиноий жазодан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари ва шартлари ҳамда уларни амалиётда қўллашнинг ўзига хос томонлари кўрсатиб берилди.

Юқорида қайд этилганлар жиноий жавобгарлик ва жиноий жазодан озод қилиш турларини қўллаш амалиётининг тўғри амалга оширилишига ёрдам бериб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқароларнинг ноқонуний жавобгарликка тортилишининг ва ноқонуний жазолашни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Улар

жиноят ҳуқуқи фанининг шахсни жавобгарликка тортиш муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан ва жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш билан боғлиқ алоҳида институтларини такомиллаштиришга хизмат қилиш билан бир қаторда давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини тўғри белгилаш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Малакавий битирув ишининг тузилиши кириш, уч боб, еттита параграфа, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. Жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида муддатлар ўтишининг моҳияти ва ҳуқуқий табиати.

1.1. Жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан жиноий жавобгарлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

Маълумки, ҳуқуқшуносликка оид махсус адабиётларда юридик (жумладан, жиноий) жавобгарликнинг позитив (ижобий) ва негатив (салбий) жиҳатлари тўғрисида сўз юритилади.³ Бунда жавобгарликнинг салбий жиҳати ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсга нисбатан уни жазолашда намоён бўлса, ижобий хусусияти шу шахсни қайта жиноят содир қилмасликка ундаши (шахс ўзининг ўтмишдаги хатти – ҳаракатининг салбий оқибатини тушунган ҳолда) ва атрофдагиларга ҳам огоҳлантирувчи таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлади.

Шу ўринда жавобгарликни ижобий хусусиятларини таъкидлаш учун Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шавқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазони муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади»⁴

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга қаратилган давлат сиёсат айнан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Жиноят қонунини либераллаштирилиши борасидаги рағбатлантирувчи муносабатларни ривожлантириш ундаги ижобий элементларнинг мазмунига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Эндиликда ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, ижобий жавобгарликка фақат «фуқароларнинг қонуний хатти-ҳаракатлари ва улар томонидан жиноят қонуни талаблари ва қоидаларига ихтиёрий риоя

³ Кудрявцев В.Н. Закон, поступок, ответственность М. Наука, 1986.-С. 285-289.

⁴ Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида // Халқ сўзи, 2001й, 30 август.

килиниши»⁵, деб таъриф бериш мантиққан унчалик тўғри бўлмайди. Чунки мурасозлик ғоясини норматив нуқтаи назаридан ифодалаш, жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда илгариги мафкуравий йўналишдан воз кечиш, амалиётнинг фақат жиноятларнинг олдини олишга эмас, балки содир этилган жиноятга бўлган муносабат стратегияси ва тактикасига, шу жумладан айбдорга нисбатан тезкор-қидирув, тергов, суд ишларини юритиш ва унинг ахлоқини тузатиш жараёнига кўпроқ эътибор беришга мослашаётганлиги жиноий жавобгарлик тушунчасининг мазмунини ўзгартирди. Яъни қонунни қўллаш амалиётининг энг зарур эҳтиёжларига мос келган ва қонун чиқарувчи томонидан одил судлов органлари тарафидан жиноятнинг ташкилотчиси, раҳбарлари ва бошқа фаол иштирокчилари ҳаракатларини қайтадан баҳолаш шарти ҳисобланган мураса институти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг айби камроқ бўлган шахсларга бўлган муносабатларини ўзгантиришни баъзан эса улар билан ҳамкорлик қилишга ундайди. Амалиётнинг таҳлили жиноят содир қилган шахслар ўз тақдирлари учун хайрли натижа чиқмаса, ҳар доим ҳам ҳамкорлик қилишни хоҳламасликларидан далолат бермоқда. Бундай вазиятда амалиёт ходимининг ҳар гал камроқ ёки кўпроқ бўлган ижтимоий муҳим натижаларнинг ўртасини танлашига тўғри келади. Афсуски, одил судлов органларига берилган танлаш имконияти ЖКнинг моддалари билан тартибга солинмаган. Мазкур муаммонинг ечимини топиш учун қонун чиқарувчидан жиноятчиликка қарши курашга оид сиёсатнинг дастлабки қоидаларини, ҳуқуқ нормалар ва институтларини жиноятчиликка қарши курашда мураса ғоясини кўзда тутиб шакллантирилиши талаб қилинади. Бу борада жиноятчиликка қарши курашда жиноят–ҳуқуқий мурасага йўл қўйилиши тўғрисида қарор қабул қилиш учун қонун чиқарувчи иккита конституциявий принципдан бирини, яъни: 1) шахсни фақат суд ҳукмига кўра айбдор, деб тан олиш; 2) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни энг олий қадрият,

3. Елеонский В.А. Поощрительные нормы уголовного права и их значения в деятельности органов внутренних дел // Хабаровск, 1984. – С. 15.

деб эълон қилишни танлаши лозим бўлади. Ушбу вазиятда, шубҳасиз, иккинчи принципга устунлик берилади албатта, бунинг боиси шундаки, Жиноят кодексида аввало, қонунга риоя қилувчи фуқаронинг манфаатлари кўпроқ қўриқланиши керак.

Шундай экан, жиноий жавобгарликка фақат салбий жиҳатдан қараш мумкин эмас, чунки у ижобий ва салбий таркибларнинг бирикмасини ўзида акс эттиради ва яхлит ҳолда жиноий таъқиб натижаларида ўз ифодасини топади, деб хулоса қилиш мумкин. Иккинчидан, жиноий жавобгарликни амалга оширишда жабрланувчининг жиноят-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида фаол иштирок этишини назарда тутиш даркор. Учинчидан, жиноий жавобгарлик тушунчасини фақат ҳукм қилиш билан чеклаш ва шу ибора орқали ифодалаш мантиқан тўғри бўлмайди, сабаби айбдорнинг салбий оқибатларга (ушлаш, ҳибсга олиш ёки бошқа мажбурлов чораларига) дучор этилиши дастлабки тергов жараёниданок бошланади. Боз устига, айбдор шахсни суд жараёнигача таъқиб қилиш даврида унга рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган (жиноятчиларни фош этишга ёрдам бериш, жиноятнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ва бошқа) ҳаракатларни содир этиш имкони берилади ва унинг бундай фаолияти суд томонидан жиноят ишини муҳокама қилиниши жараёнида ҳисобга олинади. Тўртинчидан, озодликдан маҳрум қилишга нисбатан муқобил жазо чораларини қўллаш доирасини кенгайтириш илгари мавжуд бўлмаган институтлар (медиация, пробация)нинг қонунга киритилишини рағбатлантиради ва жазоловчи одил судловдан бузилган ҳуқуқни тикловчи одил судловга ўтиш доирасида моҳиятига кўра, низоларни жиноят ишини судда кўриш вақтигача ёки жараёнигача ҳал қилишга шароит яратади. Шундай қилиб, жиноий жавобгарликнинг ижобий жиҳатларини кучайтириш билан яқин келажакда рағбатлантирувчи чоралар тизими оғир (ҳатто ўта оғир) жиноят содир қилган шахсни ҳам бошқа шахсга етказган (маънавий, руҳий ва бошқа турдаги) зиённинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш йўли билан унинг оқибатларини тугатиш орқали жабрланувчининг

бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш орқали айбдорнинг ҳуқуқ-атворини қонунга итоаткорлик томонга ўзгартирадиган вазиятни юзага келтиради. Шу билан бир қаторда, жиноят ҳуқуқида жиноий жавобгарликнинг пазитив томонларини алоҳида ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши зарур бўлган бир неча муаммо мавжуддир. Биринчиси – жиноят ҳуқуқи фани предметини кенгайтириш ва бойитиш муаммоси. Иккинчиси – янги ҳуқуқий категориялар тушунчаси апаратини, хусусан, жиноий жавобгарликнинг объектив ва субъектив томонларини методологик асослаш, қонунни, жавобгарлик ҳиссини англаб етиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва унинг институтларига, ҳуқуқ нормаларига, қонуний ҳатти-ҳаракатларга бўлган муносабати шахс ва ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муаммоси. Учинчиси – жиноят ҳуқуқининг методи тўғрисида, унинг ҳукмрон эканлигига оид мавжуд тасаввурларни жиддий ўзгартириш муаммоси⁶. Тўртинчиси – жиноят ҳуқуқи нормаларини амалда қўллаш воситалари, жиноий жавобгарликнинг ижобий жиҳатини кенгроқ тадқиқ этиш, содир этилган жиноят учун жиноят қонунида назарда тутилган санкцияларни амалга оширишда чеклов қўйилмаслиги муаммоси. Бешинчиси – шахснинг ҳатти-ҳаракатига фақат санкция эмас, балки жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясининг ҳам таъсири механизмини ўрганиш зарурияти муаммоси. Чунки амалиётни ўрганиш ҳуқуқий нормаларнинг асоси санкция эмас, балки фуқаролардан қонунга мувофиқ ҳатти-ҳаракатни талаб қилувчи диспозицияси эканлигига оид қонуннинг тўғрилигини тасдиқлайди. Олтинчиси – давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш шароитида жиноят қонунини ривожлантиришнинг асосий йўлларида бири сифатида келажакда Жиноят кодексида рағбатлантирувчи нормаларнинг улуши ва ижтимоий роли жиддий ўсиб бориши билан боғлиқлиги муаммоси. Ҳозирги кунда содир этилган у ёки бу жиноят учун шахсга нисбатан жиноят қонуни доирасида рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш мезонлари тўғрисидаги масала ҳануз ечилмаган. Ўтган давр (1995-2010 йй.) мобайнида

⁶ Наумов А.В. О метадологии уголовного права // Сов. государство и право, 1986, №9, - С. 48.

жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни копланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди⁷. Еттинчиси – жазонинг моҳиятини жавобгарликнинг ижобий қирраси орқали очишда жиноий жавобгарликнинг икки жиҳати: содир этилган жиноят учун жазолашга ретроспектив (салбий) фундаментал ҳуқуқий институт сифатида қаралиши. (бу маънода жазо бўлиб ўтган воқеаларга ҳуқуқий баҳони акс эттириб, ўч олиш хусусиятига эга бўлади); Жавобгарликнинг ижобий (позитив) жиҳати эса жиноий фаолиятнинг давом этишига тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузар ҳамда бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишда ифодаланади. Бу ҳолда жазонинг ижобий хусусияти намаён бўлмайди, фақат унинг келажакка қаратилганлиги билан характерланади.

Жиноий жавобгарлик тушунчасининг позитив (ижобий) жиҳатини батафсил англаб олишга доир масаланинг қўйилиши жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётининг бир қатор қийин ва зарур муаммоларини методологик нуқтаи назардан тўғри ҳал этилишига хизмат қилди. Шунинг учун ҳам жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг қонундаги ифодаси одил судловда жазоловчи эски қолипларнинг сақланиб қолаётганлиги ва репрессив соҳанинг давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш сиёсатига жавоб бермаётганлиги туфайли таҳририй жиҳатдан жиддий ўзгартишларга муҳтождир. Бизнинг фикримизга, жиноий жавобгарлик жиноят содир қилган шахс томонидан қонунда белгиланган тақиқ бузилганлигига шахснинг қилмишига давлатнинг жавоб ҳатти-ҳаракати бўлиб, у айбдорни жиноий тақиб этиш орқали, шу жумладан унинг ижобий ҳулқ-атвори, жиноят-ҳуқуқий рағбатлантириш мақсадида ҳамда суднинг ҳукм чиқариш ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа мажбурлов чораларни қўллашида намоён бўлади.

⁷ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010 –Б. 20

1.2. Жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари, муддатнинг тўхтатилиши ва узилиши.

ЖКнинг 64-моддасига кўра, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Жавобгарликка тортиш муддати содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига қараб белгиланган. ЖК 64-моддаси 1-қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб:

- 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб - уч йил;
- 2) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб - беш йил;
- 3) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб - ўн йил;
- 4) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб - ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Жиноий жавобгарликка тортиш тушунчасининг мазмунини аниқлаб олиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Аслида, агар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш— суд тергов органларининг ваколати ҳисобланиб, уларнинг қайси процессуал ҳужжатда ифодаланиши муҳим роль ўйнайди. Ваҳоланки, жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб, суднинг ҳукми чиқарилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Шу сабабли, жиноий жавобгарликка тортиш тушунчасини нотўғри талқин қилиниши амалиётда хатога ва қонуннинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу масала юзасидан ягона фикр мавжуд бўлмай, ушбу қарашларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирувчи олимларнинг қарашларини Н.И.Загородников бир қатор ишларида асослантиришга ҳаракат қилган.

Н.И.Загородников томонидан илгари сураётган концепциянинг мазмуни: жиноий жавобгарлик жиноят содир этган шахсга нисбатан суд томонидан жиноят-ҳуқуқий норманинг реал қўлланиши бўлиб, жиноий жавобгарликнинг таркибий қисмига суд томонидан жазо тайинлаш ҳам киради. Жиноий жавобгарлик доимо айбдорнинг хулқ-атворини салбий баҳоланишини, давлатнинг мажбурлов чораларидан бирининг белгиланишини назарда тутди. Шу боис жиноий жавобгарликка тортиш муддати билан боғлиқ масалалар ҳам иноят қонуни асосида ҳал қилиниши лозим. ЖК 64-моддасида жиноий жавобгарликка тортиш муддати тўғрисида сўз юритилар экан, унда жавобгарликка тортиш жиноят қонунининг талаблари асосида амалга оширилиши лозимлиги назарда тутилган.

Ушбу фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Н.И.Загородников айбдор сифатида жалб қилинган шахс ҳали жиноий жавобгарликка тортилган ҳисобланмайди, ҳам жиноят-ҳуқуқий муносабатлар эмас, балки фақат процессуал муносабатлар вужудга келган бўлади деб таъкидлайди;. Агар жиноий жавобгарлик шахс айбдор сифатида жиноят процессига жалб қилинган кундан бошланади деб таъкидлайдиган бўлсак, жавобгарликка тортиш муддатлари ўтишининг бошланиши тергов органлари фаолиятининг тезкорлигига боғлиқ бўлади.

Демак, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ушбу жавобгарликнинг вужудга келиши суд томонидан айблов ҳукми эълон қилинган кундан бошлаб белгиланади⁸. Жиноят-процессуал ҳаракатлар, яъни айблов ҳукми чиқарилгунига қадар жиноят ишини қўзғатиш, айбдор сифатида жалб қилиш ва бошқа чораларни кўриш, гумонланувчининг жиноий жавобгарлигидан далолат бермайди. Шундай экан, жавобгарликка тортиш муддатлари “жиноят

⁸ Загородников Н.И. О пределах уголовной ответственности // Ж. Советское государство и право. 1967. – № 7. – С 45.

содир этилган кундан то айблов ҳукмини чиқариш кунигача бўлган даврни” ўз ичига олади. - деб таъкидлаган ҳолда биринчи гуруҳ олимларининг фикрига қўшилади қўшилади

Худди шундай нуқтаи назарларни қўллаб-қувватлаб В.Малков жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи модда жавобгарликка тортиш муддати ўтишини маълум вақт мобайнида тўхтатиб турувчи ягона ҳолатни кўзда тутди⁹, дейди. Юқорида жиноят содир этган шахснинг тергов ёки суддан яширинганида, муддат ўтишининг тўхтатилиши ҳақида сўз юритилмоқда. Қонунда муддат ўтишининг тўхтатилишини назарда тутувчи бошқа ҳолатлар кўрсатилмаган.

В.Малковнинг фикрича, жиноий жавобгарликка тортиш билан айбдор сифатида жалб қилиш ўртасида тенглик белгисини қўйиш дастлабки терговни тўхтатиш учун асос бўладиган ҳолатлар тўғрисидаги қоидаларга зиддир. Дастлабки терговни тўхтатиш учун жиноят содир этган шахсга нисбатан айб эълон қилинган бўлиши керак.

А.А.Пионтковскийнинг фикрича жиноий жавобгарлик муайян юридик мажбурият сифатида жиноят содир этилган вақтдан бошланади¹⁰. Адабиётлардаги жиноят-ҳуқуқий муносабатлар айблов ҳукмининг чиқарилиши билан вужудга келади, деган нуқтаи назар иккита турли ҳодисалар: 1) ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиш вақтини; 2) унинг суд томонидан қайд қилиниш вақтини аралаштириб юборилишига асосланади. Жиноятчи ва давлат ўртасидаги махсус муносабатлар жиноят содир этилиши натижасида юзага келади. Жиноий жавобгарлик эса, айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг татбиқ этилади. Юқоридаги фикрларни ривожлантириб, А.А.Пионтковский жиноят-ҳуқуқий муносабат ва жиноий

⁹ Малков В. Исчисление сроков давности привлечения к уголовной ответственности // Ж. Советская юстиция 1966. – № 22. – С. 6-7.

¹⁰ А.А. Пионтковский, О понятии уголовной ответственности // Советское государство и право. 1967. – № 12. – С. 40–48.

жавобгарлик айблов ҳукмининг чиқиши билан вужудга келади, деган нуктаи назар жиноий жавобгарликка тортишни ва умуман жиноий жавобгарликнинг асосларини нотўғри тушунишга олиб келади, деб хулоса қилади. Унинг таъкидлашича, жиноий жавобгарликка тортиш “шахс томонидан жиноят содир этилганлиги тўғрисида етарлича асосли гумонлар, унинг ҳаракатларида қонун билан белгиланган жиноят таркиби мавжуд бўлганида, жиноят ишининг қўзғатилишини англатади”¹¹, деган мулоҳазага келади.

Шу муносабат билан А.А. Пионтковский жиноят содир этилган шасхнинг айбдорлиги айблов ҳукмида қайд қилинган вақтдан бошлаб у жиноий жавобгарликка тортилади, деган фикрни нотўғри деб ҳисоблайди. “Жиноий таъқиб қилиш муддатларининг ўтиши, -деб ёзади у, - ушбу муддатларнинг ўтиб кетиши билан жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслигини англатади, яъни унга қарши жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас. Жиноий жавобгарликка тортиш ва жиноят учун жазога ҳукм қилиш (айблаш) бир хил аҳамиятга эга эмас”¹².

В.И.Курляндский юқоридаги қарашларни қўллаб-қувватлаб, жиноий жавобгарлик жиноят содир этилган вақтдан бошланади, унинг амалга оширилиши эса, шахсни айбланувчи сифатида жалб қилишдан бошланади. Жиноий жавобгарлик шахсни айбдор, деб топилиши, суд томонидан айблов ҳукмининг чиқарилиши ва жазо тури ҳамда ҳажми белгилангандан сўнг юзага келади. Жиноий жавобгарлик жазо ижро этилгандан кейин, тегишли ҳолатларда эса, судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланиши билан тугайди”¹³, дейди.

У жиноий жавобгарликни уч босқичга бўлади: 1) жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши; 2) жиноий жавобгарликка жалб қилиш; 3) жиноий жавобгарликнинг бошланиши. Ушбу босқичларнинг ҳар бири

¹¹. Пионтковский А.А. О понятии уголовной ответственности // Советское государство и право. 1967. – № 12. – С. 44–45.

¹² Пионтковский А.А. Кўрсатилган манба.

¹³ Курляндский В.И. О сущности и признаках уголовной ответственности. // Советское государство и право 1963. – № 1. – С. 92.

жиноий жавобгарликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва маълум даражада мустақил аҳамиятга эгадир, деб “жиноий жавобгарлик” ва “жиноий жазо” тушунчалари бир хил маъно касб этмаслигига, бир-биридан фарқ қилишига алоҳида эътибор қаратади.

И.Гальперин ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг бошланишини ажратиб кўрсатиш ва улар ўртасида тенглик белгисининг кўйилишига қарши чиқади. Жиноий жавобгарликка тортиш – бу жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтишини тўхтатувчи айб кўйиш ҳаракатидир. Шу муносабат билан айб жавобгарликка тортиш муддатлари доирасида кўйилган бўлса, суд муддатлар ўтиб кетган бўлсада судда ишни кўриб чиқиш вақтида жазо белгилаш билан айблов ҳукми чиқаришга ҳақлидир¹⁴.

Я.М.Браининнинг фикрича, “шахсни айбланувчи сифатида жалб қилиш жиноий жавобгарликка тортиш ҳаракати ҳисобланади”¹⁵.

Н.И.Загородниковнинг фикр-мулоҳазаларини атрофлича таҳлил қилган В.Ярославский жиноий жавобгарликка тортишни ҳукм чиқариш билан тенглаштириш нотўғри нуқтаи назар бўлиб, у процессуал ҳатти-ҳаракатларнинг моддий ҳуқуқ нормаларига қарши кўйишдан келиб чиқади, жиноий жавобгарликка тортиш, деганда айблов ҳукмини чиқариш эмас, балки шахсни айбайбланувчи сифатида жалб қилиниши назарда тутилади¹⁶, деган хулосага келади.

Ўтмишда юридик адабиётларда жиноий таъқиб жиноят иши кўзгатилиши билан бошланади, деган нуқтаи назарлар ҳам келтириб ўтилган. Бироқ, ушбу фикр кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган. М.С.Строгович таъкидлаганидек, жиноят ишини кўзгатиш жиноят содир

¹⁴ Гальперин И. Как исчислять сроки давности привлечения к уголовной ответственности // Советская юстиция. 1966. – № 9. – С. 8–9.

¹⁵ Браинин Я. М. Уголовная ответственность и ее основание в уголовном праве. – С. 28; // Шунингдек қаранг Уголовный закон и его применение. – М.: 1967. – С. 95.

¹⁶ Ярославский В. Понятие привлечения к уголовной ответственности. // Ж. Социалистическая законность. 1968 – № 4. –С. 46-47.

этилиш факти, воқеасига қаратилган бўлади, жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг жиноят содир этганлиги ҳали номаълум бўлади¹⁷. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16–моддаси 2–қисмига кўра, жиноят таркибини жиноий жавобгарликнинг асоси, деб ҳисобловчи олимларнинг қарашлари ўз қонуний ифодасини топган. Унда, «Ушбу Кодекда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади», деб белгиланган. Қонундаги таърифни маъқуллаган А.С.Якубов, «фактик ва норматив асослар йиғиндиси жиноий жавобгарликнинг умумий асосларини ҳосил қилади»¹⁸, дейди.

Юқоридаги жиноий жавобгарликка оид қарашларнинг таҳлили ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликка тортиш, деганда жиноят содир этган шахсни жиноят иши бўйича айбдор деб топишда ифодаланадиган процессуал ҳаракат ишидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, жиноий жавобгарликка тортиш муддати институтини шартли равишда жиноят - ҳуқуқий, деб айтиш мумкин, чунки кўпгина хорижий мамлакатларнинг қонунида ушбу муддатга тегишли нормалар жиноят процессуал қонунларида ўз ифодасини топган. Бу ҳолатга ҳайрон қолмаслик керак, бинобарин жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессининг баъзи қоидалари ўртасида узвий боғлиқлик ва алоқадорлик мавжуд.

Суд жараёни ва жиноят ҳуқуқи ҳам ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, суд жараёни жиноят қонунини ҳаётининг амал қилишининг шакли ва ўз навбатида, қонун нормасининг намоён бўлиши ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси ҳуқуқнинг турли соҳалари бўлишига қарамай, улар ўртасида кўпгина умумий жиҳатлар мавжуд. Жиноят -ҳуқуқий ва жиноят-процессуал муносабатларнинг бир-бирига алоқадорлиги ва боғлиқлиги, жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ тармоқларининг

¹⁷ Строгович М.С. Уголовное преследование в уголовном процессе. – С. 60.

¹⁸ Якубов А.С. Современное понимание уголовной ответственности и её оснований. // Ж. Ҳуқуқ – Право – Law. 2002. – № 1. – С. 51.

боғлиқлиги билан белгиланади¹⁹. М.С.Строгович “жиноят-процессуал муносабатлар жиноят-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш, белгилаш воситаси бўлиб хизмат қилади”²⁰, деб ҳисоблаган. Жиноят ҳуқуқи ва жиноят жараёнининг ўзаро боғлиқлигини Д.Р. Қурбонов ҳам кўрсатиб ўтган²¹.

Жиноят-ҳуқуқий ва жиноят процессуал муносабатларнинг ўзаро алоқадорлиги хорижий муаллифларнинг асарларида ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Ион Оанча “Процессуал муносабатлар моддий ҳуқуқий муносабатларнинг амалда бўлишини назарда тутаяди, процессуал муносабатлар моддий-ҳуқуқий муносабатлар бўлгандагина мавжуд бўлиши мумкин. Моддий-ҳуқуқий муносабатларсиз жиноят процессуал-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келмайди”²².

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати тўғрисидаги норма Н.Д.Дурмановнинг таъкидлашича маълум иккиламчи жиҳатга эга: жиноий жавобгарликдан озод қилиш – жиноят ҳуқуқи соҳаси бўлса, жиноий жавобгарликка тортишдан озод қилиш жиноят жараёни соҳасига тегишлидир. “Моддий жиноят ҳуқуқи соҳасининг нормалари бўлмиш жавобгарликка тортиш муддати тўғрисидаги нормалар, - деб ёзади у, - жиноят-процессуал ҳуқуқининг белгиларига эга”.

Ўз навбатида жиноий жавобгарликка тортиш тушунчасини фақат моддий жиноят ҳуқуқи асосида очиб беришнинг иложи йўқ. Бу ерда жиноят-процессуал қонунчиликнинг алоҳида нормаларига мурожаат қилиш лозим бўлади. Моддий қонун мазмунини тушуниш учун бир қатор ҳолатларда жиноят ҳуқуқи нормалари ва у ёки бу даражада кўрилатган ишга боғлиқ бўлган ҳуқуқ соҳалари ўртасида алоқа ўрнатилиши лозимдир²³.

¹⁹ Курляндский В.И. О сущности и признаках уголовной ответственности // Ж. Советское государство и право. 1963. – № 1. – С. 91.

²⁰ Строгович М.С. Курс уголовного процесса. – М.: 1958. – С. 50.

²¹ Курбонов Д.Р. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарлик муаммолари. // Юридик фанлар номзоди ... диссертацияси. – Т.: 2008.

²² Ион Оанча. Некоторые замечания по вопросу уголовного правоотношения. // Вопросы уголовного права стран народной демократии. – М.: 1963. – С. 193–194.

²³ Шляпочников А.С. Толкование уголовного закона – М.: 1960. – С. 202–203; Стручков Н.А. Жиноий жавобгарлиқнинг мазмуни, уни ташиқ қилувчи ижтимоий муносабатлар ҳуқуқнинг бир неча жиноят,

Н.И.Загородниковнинг жиноят-ҳуқуқий нормалар моддий жиноят қонун нуқтаи назаридан талқин қилиниши керак, деган ғояси умуман олганда тўғри. Бироқ, бундай талқин ҳар доим ҳам қонуннинг аниқ мазмуни, маъносини очиб бера олмайди. Хусусан, жавобгарликка тортиш муддати тўғрисидаги жиноят-ҳуқуқий нормаларда қўлланиладиган баъзи тушунчаларнинг мазмунини тегишли жиноят-процессуал нормаларни ўрганиш орқали аниқ билиш мумкин. Масалан, ЖК 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатларини тўғри ҳисоблаш учун ЖПК 314-моддасига мурожаат қилиниши зарур бўлади. Ушбу норма процессуал муддатларни ҳисоблаш тартибини белгилаб берса-да, жиноят ҳуқуқида шунга ўхшаш норманинг йўқлиги туфайли, жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтишини аниқлашда ушбу нормадан фойдаланишга мажбурмиз. Жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан айблов ҳукмининг ижро этилмаслигини назарда тутувчи ЖКнинг 69-моддасининг туб моҳиятини аниқлаб олиш учун эса жазони ижро этиш тартибига бағишланган ЖПК 528-моддасига мурожаат қилишга тўғри келади. Шунингдек, қачондан ҳукмнинг қонуний кучга киришини (ушбу қоида ҳам ЖК 69-моддасида ўз ифодасини топган) аниқлаш учун яна ЖПК 528-моддасига мурожаат қилиниши зарур. ЖК 69-моддасидаги “ҳукм қонуний кучга кирган кун” деган иборага ҳам айнан процессуал қонун асосида аниқлик киритилиши мумкин.

Жиноят қонуни ва жиноят процессуал қонуни нормаларининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги боис, ушбу ҳуқуқ соҳаларида қўлланиладиган тушунчалар ва атамалар бир хил маънога эга бўлиши керак. Бундай нуқтаи назар жиноий жавобгарликка тортиш тушунчасига ҳам тегишлидир. Агар жиноий жавобгарликка тортиш жиноят ҳуқуқида жазога ҳукм қилиш, жиноят жараёнида эса, айбланувчи сифатида жалб қилишни англатадиган бўлса,

жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш моддий ва процессуал ҳуқуқда турлича бўлиши керак, аммо бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Жиноят қонуни нормаларининг таҳлили, қонун чиқарувчи орган томонидан жиноий жавобгарлик ва жазо тушунчалари бир хил эмаслиги назарда тутилганлигини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2-моддасида жиноий жавобгарлик ва жазо тушунчаларига алоҳида ва мустақил категория сифатида қаралади. Жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш шартлари, асослари ҳам ЖКнинг алоҳида моддаларида ўз ифодасини топган. Бу эса, мазкур жиноят ҳуқуқи институтлари ва атамаларининг бир-биридан фарқ қилишидан далолат беради. Жиноят процессуал қонунида ҳам “жиноий жавобгарликка тортиш” ва “ҳукм қилиш” тушунчалари ЖКнинг алоҳида нормаларида назарда тутилган.

Жиноий жавобгарлик – жазо тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у жиноят содир этган шахсларга нисбатан давлат мажбурловини қўллаш бўлиб, шахснинг ўз ҳаракатлари учун жавоб бериши ва суд томонидан тайинланган тегишли жазонинг ўталиши назарда тутилади.

Юридик (шу жумладан жиноий) жавобгарлик бугунга қадар, давлат ва ҳуқуқ назариясида ижтимоий жавобгарлик турларидан бири ҳисоблансада, у фақат ҳуқуқбузарликнинг оқибати сифатида таърифлаган холос²⁴.

“Юридик жавобгарлик, - деб ёзади проф. Х.Т.Одилқориев, - ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади”²⁵. Ушбу фикр маълум даражада тўғридир, лекин ушбу фикрда фақат ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар жавобгарлиги назарда тутилиб, бошқа шахсларга давлат қонун қоидалари таалукли эмасдек бўлиб қолган. Юридик

²⁴ Раҳмонкулов А.Х. Юридик жавобгарликнинг назарий ва амалий муаммолари. // Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. – Т.: 2002. – Б. 19.

²⁵ Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: 2009. – Б. 518.

жавобгарлик деганда шахснинг давлат томонидан ўрнатилган тартиб қоидага бўйсиниши, итоат этишидир, давлатнинг қонун қоидалари ўрнатилган экан ҳар қандай шахс ушбу қонун қоидага итоат этиши жараёнида муайян жавобгарликка эгадир. Шахснинг ҳуқуқбузарлиги юридик жавобгарликнинг ҳаракатга келишига сабаб бўлиши мумкин, шунда қонун нормаларида назарда тутилган жавобгарликлар қўлланишига сабаб бўлади.

Юридик жавобгарлик белгилари ҳақида ҳам олимларнинг муайян фикрлари мавжуд. Жумладан проф. Х.Т.Одилқориев таъкидлашига кўра:

1) юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;

2) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ;

3) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва ҳоказо);

4) ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади;

5) давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади²⁶. Шунга ўхшаш белгилар ҳақида Ўзбекистон юридик Энциклопедиясида ҳам айтиб ўтилган²⁷.

Лекин, юридик жавобгарлик ҳақида гапирилганда, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини ҳам инобатга олиш лозим. Гарчанд шахс ижтимоий қилмиш содир этиб, жавобгарликка жалб қилинган бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26-моддасига кўра “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун

²⁶ Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: 2009. – Б. 518.

²⁷ Ўзбекистон юридик Энциклопедияси. Тошкент: “Адолат”, 2010. – Б. 558.

барча шароитлар таъминлаб берилади...” дейилган. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ҳам ўзининг ифодасини топган. Унда айтилишича “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Қонун нормаларининг бу қоидаши шахснинг юридик жавобгарлигининг мантиқий исботининг оқибати дейиш мумкин. Юридик жавобгарлик муайян оқибат келтириб чиқаришининг якуний асоси суднинг айблов ҳукми билан яқун ясаши мумкин.

Ҳар қандай шахс юридик жавобгарликка жалб қилинганида қонун нормалари асосида унинг ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинади, унга нисбатан муайян мажбуриятлар юкланиши билан бирга, унинг ҳуқуқлари унданда кўпроқ ҳимоя қилинади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.” Негаки, шубҳа билан айбли деб ҳисоблаш шахснинг қонунсиз айбли бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Айбсиз айбланиб қолишининг олдини олиш учун ҳам, шубҳали ҳолларда, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши қонунлаштирилган.

К.Ф.Тихоновнинг фикрича, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, ёки жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилиш, ёки судга топшириш жиноий жавобгарлик ҳисобланмайди. Шахснинг жиноий жавобгарлиги фақат шахс суд томонидан айбдор, деб тан олингандан кейин бошланади²⁸. Ушбу фикр бизнинг фикримизни маълум даражада ифодалайди, лекин, суднинг

²⁸ Тихонов К.Ф. Субъективная сторона преступления. – Саратов: 1967. – С. 41.

айблов ҳукми жиноий жавобгарликнинг оқибати эканлигига эътибор берилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Н.И.Загородниковнинг, агар жиноий жавобгарликка тортиш бу, шахсни айбланувчи сифатида жалб қилиш ҳаракати бўлса, жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиши тергов органларининг тезкорлигига боғлиқ, деган фикри асосли эмас. Бу ерда жиноий жавобгарликка тортишни ҳукм қилиш сифатида тушуниш ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Тергов органларининг жиноят содир этган шахсни айбдор сифатида, яъни жиноий жавобгарликка тортиши қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддатлари чегараси доирасида амалга оширилиши мумкин. Ушбу муддатларнинг ўтганлиги қонунга мувофиқ шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишини истисно қилади. ЖПК 84-моддаси 1-қисми 1-бандига мувофиқ, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, жиноят иши тугатилади. Жиноий жавобгарликка тортиш тушунчасининг мазмуни ушбу процессуал ҳужжатнинг ҳуқуқий табиатига боғлиқ. Юқорида келтириб ўтилган фикрлар, яъни жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги ишни судда кўриш вақтида аниқланса, суд айбланувчининг талабига биноан ишни охирига етказиши ва жазо чорасини тайинламасдан, айблов ҳукмини чиқариши мумкин ва бу қоида ЖПК 84-моддаси талабларига зид бўлмайди. ЖПК 84-моддасидаги ушбу қоидага кўра, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетгандан сўнг жиноий жавобгарликка жалб қилинган бўлса, айбдорга нисбатан жазо қўлланилиши мумкин эмаслигини англатади. Ушбу қоидани айнан шундай тушунилиши лозим, акс ҳолда, ЖК 64-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддалари ўртасидаги алоқадорлик бузилади.

И.М.Гальпериннинг фикрича, агар жиноий жавобгарликка тортиш деганда, жазога ҳукм қилиш тушунилса, айб қўйилгандан сўнг, яъни жавобгарликка тортиш муддатининг тугашига бир неча кун қолганида,

дастлабки терговни олиб бориш предметсиз бўлиб қолади²⁹. Юқоридаги фикрга қўшимча сифатида жиноий жавобгарликка тортишнинг бундай талқин қилиниши кассация инстанцияни ҳам ночор аҳволга солиб қўяди. Ваҳоланки, иш қайта кўриб чиқилиши учун юқори инстанция судига юборилганида, жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетса, кассация инстанцияси иложсиз аҳволда қолади. Айтайлик, кассация инстанциясида биринчи босқич суди томонидан тайинланган жазо чорасини енгил деб бекор қилди ва янги ҳукм чиқарилгунга қадар жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетди. Агар жиноий жавобгарликка тортиш ҳукм қилиш, деб тушуниладиган бўлса, юқоридаги ҳолатда суд ишни иккинчи марта кўриб чиқишда жазо белгиланмаган ҳолда, ҳукм чиқариши лозим. Натижада, нисбатан оғирроқ жазони ўташи керак бўлган айбдор, умуман жазодан озод қилинади.

В.Малковнинг юқорида айтган жиноий жавобгарликка тортишни ҳукм чиқариш сифатида талқин қилиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Унинг фикрича, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш шахсни айбланувчи сифатида жалб қилиш ёки унга айб қўйиш, муддат ўтишининг тўхтатилишини англаб бериб қўймайди. Айбланувчи сифатида жалб қилиш жавобгарликка тортиш муддатини тўхтатадиган ёки узадиган ҳолатлар қонунда белгилаб қўйилган қоидалар сирасига киради³⁰.

Ҳақиқатдан ҳам шахсни айбдор сифатида жалб қилиш муддатларнинг ўтишига ҳам, тўхташига ҳам таъсир қилмайди, жиноий жавобгарликка тортиш-шахсни айбланувчи сифатида жалб қилишда ифодааланадиган процессуал акт эканлигини ҳам рад этмайди. Демак, В.Малков томонидан илгари сурилган нуқтаи назар жиноий жавобгарликка тортиш тушунчасининг моҳиятини очиқ бермайди. Муддатларнинг тўхтатилиши ва узилиши

²⁹ Гальперин И. Как исчислять сроки давности привлечения к уголовной ответственности. // Ж. Советская юстиция. 1966. – № 9. – С. 8.

³⁰ Малков В. Исчисление сроков давности привлечения к уголовной ответственности. // Ж. Советская юстиция. 1966.- № 22- С. 6-7.

шунчаки жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш тартибини ўзгартирадиган ҳолатлар ҳисобланади. Жиноий жавобгарликка тортиш эса, жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтишига олиб келадиган ҳаракатдир. В.Малков шахсни айбдор сифатида жалб қилиш муддатларнинг ўтишини тўхтатади, деган нуқтаи назарни танқид қилар экан, жиноят қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши муносабати билан тўхтатилган ишни кўриб чиқиш жараёнини тўхтатишни назарда тутувчи ЖПК 364-моддасидаги ҳолат тўғри келадиган қоидага мурожаат қилади. ЖПК 364-моддаси 2, 3 ва 4- қисмларида шахсга айб қўйилганда дастлабки терговни тўхтатиш мумкинлиги белгиланган.

Албатта, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги муносабати билан тўхтатиб қўйилган ишни тугатиш муддатни қўллашнинг махсус шакли ҳисобланади. Қонунда бундай ишни муддатнинг ўтиб кетганлиги асосида тўхтатилишини шахсни айбдор сифатида жалб қилишни жиноий жавобгарликка тортиш деб ҳисоблаганлиги учун эмас, балки дастлабки терговни тугатиб бўлмаганлиги ва ишнинг суд томонидан кўрила олмаслиги мустаҳкамланган.

Аслида, қаердалиги номаълум бўлган шахсни излаш ёки айбдор сифатида жалб қилиниши керак бўлган одамнинг шахсини аниқлаш чексиз вақт давом этиши мумкин эмас. Руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалинган шахснинг соғайишини узоқ вақт кутиш ҳам мантиқсиздир. Дастлабки терговда ишни тўхтатиш учун етарли асослар бўлмаганлиги боис айблов ҳулосаси тузиш билан тугатилмаган бўлса, жиноят иши албатта, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги асосида тугатилади. Акс ҳолда, дастлабки тергов якунига етказилиши мумкин бўлмаган бир шароитда ишни судда кўриб чиқиш учун тақдим этиш ва бир вақтнинг ўзида уни тугатишнинг иложи бўлмаса, жуда ғайри оддий ҳолат юзага келади. Бунда жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтишини тўхтатиш маъносиз бўларди. Бироқ, буларнинг барчаси жиноий жавобгарликка тортиш шахсни

айбланувчи сифатида жалб қилиш каби процессуал ҳаракати деган принципиал қарашни шубҳа остига қўймайди (сусайтирилмайди).

Жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳукм чиқариш ўртасида тенглик белгисини қўйишга қаратилган юқоридаги фикрлар. А.А.Пионтковский тўғри таъкидлаганидек, жавобгарликка тортиш муддатини амалиётда нотўғри қўллашга олиб келиши мумкин. “Айблов ҳукми билан шахснинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлиги аниқланганда, - деб ёзади у, - олдин жиноий жавобгарликка тортилган шахс, судланган шахсга айланади ва шундан сўнг жиноий жавобгарлик эмас, балки суд ҳукмини ижро этиш амалга оширилади”³¹.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши жиноят содир этган шахснинг хулқ-атвориға боғлиқ бўлиб, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишнинг асоси бўлиб шахснинг жамият учун ижтимоий хавфли бўлмай қолганлиги ҳамда қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши ҳисобланади³². Аммо нафақат шахснинг янги жиноят содир этиши, балки жиноятчининг жиноий жавобгарликка тортишдан бўйин товлашга қаратилган ҳаракатлари ҳам жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтишига таъсир қилади. Бироқ, ушбу омиллар ҳар бирининг ҳуқуқий аҳамияти турличадир. Агар янги жиноятни содир этиш биринчи содир этилган жиноят бўйича ўтган муддатларни бекор қилса, шахс тергов ёки суддан яширинган ҳолатларда жавобгарликка тортиш муддатлари айбдор жиноий таъкибдан яширинган вақт мобайнида тўхтатиб турилади, ушбу вақт жавобгарликка тортиш муддатига киритилмайди. Тергов ёки суддан яширинган айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади. Шу тарзда, жавобгарликка тортиш муддатлари тўхтатилган ҳолатларда ушбу муддатга

³¹ Пионтковский А.А. О понятии уголовной ответственности. // Ж Советское государство и право. 1967. – № 12. – С. 45.

³² Бердиев Ж. Муддатнинг ўтиб кетиши ёхуд жиноий жавобгарликдан озод этиш гносеологияси. // Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2009. – № 4. – Б. 17.

жиноят содир этилган кундан шахснинг тергов ёки суддан яширинган кунига кадар бўлган давр ҳамда ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб ўтган муддат киритилади. Агар бу муддатларнинг барчаси конунда кўрсатилган муддатлардан ошиб кетмаса, шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Акс ҳолда, яъни муддатлар ўтиб кетган бўлса, айбдорнинг жиноий жавобгарликка тортилиши истисно қилинади.

ЖК 64-моддаси 3-қисмининг ўзига хос хусусияти шундаки, унга кўра, жавобгарликка тортиш муддатлари шахс тергов ва суддан яширинишни тўхтатган вақтдан эмас, балки ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган вақтдан бошлаб қайта тикланади. Бундай қонданинг ўрнатилиши фақат амалиётга боғлиқ бўлиб, унинг манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади. Ҳақиқатдан ҳам, амалда кўпчилик ҳолатларда шахснинг суддан ёки терговдан яширинишни тўхтатган вақтни белгилаш жуда мураккаб ва баъзида бунинг иложи ҳам бўлмайди. Ушлаш ёки айбини бўйнига олиб арз қилиш, шахснинг бундан буён яширинмаслигидан далолат беради.

Тергов ёки суддан яширинаётган шахс ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган вақтдан бошлаб жавобгарликка тортиш муддатларини қайта тиклаш тўғрисидаги жиноят-ҳуқуқий норма муайян аҳамиятга эга бўлиб, у жавобгарликка тортишни қўллаш муддатларининг аниқ ҳисобланишини талаб этади. Ҳар доим ҳам ушлаш ёки айбини бўйнига олиб арз қилиш вақт бўйича жиноий жавобгарликка тортиш вақти билан тўғри келмайди, уларни кунлар ва ҳатто ойлар ажратиб туради. Ушбу вақт оралиғини ҳам жавобгарликка тортиш муддатларига киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ЎЗР ЖК 64-моддаси ЎЗР ЖК 69 моддасида белгиланган тергов ёки суддан яширинишга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини қайта янгилаш вақтини бекор қилиш тўғрисидаги баъзи бир олимларнинг фикрлари³³ га қўшилиб бўлмайди.

³³ Комментарий к Уголовному кодексу Республики Казахстан. – Алматы: 2030. Правовая инициатива. 1999. – С.167.

ЖК 64-моддаси 3-қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Шахснинг янги жиноят содир этиши ва тергов ёки суддан яширинганлиги фактларининг ҳуқуқий аҳамияти бир хил эмас. Биринчи ҳолатда гап ижтимоий хавфли ва жиноий жазога лойиқ бўлган, иккинчи ҳолатда эса, жиноий бўлмаган ҳаракатлар ҳақида бормоқда. Жиноят қонунида айбдор, гумонланувчининг тергов ёки суддан яширинганлиги учун жавобгарлик назарда тутилмайди.

Жиноят содир этган шахснинг ҳаракатлари жиноий жавобгарликдан қутилишга қаратилган. Ушбу ҳаракатларга мисол тариқасида яшаш манзилини ўзгартириш, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб кетиши, ҳужжатларсиз бошқа жойда яшаш ёки айбдорнинг жиноий жавобгарликка тортилишига тўсқинлик қиладиган шароитларни яратиш кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Шу боис, ҳар бир муайян ҳолатда бу турдаги ҳаракатлар жиноий жавобгарликдан бўйин товлашга қаратилганми ёки йўқми? деган масалага аниқлик киритилиши керак. Масалан, жиноий жавобгарликдан бўйин товлаш мақсадини кўзламаган ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчиш шахснинг тергов ёки суддан яширинган, деб хулоса қилиш учун асос бўлмайди. Албатта, шахс жиноий ҳаракатларни содир этиши билан тергов ёки суддан яшириниш мумкин. Бироқ бунда ушбу ҳаракатлар жавобгарликка тортиш муддатларини тўхтатиб турувчи эмас, балки муддатларнинг ўтишини узувчи асослар деб қаралиши керак. Шунинг учун, агар масалан, шахс тергов ёки суддан яшириниш мақсадида камоқдан қочса (Жиноят Кодексининг 222-м), муддат тухтатилмайди, балки узилади, ваҳоланки, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш янги жиноят ҳисобланади.

ЖК 64-моддаси 5-қисмига биноан, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Принципиал нуқтаи назардан, амалдаги қонунда тергов ёки

суддан яширинаётган шахсга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишнинг катъий муддати ўрнатилиши тўғридир. Бироқ, амалдаги конунда кўрсатиб ўтилган 25 йиллик муддат жиноят содир этиб, тергов ёки суддан яширинаётган барча шахсларга нисбатан тенг қўлланади ва қилмишнинг оғирлиги ҳамда ижтимоий хавфлилиги инобатга олинмайди. Бизнинг назаримизда, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарлик ёки жазодан озод қилишда 25 йиллик муддатни турли жиноятларни содир этиб тергов ёки суддан яширинаётган барча шахсларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Шу боисдан, тергов ёки суддан яширинаётган шахсларга нисбатан конунда улар томонидан содир этилган қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигига қараб, дифференциал жавобгарликка тортиш муддатларининг белгиланиши маъқулроқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

ЖК 64-моддаси 3-қисми мазмунига кўра, шахс тергов ёки суддан яширинган вақт оралиғи жавобгарликка тортиш муддатида чикариб ташланади, яъни унга киритилмайди. Бироқ, ЖК 64-моддаси 5-қисмида таъкидланишича, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган ва муддат янги жиноят содир этилганлиги учун узилмаган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Шундай қилиб, шахс тергов ёки суддан яширинаётган даврда муддатлар ўтмаса ҳам, жавобгарликка тортиш муддатлари узилиши мумкин.

Шахснинг тергов ёки суддан яшириниши ва янги жиноят содир этиши айниқса, жиноятларнинг турли вақтда содир этилиши айбдорнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори эканлигидан далолат беради. Демак, шахснинг тергов ёки суддан яшириниши ва унинг яна янги жиноятни содир этиши жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашда инобатга олиниши зарур. Бироқ тергов ёки суддан яширинган вақт мобайнида шахснинг янги жиноятни содир этганлиги жавобгарликка тортиш муддатлари ўтишининг узилишига олиб келувчи ҳолат сифатида қаралиши мумкин эмас. Тергов ёки суддан яширинган вақтда янги жиноят содир этилган ҳолатда жавобгарликка

тортиш муддатларини ҳисоблаш янги жиноят содир этилган кундан бошлаб амалга оширилади. Бунда иккита ҳолат юзага келиши мумкинлигини айтиб ўтиш мумкин:

1) тергов ёки суддан яширинган шахс янги жиноятни содир этгандан кейин ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган ҳолат;

2) янги жиноят содир этилгандан кейин ҳам яширинишни давом эттирадиган ҳолат.

Биринчи ҳолатда жавобгарликка тортиш муддатлари олдин содир этилган жиноятлар бўйича ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб ҳисобланиши зарур(бу кун янги содир этилган куни билан мос келади).

Иккинчи ҳолатда жавобгарликка тортиш муддатлари ЖК 64-моддаси 4-қисмидаги қоидалар ҳисобга олинган ҳолда янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бунда шахс 25 йиллик муддат доирасида янги жиноят содир этилган кундан этиборан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, чунки унинг биринчи жинояти бўйича ўтган муддат бекор қилинади.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб қонунда кўрсатилган муддатгача узлуксиз равишда ўтиб боради. Ушбу муддатнинг ўтиши жиноят содир этган шахснинг жиноий жавобгарлигини истисно қилади. Бироқ ушбу қоида барча ҳолатларда эмас, балки қонунда кўрсатилган маълум шарт-шароитларда амал қилади. ЖК 64-моддаси 4-қисмида агар жиноят содир этган шахс қонунда назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади, деб белгиланган.

Мазкур қоида муҳим превентив (жиноятларнинг олдини олишдек) аҳамиятга эга бўлиб, у олдин жиноят йўлига кирган шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган. Жавобгарликка тортиш муддати ўтишининг узлуксизлиги жиноят содир этган шахснинг хулқ-атворига боғлиқдир.

Шу билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жавобгарликка тортиш муддатининг асоси бўлиб шахснинг ижтимоий хавфли бўлмай қолганлиги ҳамда қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши ҳисобланади³⁴. Бошқа ҳеч бир ҳолат жавобгарликка тортиш муддатларининг қўллашга ва уларнинг узлуксизлигига таъсир этмаслиги лозим. Жиноятни суриштиришга қаратилган давлат органларининг ҳаракатлари шахс ижтимоий хавфлилиги жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш истисно қилинади деган маънони англатмайди.

Жавобгарликка тортиш муддатини қўллашнинг шартларини белгилаб берувчи ЖК 64-моддасининг таҳлили шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи орган ушбу модда тузилишида жиноят содир этган шахснинг хулқ-атвorigа алоҳида аҳамият берган. Маълум муддатнинг ўтиши билан жиноят содир этган шахс ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлигидан гувоҳлик берувчи маълумотларнинг мавжудлиги жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аксинча, шахснинг янги жиноят содир этиши унинг ижтимоий хавфли бўлиб қолаётганлигидан далолат беради.

ЖК 64-моддаси тўртинчи қисмида оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс қонунда белгиланган муддат ўтмасдан туриб ижтимоий хавфлилиқ даражасидан қатъий назар, қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади ва бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошланиб, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун белгиланган муддат янгидан бошланиб, илгариги муддат инобатга олинмайди.

Шу муносабат билан П.Я. Мшвениерадзеинг содир этилган жиноят шахс ўзини қандай тутишидан қатъи назар эсдан чиқарилиши лозим, деган нуқтаи назарини тўғри, деб ўйлаймиз. “Кейинги янги содир этилган

³⁴ Бердиев Ш. Муддатнинг ўтиб кетиши ёхуд жиноий жавобгарликдан озод этиш гносеологияси. // Ж. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2009. – № 4. – Б.17.

жиноятлар, шахс ижтимоий хавфлилик даражаси ошганлигидан гувоҳлик берса-да, лекин аллақачон содир этилган жиноятга таъсир қилмайди»³⁵. П.Я.Мшвениерадзенинг фикрича, жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни шахснинг тузалганлиги билан боғлаш керак эмас ва бу ерда янги жиноят содир этмаслик шахс тузалган, дейиш учун асос бўлмайди. У жавобгарликка тортиш муддати тўғрисидаги қондани қонундан чиқариб ташлаш таклифини киритган.

Ушбу олимнинг нуқтаи назари бироз ғалати, чунки бир тарафдан у жавобгарликка тортиш муддати мобайнида янги жиноятнинг содир этилиши шахс ижтимоий хавфлилигининг ошишига олиб келади дейди, иккинчи тарафдан жавобгарликка тортиш муддатини қўллашда ҳеч қандай аҳамият касб этмайдиган ҳолат деб талқин қилади. Содир этилган жиноят билан кейинги жиноий фаолият ўртасидаги алоқадорликни рад этиш – такрорий жиноят содир этиш тўғрисидаги жиноят ҳуқуқининг бир қатор қоидаларини рад этиш демакдир (ушбу ҳолатнинг таснифловчи аҳамияти, жиноятлар мажмуи юзасидан жазога шартли ҳукм қилинганнинг янги жиноят содир этган жинояти учун жазо тайинлаш, янги жиноят содир этилишининг судланганлик ҳолати таъсири ва ҳ.к). Жиноятни такроран содир этиш жиноят ҳуқуқида ҳар доим шахснинг ижтимоий хавфлилиги ошганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида қаралган. Шу боисдан шахснинг қасддан янги жиноят содир этганлиги жавобгарликка тортиш муддатини қўллашда ҳам албатта эътиборга олиниши лозим.

Жиноят қонунининг инсонпарварлик принциpidан келиб чиқиб, ЖК 64-моддаси тўртинчи қисмида фақат қасддан содир этилган жиноят муддат ўтишини узиши, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар муддат ўтишини узмаслиги белгиланган.

³⁵ Мшвениерадзе П. Я. Институт давности в уголовном праве. // Автореферат канд. Дисс. – М.: 1967. – С. 13.

Жавобгарликка тортиш муддати ўтишининг узилиши деганда, янги жиноят содир этилгунга қадар бўлган даврнинг бекор қилиниши ва муддатларни ҳисоблашнинг янги жиноят содир этилган кундан эътиборан бошланиши тушунилади. Қонундаги ушбу қоида принципиал аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра, шахс томонидан янги жиноят содир этилмаган ҳолдагина жавобгарликка тортиш муддатлари қўлланилиши (яъни жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган деб ҳисобланади) мумкин. Шу сабабли, тергов ва суд органлари жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилар эканлар, улар шахснинг янги жиноят содир этилганлиги, содир этган бўлса, қасддан содир этилганлиги, олдинги жиноятнинг оғир ёки ўта оғир эканлиги тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишлари керак. Акс ҳолда, жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш бўйича қонунда мустақамлаб қўйилган талаблар бузилиши мумкин. Жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш учун жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот бўлмаслигининг ўзи кифоя қилади, деб бўлмайди. Жиноятни содир этган шахснинг келажақда янги жиноят содир этиши эҳтимолнинг мавжудлиги ишнинг тўхтатилишига тўсқинлик қила олмайди, ундан ташқари ушбу факт ҳали аниқланмаган. Агар айбдорнинг жавобгарликка тортиш муддати ҳақиқатдан ҳам узилган бўлса, муддати ўтаётган жиноят иши учун муддат янгидан тикланади. К.Мирзажоновнинг фикрига кўра жазонинг ижро этилмаслиги фақат икки ҳолда: суднинг ёки жазони ижро этиш органи ходимининг ўз хизмат вазифасига фақат совуққонлик билан қараганлиги ёки маҳкумнинг оғир касаллиги муносабати билан ижро этилмаслиги мумкин, дейди³⁶. Жазони ижро этишга фақат иккита ҳолат бўлиши мумкин деб, қатъий этиш ҳам тўғри бўлмайди. Негаки, профессор К.Мирзажонов таъкидлаган ҳоллардан ташқари ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, уриш вақти бўлганлиги, табиий оқибатлар замирида жазони ижро этиш шароитининг бўлмаслиги, иқтисодий жазога тортилган шахснинг иқтисодий

³⁶ Уголовное право. Общая часть. Учебник. Т., МВД Р.Уз. Академия. – 2005. – С.466.

ахволининг ночорлиги, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукум қилинган шахсни иш билан таъминлаш имкониятининг бўлмаганлиги, ва х.к.

Тергов ёки суд органларининг қарорига кўра, жавобгарликка тортиш муддати асосида ишни тўхтатиш фақат ЖК 64-моддасида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. Ушбу шартларга хусусан, жавобгарликка тортиш муддати ўтиши мобайнида янги жиноятнинг содир этмаслиги ҳам киради. Алабатта, янги жиноят содир этилмаганлиги тўғрисидаги маълумотнинг ўзи ва ушбу маълумотнинг жиноят юзасидан маълумотлар йўқлигига асосланиши жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш учун етарли бўлмайди. Бундай маълумотларнинг мавжуд эмаслиги жавобгарликка тортиш муддатини қўллашнинг ишониб бўлмайдиган ва омонат асоси ҳисобланади. Бундай ёндашувда шахснинг янги жиноят содир этган ёки содир этмаганлиги эҳтимоли бир хил бўлмайди. Бундан ташқари, тергов ва суд органларининг муддат ўтишининг узилиши ҳақида қарор чиқариш учун улар тасаввурларнинг ўзи етарли эмас. Фақат шахснинг янги жиноят содир этмаганлиги тўғрисида эмас, балки жиноят содир этганлиги ҳақида аниқ, тўғри маълумот бўлганида жавобгарликка тортиш муддати қўлланилиши мумкин.

Янги жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ишни жавобгарликка тортиш муддати асосида тўхтатиш бўйича хатоларнинг бўлмаслигига кафолат бермайди. Буни юқорида айтиб ўтилган муаллифларнинг ўзлари ҳам тан оладилар. Ушбу муаллифлар шахс томонидан янги жиноят содир этилиши туфайли нотўғри тўхтатиб қўйилган муддатлар ўтишини қайтадан янгилашни таклиф этадилар. Бундай тўхтатиб қўйишнинг бекор қилиниши бир қатор ҳолатларда мақсадсиз бўлади, чунки янги жиноят содир этилганлиги дастлаб содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганидан сўнг маълум бўлиши мумкин. Бу ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати тергов ёки суд органларининг муддатнинг ўтиши билан жиноят ишини тўхтатиш

тўғрисидаги қарор чиқарилган вақтда жавобгар бўлган шахсга нисбатан қўлланилиши зарур бўлиб қолади.

Олдиндан аён бўлган қарорни қабул қилиниши хато бўлиши мумкин ва жиноят ҳуқуқининг қонунийлик принципини қўпол тарзда бузиш ҳисобланади. Жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш тўғрисидаги масала фақат жиноят содир этилаганлиги ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар бўлганда ҳал қилиниши лозим, бундай маълумотлар ЎзР ИИБ Ахборот-таҳлил марказидан олинishi мумкин.

Жавобгарликка тортиш муддати масласини ижобий ҳал қилиш учун жавобгарликка тортиш муддати мобайнида шахс томонидан жиноят содир этмаганлиги тўғрисида далиллар бўлиши лозим деган фикр³⁷ни тўғри, деб ҳисоблаймиз. Бундай маълумотлар одатда, айбдорнинг фаолияти ва ҳаёт тарзи текширилгандан сўнг олинishi мумкин.

Адабиётларда янги жиноят содир этилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, жавобгарликка тортиш муддатини қўлламаслик шахснинг қидируви чексиз вақт давом этишига сабаб бўлади, деб билдирилган нуқтаи назарларни асоссиз деб ҳисоблаймиз.

³⁷ Лесниевски-Костарева Т.А. Концепция развития уголовного законодательства. // В кн. Концепции развития Российского законодательства. – М.: 1998. – С. 222.

2-БОБ. Жавобгарликка тортиш муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан.

2.1. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ва турлари.

Жиноий жавобгарликдан озод этиш, ўзининг юридик мазмунига кўра, айбдорнинг содир қилган жиноятининг барча ҳуқуқий оқибатларидан, жазодан ва судланганлик чекловларидан озод қилиниши, хуллас, давлат номидан суднинг айблов ҳукмида фуқарони жиноятчи деб эълон қилишдан воз кечишини билдиради³⁸.

Ҳуқуқнинг барча соҳаларида ҳар бир масала юзасидан қарор чиқаришнинг ўзига хос асоси бор, жумладан, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг ҳам ЖКда белгиланган асослари мавжуд.

Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш масаласини таҳлил қилишда, у қандай асосга кўра ва қайси ҳамда қай даражадаги ижтимоий хавфли қилмиши учун рағбатлантирувчи норма қўлланиши назарда тутилаётганини аниқлаш талаб этилади. Шу сабабли давлат органларининг ваколатли мансабдор шахслари биринчи навбатда, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг асосларига эътибор қаратиши лозим.

Бироқ жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ҳамда шартлари тўғрисида ягона тасаввур мавжуд эмас. А.В.Наумов бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жиноят содир қилган шахс фақат ижтимоий хавфли бўлмаган тақдирдагина уни жиноий жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйилиши, шахснинг бундай тавсифланиши озод этишнинг ажралмас шarti сифатида зарур эканлигини таъкидлайди.³⁹

Ҳақиқатан ҳам, шахснинг ижтимоий хавфли бўлмаганлиги уни жиноий жавобгарликдан озод этишда муҳим роль ўйнайди. Аммо фикримизча, бу ҳолат мазкур институтни қўллаш асосларининг фақат биргина элементи холос. Зеро, фақат биргина шахснинг ижтимоий хавфли эмаслиги, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун асос бўла олмайди. Масалан, ЖКнинг 66¹-

³⁸ Уголовное право РФ (Общая часть). – М.: Юристъ, 1996. С. 430

³⁹ Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. – М.:Бек, 1996. С.440-441

моддасида жиноий жавобгарликдан озод этишнинг асоси қилиб, қуйидаги тўртта шарт белгилаб қўйилган: **биринчидан**, шахснинг ушбу жиноятни содир этганлиги ҳақида ўз айбига иқрорлиги; **иккинчидан**, жабрланувчи билан ярашуви; **учинчидан**, етказилган зарарнинг бартараф этилганлиги; **тўртинчидан**, содир этилган жиноят ушбу модда диспозициясида қўлланиладиган жиноятлар турига киритилганлиги.

Айнан юқорида зикр этилган барча шартларнинг мавжудлиги ЖПКнинг 585-моддасига биноан суд мажлисида аниқланади. Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбига иқрор бўлишнинг ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортилиши, шунингдек, содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланса, суд қоида бўйича дастлабки тергов юритиш учун ишни прокурорга қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Шунга ўхшаш, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этишнинг қонун ҳужжатида белгиланган шартларига қуйидагилар, яъни айбини бўйнига олиш ҳақида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш, шунингдек, етказилган зарарни бартараф этиш ҳамда шахс томонидан маълум тоифадаги жиноятларни биринчи марта содир этилганлиги каби ҳолатлар киритилган. Демак, жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш асослари ва шартлари мавжуд бўлган ҳолатлардагина ЖК ва ЖПК талаблари асосида амалга оширилиши шарт.

Хусусан, Н.Ф.Кузнецованинг фикрига кўра, жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган жиноят қонунининг ҳар бир нормаси, шунингдек, ҳар бир шарти жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси ҳисобланади.⁴⁰

Х.Д.Аликперов эса, баъзи бир ҳолатларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари ҳам, шунингдек, унинг шартлари ҳам, деб ҳисоблайди. Унинг

⁴⁰ Кузнецова Н.Ф. Освобождение от уголовной ответственности с передачей дела в товарищеский суд... С. 16,24,57,60.

фикрича, фақат қуйидаги санаб ўтилган асосларнинг йиғиндиси, яъни айбини бўйнига олиб келиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ёки зиёни бартараф этиш ҳамда қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан судга, прокурорга, терговчига, суриштирув органига (унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилган бўлса) айбини бўйнига олиб арз қилиш, шунингдек, жиноятни очишга ёрдам бериш каби ҳолатлар зарурий шартлар ҳисобланиб, улар жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини ҳал қилиш ҳуқуқини беради. Агар шахс ўз айбини бўйнига олмас экан, чин қўнгилдан пушаймон бўлиш ҳолати ҳам содир бўлмайди.⁴¹

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖКнинг Умумий ва Махсус қисмларида жиноий жавобгарликдан озод этишнинг асослари ҳамда шартлари кўрсатиб берилган.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг норматив асослари жойлашган ўрнига қараб умумий ёки махсус, аниқроғи, алоҳида⁴² норматив асосларга бўлинади. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий жавобгарликдан озод қилиш турларини таснифлаш уларнинг норматив асослари жойлашган ўрнига қараб, қонуннинг қўлланиш кўрсатмасига (ҳуқуқий тартибга солиш усулига) қараб, мазмунига кўра ва бошқа мезонлар бўйича амалга оширилади.

Умумий норматив асослар сирасига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Умумий қисмида акс эттирилган барча асослар, хусусан, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (64-модда), айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги (66-модда), қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги (65-модда), ярашилганлиги (66¹-модда), касаллик туфайли (67-модда), амнистия акти асосида (68-модда), вояга етмаган шахсни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда (87-модда)

⁴¹ Аликперов Х.Д. Освобождение от уголовной ответственности. – М.: 2002. С.20-23.

⁴² Сверчков В.В. Освобождение от уголовной ответственности, прекращение уголовного дела (преследования), отказ в его возбуждении. Проблемы теории и практики. Санкт-Петербург. Изд. Р.Асанова «Юридический центр Пресс». 2008 г. С.61.

жавобгарликдан озод қилиш киради.

Баъзи муаллифлар бу асосларни асосий ва субсидиар турларга бўладилар. Уларнинг фикрича, асосий нормаларни ҳар қандай шахсга нисбатан, субсидиар нормаларни эса, муайян доирадаги шахсларга, айтайлик, вояга етмаган шахсларга нисбатан қўллаш мумкин⁴³.

Махсус асослар Ўзбекистон ЖКнинг Махсус қисмидан жой олган бўлиб, уларга, жумладан, жиноятни тайёрлашда иштирок этган шахснинг қилмиш оғир оқибатлар юзага келишининг олдини олишга фаол кўмаклашганлиги, шунингдек, жабрланувчининг етказилган зарарнинг ўрни қопланишига розилигини акс эттирувчи нормалар киради.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг норматив асослари ҳуқуқни қўллаш кўрсатмасига (ҳуқуқий тартибга солиш усулига) кўра, мажбурий (императив) ёки факультатив (диспозитив ёки дискрецион) турларга бўлинади⁴⁴.

Қонунни қўллаш муқобил қоидага эга бўлмаган, юзага келган жиноят-ҳуқуқий муносабатлар билан ваколатли давлат органлари томонидан, уларнинг хоҳиш-истагидан қатъи назар, сўзсиз қўлланилиши шарт бўлган асослар жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий (императив) нормалари деб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқни қўллаётган ваколатли мансабдор шахс ёки орган мазкур нормаларни қонунда (ЖКда) ёки амнистия актида кўрсатилганидек бажариши шарт.

Қонунни қўллаш танлов имконияти назарда тутилган, мажбурий (императив) норматив асослар жумласига кирмайдиган барча нормалар факультатив (диспозитив ёки дискрецион) нормалар ҳисобланади ҳамда улар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья томонидан мавжуд маълумотлар ва фактлардан келиб чиқиб қўлланиши мумкин, деган хулосага келинган тақдирдагина қўлланилади.

Жиноят ҳуқуқида ва жиноят процессида жиноий жавобгарликдан озод

⁴³ Ўша жойда, -Б. 62.

⁴⁴ Головки Л.Классификация оснований освобождения от уголовной ответственности // Законность. 1998.- №11. С. 38.

қилишнинг (озод қилиш асосларининг), жиноят ишларини (жиноий таъқибни) тугатишнинг, жиноят ишини қўзғатишни рад этишнинг, айтайлик, жиноий жавобгарликни бошқа таъсир чоралари билан алмаштириш билан боғлиқ ёки бундай алмаштириш билан боғлиқ бўлмаган; субъектив ёки объектив; реабилитация қиладиган ёки реабилитация қилмайдиган; моддий ёки процессуал турлари ҳам мавжуд деб қаралади⁴⁵.

Таснифлашда жавобгарликдан озод қилиш асосларини реабилитация қиладиган ёки реабилитация қилмайдиган турларга бўлиш, айниқса, қизғин фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлиб келмоқда. Зотан, юридик адабиётларда қилмишида жиноят таркиби бўлмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ҳам, ундан озод қилиш ҳам мумкин эмас, деган фикр кенг тарқалган бўлиб, бундай шахсга нисбатан жиноят ишини (жиноий таъқибни) тугатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш мумкин, холос. Аммо жиноий жавобгарликнинг икки йўналишли (ижобий ва салбий) моҳиятини кўриб чиқишда бу нуқтаи назар ишончсиз нормага айланиб қолади. Негаки, жиноий жавобгарликнинг ижобий йўналиши субъектнинг келгусидаги эмас, балки айни ҳозирги пайтдаги ижобий хулқ-атворини ифода этмоғи керак.

Жиноят ишини реабилитация қиладиган ёки реабилитация қилмайдиган асосларга кўра, тугатиш ҳуқуқи ЖПКнинг еттинчи бўлими билан фақат судьяга берилган. Судья томонидан ишни кўриб чиқиш икки хил шаклда амалга оширилиб, унинг биринчи усули соддалаштирилган тартибда, иккинчиси эса, мазмунан кўриб чиқиш билан амалга оширилади.

Ишни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишнинг ҳам икки хил тартиби мавжуд. Унинг биринчиси, ЖПКнинг 587-591-моддаларида белгиланган бўлиб, бунда жиноят содир қилган шахснинг унга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги аризасига биноан, ЖК ва ЖПК нормаларида белгиланган асосларга, кўра, унга нисбатан жиноят ишини қўзғатишни рад этиб, жиноий жавобгарликдан озод қилишдан иборат.

⁴⁵ Сверчков В.В. Освобождение от уголовной ответственности, прекращение уголовного дела (преследования), отказ в его возбуждении. Проблемы теории и практики. Санкт-Петербург. Изд. Р.Асанова «Юридический центр Пресс». 2008 г. С.67.

Иккинчи усули жиноят содир қилганлиги муносабати билан шахсга терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг ЖПКнинг 361-моддаси ёки прокурор томонидан айблов хулосаси тасдиқланиб, судга юборилганда ёхуд иш судда кўрилаётганда уни жавобгарликдан озод қилиш тушунилади.

Яна бир муҳим масала – жиноий жавобгарликдан озод этиш бундай ваколатга эга субъектларнинг ҳуқуқими ёки мажбуриятими? – деган муаммодир.

Чунончи, А.В.Наумовнинг фикрига кўра, қонунларда муайян шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қонидани қўллаш мажбурияти эмас, имконияти борлигининг ўзи мана шу шахс учун жиноят-ҳуқуқий чекловлар ва уни жазолашнинг мақсадини аён этади, жазо муқаррарлигидан ҳайиқиш ва қўрқиш ҳиссини туғдиради ва жиноятдан қайтаради. Шу маънода бу қоида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадларига хизмат қилади, дейиш мумкин⁴⁶.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш, биринчидан, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги сабабли жиноий жавобгарликдан озод қилишдир. Қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда жиноят ишини юритаётган суриштирув, тергов органлари ва суд шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиши ва жиноят ишини юритишни тугатиши лозим.

Иккинчи гуруҳга жавобгарликдан озод қилишнинг қолган барча турлари киради. Булар қилмиш ёки шахсни ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан, айбдорнинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан, ярашганлик муносабати билан, касаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (65-67-моддалар) ва вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилиш (87-модда) ҳолатларидир. Бу моддаларда кўрсатилган ҳолатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурият келтириб чиқармайди, балки бу

⁴⁶ Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. Курс лекций. – М.: 1996. С.398.

уларнинг ҳуқуқлари ҳисобланади. Бу ЖКнинг жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги моддаларида белгиланган «жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин» деган қонуний асосга кўра белгиланади.

Чунончи, ЖКнинг 66-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказган зарарини бартараф қилган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин, деб белгиланган. Мана шундай эҳтимоллик, яъни «мумкин» деган ибора, жабрланувчи билан ярашув битими тузилганда, вазият ўзгарганда, вояга етмаган шахсга мажбурий тарбия чоралари қўлланилганда ҳам ишлатилган.

Хуллас, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш масаласини таҳлил қилишда, биринчи навбатда, унга нисбатан қандай асосга кўра ва қайси қилмиши ҳамда қай даражадаги ижтимоий хавфли қилмиши учун рағбатлантирувчи норма қўлланиши назарда тутилаётганини аниқлаш зарур. Шу сабабли давлат органлари ваколатли мансабдор шахсларининг эътибори биринчи навбатда, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг асосларидан бири тариқасида, ЖКнинг 9-моддаси талаби асосида шахсни қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишига ҳамда энг асосий эътибор, ЖКнинг 16-моддаси талабига биноан қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган ҳолатини аниқлаш ҳамда ЖПК нормаларида белгиланган тартибда ҳал этишга қаратилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Умумий ёки Махсус қисми нормалари талаблари асосида айбдорнинг шахсини ва содир қилинган ижтимоий хавфли хусусияти ва даражасини инобатга олган ҳамда рағбатлантирувчи нормаларни қўллаган ҳолда уни жиноий жавобгарликдан озод этиш мумкин.

Шу сабабдан Д.Р.Қурбоновнинг «Айбсиз шахснинг жавобгарликдан

озод этилиши»⁴⁷ ҳақидаги фикрини асоссиз деб ҳисоблаймиз. Зеро, ЖКнинг 9- ва 16-моддалари талабларига мувофиқ, фақат қилмишида жиноят таркиби бўлган айбдор шахсгина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги эътироф этилган.

Жиноят ишини тугатишни, жиноий қилмишни содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишдан фарқлаш лозим. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш давлатнинг ваколатли органи қарорида жиноий қилмиш содир этган шахсни суднинг ҳукмига тортилиш мажбуриятидан ва давлатнинг мажбурий таъсир чораларига бардош беришидан озод этилишида ифодаланганлигини англатади. Жиноий жавобгарликдан озод этишнинг моҳиятини тушунмоқ учун қуйидаги муҳим ҳолатларга эътиборни қаратмоқ лозим.

Биринчидан, агар шахснинг содир қилган қилмиши жиноий ҳисобланиб, ЖКда жиноят сифатида белгиланган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этиш ҳақидаги масала қўйилиши мумкин. Агар содир этилган қилмиш ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли жиноят ҳисобланмаса (ЖК 36-модда), шахс жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий равишда қайтса (ЖК 26-модда) ёки зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса (ЖК 37-модда), охирги заруратда ноиложликдан содир этилган бўлса (ЖК 38-модда), касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосда таваккалчилик жиноят деб ҳисобланмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки ушбу шахсни бундай ҳолатда жавобгарликка тортиш учун асос йўқ.

Иккинчидан, жиноий қилмишни содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши лозим, бироқ бундай ҳолатларда жиноят қонунида кўрсатилган асосларга кўра, унга нисбатан жавобгарликни амалга ошириш чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Давлат органлари ваколатли мансабдор шахсларининг бундай қарорга келиши

⁴⁷ Қурбонов Д.Р. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарликни қўллаш муаммолари, ю.ф.н автореферати. – Т.: 2008. –Б. 7.

хукукбузарни ҳукм қилишдан ва унга нисбатан давлатнинг мажбурлов таъсир чораларини қўллашдан воз кечишини англатади.

Учинчидан, жиноий жавобгарликдан озод этиш ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни айбсиз, деб ҳисоблаб, уни ЖПКнинг 83-моддасига биноан оқлаш билан баробар эмас. Аксинча, ваколатли шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишда шахс томонидан содир қилинган қилмиш ЖКнинг 16-моддасига асосан жиноят эканлигига асосланади. Шунинг учун қонунда кўрсатилган жиноий жавобгарликдан озод этишнинг барча турлари реабилитация қилинмайдиган асосларга, яъни ЖПКнинг 84, 585-586, 590-591- моддаларида белгиланган тартибга кўра, тугатилади.

Шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш деганда, хукукбузарни содир қилган қилмиши билан боғлиқ барча юридик оқибатлардан озод қилиш тушунилади.

Биринчидан, одатга кўра, у суднинг айблов ҳукмида баён қилинган расмий давлат номидан қабул қилинган ҳужжат сифатида маҳкум этишга кирмайди.

Иккинчидан, шахс жазога тортилмайди ва судланган ҳисобланмайди.

Учинчидан, жиноят содир қилганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод этилганлик факти барча юридик аҳамиятини йўқотиб (амнистия ва афв этиш ҳолатларидан ташқари), келажакда шахс янги жиноят содир қилган тақдирда, бир неча (такроран) ёки рецидив содир қилганлик белгиси бўйича жавобгарликни ташкил қилмайди.

Тўртинчидан, шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши муносабати билан процессуал мажбурлов чораларининг барчаси: эҳтиёт чораси, мулкка, почта-телеграф жўнатмаларига ва бошқа мол-мулкка банд солинганлиги бекор қилинади.

ЖКнинг Умумий қисми институтлари, яъни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш турларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, айниқса, тадқиқот объекти ҳисобланган жавобгарликдан озод қилишнинг жиноий жавобгарлик билан узвий боғлиқлиги ҳамда ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, ЖКнинг 2-

моддаси иккинчи қисмини қуйидаги мазмундаги янги таҳрирда баён қилиш лозим, яъни “ана шу вазифаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини аниқлайди, қонунда ҳазарда тутилган ҳолларда ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди”.

Жиноий қилмишни содир қилиб, жиноий жавобгарликка тортилган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишда содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишнинг хусусияти ва айбдорнинг шахсини ҳамда унинг жиноят содир қилгандан кейинги хулқ-атворини баҳолашдан келиб чиқиб, унга нисбатан қонунда кўрсатилган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги умумий асос бўлиб ҳисобланади⁴⁸.

Баъзи мамлакатларда жиноий жавобгарликдан озод этишга моддий ёки процессуал қонун нормалари билан бир қаторда давлат раҳбари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳам асос бўлиши белгиланган. Чунончи, «Беларусь Республикаси президентининг 1994 йил 3 декабрь ҳамда 2005 йил 12 октябрдаги фармонларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Фармони билан қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш тартиби ва асосларига қўшимчалар киритилди. Бу Фармонга мувофиқ шахс содир қилган жиноятига чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва уни очилишига ёрдам берса, етказилган зарарни, шунингдек, бузилган мулкӣ ҳуқуқларни тиклаш билан боғлиқ харажатларни ва кўзда тутилган мулкнинг айланмасидан бой берилган фойдани ихтиёрий равишда тўласа, шунингдек, жиноят қуроллари, воситалари ва жиноий йўл билан олинган даромадни давлат ихтиёрига ўтказган ҳолатларда жиноий жавобгарликдан озод этилади. Бу Фармонни инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ қилмишлардан ташқари, ҳар қандай жиноят содир қилган шахсга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Беларусь президентининг

⁴⁸ Уголовное право России. Том 1, Общая часть, – М.: Норма. 1998. С. 462.

шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш ҳақидаги Фармон имзолангандан бошлаб, 3 кун ичида жиноий ишни тугатиш учун Бош прокурорга юборилиши кўрсатиб ўтилган⁴⁹.

Республика президентиға жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ бўлган бундай ваколатнинг берилиши, давлатға етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплашға, худди шунингдек, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар билан судгача бўлган босқичда фаол ҳамкорлик қилишға имконият яратилиши қайд этилади. Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг бундай туриға Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам алоҳида эътибор қаратган. Муайян тоифадаги шахсларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг бундай тури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрдаги «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармонида ҳам назарда тутилган. Унга кўра, қўшни бўлган давлатлар худудидаги террорчи экстремистик гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, ҳарбий дала лагерларида бўлганларға:

1. Террорчи экстремистик жиноий уюшмаларнинг мамлакат ичкарисиде бўлган аъзолари.

2. Халқаро диний экстремистик ташкилотларнинг сармояси билан очилган ва фаолият кўрсатаётган диний муассасаларда таълим олаётган ҳамда мавжуд конституцион давлат тузумини зўрлик билан ағдаришға тайёргарлик кўраётганлар.

3. Жиноий уюшма раҳбарлари томонидан ташкил этилган ҳарбий дала лагерларида ҳарбий тайёргарликдан ўтиш учун фуқароларни юборишда иштирок этаётган шахслар.

4. Фармон чиққаниға қадар чет эллардаги ҳарбий дала лагерларида ва бошқа диний экстремистик муассасаларда бўлиб, давлатға қарши ҳарбий тайёргарликдан ўтиб республикаға қайтиб «жиҳод» эълон қилинишини ва

⁴⁹ Бержанин А.А. Вопросы освобождения от уголовной ответственности в Республике Беларусь.// Государство и право, 2006, № 6, С. 100.

тегишли жиноий топшириқларни яширин равишда кутаётган шахслар.

5. Оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган, турли хил экстремистик оқимлар таъсирида чет элларга кетиб, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолган, қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан надомат чекиб, пушаймон бўлиб, бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган.

Ушбу Фармон асосида жиноят йўлига адашиб кирган, ўз қилмишидан надомат чекиб, пушаймон бўлиб бош эгиб келган, ота-онаси бағрига қайтиб тинч ҳаёт кечиришни ният қилган бир неча ўнлаб шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, тергов органи томонидан 2000 йил фуқаро А.га нисбатан ЖКнинг 59-моддаси биринчи қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Терговдан яшириниши оқибатида 2000 йил 29 мартада унга нисбатан қидирув эълон қилинган. А. 2000 йил 12 сентябрида ваҳҳобий диний экстремистик оқимига аралашиб қолганидан пушаймон бўлиб, ариза билан МХХга мурожаат қилган ва унга нисбатан жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми иккинчи бандига асосан тугатилган⁵⁰.

Мамлакатимиз Президенти томонидан жиноятчиликка қарши курашда бундай йўл тутилиши, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолган шахслар томонидан содир этилиши эҳтимоли бўлган оғир ёки ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш, жиноий гуруҳларнинг бошқа иштирокчиларини аниқлаш ҳамда бартараф қилишга замин яратди. Ва ниҳоят, ота ўз оиласига қайтиб, фарзандлари бағрини тўлдирди, рўзғорнинг моддий таъминоти яхшиланди. Унинг ҳаётда йўл қўйган хатоси оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва бошқаларга сабоқ бўлиши шубҳасиздир.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш турлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Умумий қисми XII бобида, шунингдек, Махсус қисмининг турли бобларидаги моддалар қисмида белгиланган.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишни таснифлашда унинг

⁵⁰ 250/00-сонли жиноят иши. 2007 й.

асосларини реабилитация қиладиган ёки реабилитация қилмайдиган турларга бўлиш айниқса қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Жиноят ҳукуки бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг дастлабки илмий ишларининг баъзиларида кам аҳамиятли қилмишлар, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ҳолати бўйича, зарурий муҳофаа, охириги зарурат каби ҳолатлар бўйича жиноий ишни тугатишни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчасига оид деб таъкидлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг шартли туридан бири ЖКнинг 67-моддасида белгиланган. Унга кўра, жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Бундай шахсга нисбатан суд томонидан фақат тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари қўлланилиши мумкин.

Шахс ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурулов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг барча турлари юқорида зикр этилган мезонни инобатга олган ҳолда ҳам мазмунига кўра иккита гуруҳга, яъни бундай озод қилишнинг шартли ва шартсиз турларига бўлиниши лозим.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг норматив асослари мазмунига кўра, шартли ёки шартсиз бўлиши мумкин. Юридик адабиётларда жиноий жавобгарликдан озод этишда «синов муддати» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, айбдорга маълум муддатда ҳуқ-атвор қоидаларига риоя қилиш белгиланган. Мабодо суд қарорида кўрсатилган бу талабни айбдор бузса суд ўз қарорини бекор қилиб унга нисбатан жиноий жазога тайинлаш масаласи қўйилади.

Озод этилаётган шахс зиммасига синов даврида муайян

мажбуриятларни, чекловларни белгилаган ҳолда қўлланиладиган шундай асослар шартли нормалар деб этироф этилади. Таъкидлаш жоизки, бундай озод қилиш икки босқичда қўлланилади. Бу иш ўзида озод қилишни амалга ошириш учун асос бўлаётган синов муддатини ҳамда шартларини қамраб оладиган ва бажарилмаган тақдирда бекор қилинадиган дастлабки озод қилиш ҳамда синов муддати тугалланишига асосланадиган узил-кесил озод қилиш йўсинида содир бўлади.

Синов муддати Россия ЖКнинг 90-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган бўлиб, унга кўра, агар вояга етмаган шахс сурункали равишда тарбиявий характердаги мажбурлов чораларида ўрнатилган тартибни бузган ҳолларда, махсус давлат органининг тақдимномасига биноан белгиланган мажбурлов чораси бекор қилинади ва материаллар вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш учун юборилади⁵¹. Республикамиз жиноят қонунида вояга етмаганларга нисбатан бу масалада Россия ЖК га нисбатан анча инсонпарварлик руҳида ёндашилган бўлиб, унда белгиланган мажбурлов чораларини бекор қилиш назарда тутилмаган.

Фикримизнинг далили сифатида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2008 йил 18 июлдаги фуқаро М., фуқаро У., фуқаро Д. ва фуқаро М.ларга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод этиш ва ишни ҳокимият ҳузуридаги вояга етмаганлар комиссиясига юбориш тўғрисидаги ажримини келтириш мумкин.

Суднинг ажримига кўра, вояга етмаган М. шериклари билан 2008 йил 26 апрель куни тахминан соат 14.00 да «Халқлар дўстлиги» кўчасида жойлашган «Ғафур Ғулом» номидаги метро бекатининг чиқиш жойида фуқаро Н.нинг баҳоси 150.000 сўмлик «Нокия 60-70» русумли уяли телефон аппаратини очикдан-очик тортиб олганликда айбланган⁵². Суд судланувчи М. ва бошқаларнинг вояга етмаганлигини, биринчи маротаба унча оғир бўлмаган жиноят содир қилганлигини, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ

⁵¹ Уголовный кодекс РФ. Москва. ЭКСМО. 2010. С. 50

⁵² Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судининг 1-527/2008- сонли жиноят иши.

копланганлиги каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда уларни ЖКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмига асосан жиноий жавобгарликдан озод этиб, иш ҳужжатларини Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар комиссиясига юборган.

Суднинг ушбу иш бўйича айбдорларни жавобгарликдан озод этиб, уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш учун комиссияга юборганлиги қонуний, асосли ва мақсадга мувофиқдир.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин ҳеч қандай синов муддатларини, мажбуриятларни ва чекловларни назарда тутмайдиган асослар шартсиз нормалар деб эътироф этилади.

Айрим муаллифлар жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартли ва шартсиз турларга бўлиш ғоясига салбий муносабат билдирадилар.

Бу масалада Н.Д.Сухарева шундай ёзади: «Адабиётларда жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг шартли (муваққат) ва шартсиз (узил-кесил) турлари ҳақида кўп гапирилади. Бундай таснифлашнинг жиноий-процессуал аҳамиятини рад этмаган ҳолда, кўриб чиқиладиган институт моддий-ҳуқуқий мазмунига унчалик тўлиқ мос эмас. Моддий-ҳуқуқ нуқтаи назаридан бундай бўлинишга озод қилинаётган шахс зиммасига уни озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин муайян мажбуриятларнинг юкланиши ёки юкланмаслиги асос қилиб олинган бўлса, у ҳолда вояга етмаган шахсни унга нисбатан тарбия йўналишидаги мажбурлов таъсир чоралари қўлланган ҳолда озод қилиш (РФ ЖК 90-моддаси) билан боғлиқ муваққат озод қилишнинг биргина ҳолати ҳақида гапириш мумкин, холос. Лекин вояга етмаган шахс мажбурлов чораларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда, унга нисбатан жиноий жавобгарликнинг тикланиши эҳтимоли борлиги жавобгарликдан озод қилиш асосларининг умумий мазмуни ва юридик моҳиятини бузади, чунки амалга оширилган жиноят-ҳуқуқий муносабатда жиноий жавобгарликка қайтиш имкониятига йўл қўйилган бўлади. Моҳиятан олганда, гап озод қилинаётган вояга етмаган шахсга нисбатан икки қарра

(такрорий) жиноий таъкиб, репрессия ҳақида бормоқда. Шу сабабли моддий жиноят ҳукуқи нуқтаи назаридан ҳозирги вақтда ЖКда назарда тутилган жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари шартсиз (узил-кесил) хусусиятга эга бўлмоғи керак».⁵³

С.Г.Келина ЖКда кўрсатилган жиноят-ҳуқуқий санкцияни кўзламай, уни бундан озод қилишни тавсия қилади. Унинг таърифида жиноят содир этган шахс озодликдан маҳрум бўлиш мажбуриятидан ҳамда бошқа мажбурлов чораларидан халос бўлиши таъкидланади. С.Г.Келинанинг бу таърифида:

а) жиноятнинг субъекти сифатида жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилганда барча ҳуқуқий оқибатлар тугаганлигини;

б) давлатнинг айбдорни жазолаш борасидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан воз кечиши;

в) айбдорнинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва бошқа мажбурлов чоралари ЖКда кўрсатилгани;

г) айбдорга нисбатан ЖКда белгиланган, қўлланилиши лозим бўлган санкцияни қўлламай, аксинча, ундан озод қилиш ва бу ҳолат барча жиноий жавобгарликдан озод қилиш турларига тааллуқлилигини таъкидлайди.⁵⁴

Бироқ бу таърифда жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асослари ёритиб берилмаган.

Н.И.Ветров ва А.И.Рароглар жиноий жавобгарликдан озод этишни айблов ҳукми билан боғлайди. Ҳолбуки, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг ҳукмга мутлақо алоқаси йўқ. Фикримизча, муаллифлар жиноий жавобгарликдан озод қилишни жазодан озод қилишга тенглаштирган.

Бинобарин, ушбу параграфда баён этилган фикр-мулоҳозаларни яқунлаш маъносида қуйидагиларни таъкидлаб ўтамыз.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг юқорида кўриб чиқилган

⁵³ Сухарева Н.Д. Классификация видов освобождения от уголовной ответственности// Российский судья. 2005. №5. С.42

⁵⁴ Келина С.П. Общее понятие и виды освобождения от уголовной ответственности// Курс советского уголовного права: Наказание. В 6-ти томах: Часть общая. - М.: Наука, 1970. Т. 3. С.29.

барча турлари бир-бирига ўхшаб кетса-да, аслида бўлиниш мезонлари ҳамиша бир-биридан фарқ қилади. Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг тадқиқ этилаётган турларини турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш улардаги муштарак белгиларни қайд этиш ва айтиш вақтда бундай озод қилишнинг ҳар бир турига хос хусусиятларни аниқлаш имконини беради.

Ана шу ҳолатларни билиш, жумладан, судга, терговчига, суриштирувчига жиноят содир этган шахснинг қилмишини фарқлаш асосида индивидуал ёндашувга амал қилган ҳолда жиноятга қўл урган шахсга имкон қадар кўпроқ тарбиявий таъсир кўрсата олиш имкониятини беради.

2.2. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни тавсифловчи ҳолатлар.

Жиноий судлов фаолияти жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга қонунда кўрсатилган адолатли жазо тайинлаш мақсадида амалга оширилади. Жиноят қанчалик даражада тез фош этилса, тўлиқ ва сифатли тергов қилинса, жиноий жавобгарликка оид жиноят қонун ҳужжатларидаги нормалар шунчалик аниқ қўлланилади, энг муҳими, жиноятга яраша давлат мажбурлов чоралари шунчалик адолатли ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасида «Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш» белгиланган бўлиб, унинг биринчи қисмида агар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб уч йил муддат; унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб беш йил муддат; оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил муддат; ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн беш йил муддат ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод этилиши белгиланган.

Жиноий жавобгарлик муддати қатъий чегараланган, шунинг учун биринчи навбатда, унинг қачон пайдо бўлишини аниқлаш катта аҳамиятга

эга. Юридик адабиётларда муддат ўтишининг бошланиш вақтини аниқлаш юзасидан олимлар турли хил ҳолатларни қайд қилганлар.

Жиноят содир қилингандан бир қанча вақт ўтгандан сўнг умумий қоидага кўра, жазо мақсадларига эришилганлик нуқтаи-назаридан келиб чиқиб шахсни жазолаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки айбдорнинг барча фуқаролар каби қонун ҳужжатлари талабларига тўла риоя қилиб яшаши, унинг ахлоқан тузалганлигидан далолат беради, бу эса ЖКнинг иккинчи моддасида белгиланган «фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш» каби вазифадан келиб чиқувчи талаблар айнан шу айбдор шахсга нисбатан бажарилганлигидан далолат беради ва шу сабабли унга нисбатан содир қилган қилмиши учун давлатнинг мажбурлов таъсир чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишнинг асоси — шахснинг жамият учун ижтимоий хавфли бўлмай қолганлиги ҳамда қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши ҳисобланади.

ЖКнинг 64-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ҳисобланиб, унга кўра, жиноят процессининг ҳар қандай босқичида муддатнинг ўтиши билан шахс жиноий жавобгарликдан озод этилади. Бироқ бу жараён ўз-ўзича тарзда эмас, балки қонун талаблари асосида амалга оширилиб, аввало қонун талабларига мувофиқ бўлиши тақозо этилади.

Моддий ва процессуал қонунларда муддат институтига алоҳида эътибор қаратилган. Жиноят қонунида муддатнинг бошланиши, муддатнинг ўтиши, муддатнинг тўхтатилиши, муддатнинг узилиши, муддатнинг татбиқ этилмаслиги, қўлланилмаслиги каби институтлар мавжуд.

Аксинча, ЖКда эса, ўтказиб юборилган муддатнинг тикланмаслиги, шу муддат мобайнида шахснинг (гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг) янги жиноят содир қилмай, ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигини инобатга олиб, қонуншунос унга нисбатан жиноий

жавобгарликка тортиш муддатининг тикланишини назарда тутмайди. Чунки бу ҳолат уларнинг ҳолатларини оғирлаштириб, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказди.

Биринчи гуруҳ олимлари⁵⁵ М.Ҳ.Рустамбоев, И.Я.Козаченко, Н.С.Лейкина, В.Ю.Солопанов кабиларнинг фикрича, жиноий жавобгарликка тортилиш муддатининг ўтиши деганда, жиноят содир этилган вақтдан то суд ҳукм чиқарган ёки жиноий иш тугатилиши ҳақидаги қарор қабул қилингунига қадар жиноий қонунчиликда кўрсатилган муайян муддатлар ўтиб тугаши тушунилади. Айнан ана шу муддатларнинг ўтиши шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилиши учун асос бўлиб хизмат қилади⁵⁶. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган муддатларнинг кўп ёки қисқалиги жиноятларнинг оғирлиги даражасига қараб белгиланади, жиноят содир этилган пайтдан бошлаб жиноий жавобгарлик муддати бошланади.

Иккинчи гуруҳ олимлари⁵⁷ В.Ю.Игнатов, А.И.Марсев, А.Т.Лесниевский - Костарева, Я.Н.Брайнин каби олимларнинг фикрича, шахсни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортган вақтдан бошлаб;

Учинчи гуруҳ олимлари⁵⁸ А.В.Наумов, Н.А.Огурцов, Н.П.Кузнецова процессуал мажбурлов чораларини қўллаш билан;

Тўртинчи гуруҳ Н.М.Криволапов, Н.И.Ветров, Ю.И.Ляпунов, Н.И.Загородников, А.И.Санталов сингари олимлар⁵⁹ шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган вақтдан бошлаб;

Бешинчи гуруҳ олимлар⁶⁰ Кропачев Н.М., Н.А.Беляева, В.К.Глистина, В.В.Орехова, Н.А.Беляев, В.В.Орехов, В.С.Прохоров ва бошқалар эса ҳукмнинг қонуний кучга кирганидан бошлаб жиноий жавобгарлик муддати

⁵⁵ Якушин В.А. Проблемы субъективного вменения в уголовном праве: Автореф. Докт.дисс. М., 1998. С.21

⁵⁶ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Тошкент. ИЛМ-ЗИҲО – 2006. –Б. 448-460

⁵⁷ Игнатов А.Н. Основание уголовной ответственности// Уголовное право России: В 2т./ Отв.ред А.Н.Игнатов и Ю.А.Красиков. М., 1998.

⁵⁸ Наумов А.В. Российское уголовное право: Общая часть: Курс лекций. М.,1997. С.246-247

⁵⁹ Криволапов Г.Г. Уголовная ответственность и ее основание// Уголовное право: Общая часть/ Отв.ред. Н.И.Ветров и Ю.И.Ляпунов. М., 1997.

⁶⁰ Марогулова И.Л. Уголовная ответственность и ее основание.// Уголовное право Российской Федерации/ Отв.ред. В.П.Кашепов.М.,1999. С.108

бошланишини эътироф қиладилар.

Фикримизча, биринчи гуруҳ олимларининг қарашлари тўғри кўринади. Бунда жиноят содир этилган вақтдан бошлаб жиноят-ҳуқуқий муносабатлар бошланади, бироқ бу ижтимоий муносабатлар амалга оширилмаслиги ҳам мумкин, чунки жиноий воқелик тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бирор-бир маълумот етиб келмаган бўлиб, фақат жиноятчидан бошқа ҳеч ким бу ҳақда ҳеч нарса билмайди. Бундай ҳолларда жиноий воқелик жиноят-процессуал ижтимоий муносабатларнинг объекти бўла олмайди. Шу асосларга кўра, биринчи гуруҳ олимларининг фикрларига қўшиламиз.

Жиноий жавобгарликнинг тугаши билан жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлса-да, бироқ улар тубдан фарқ қилади, жиноий жавобгарлик айбдорга амнистия акти қўллаб жавобгарликдан озод этилганлиги билан жиноий иш қўзғатиш рад этилганда ёки судланганликнинг тугаши билан тугаса, жиноий жавобгарликка тортиш муддати эса, жиноят содир этилгандан бошлаб, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ҳисобланади. Бу муддатнинг жиноят содир этилган кундан бошлаб суд ҳукми қонуний кучга киргунча бўлган вақтининг ўтиши ҳисобланади. Жиноятни содир этиш куни деганда, жиноят объектив томонига кирувчи ҳаракатнинг (ҳаракатсизлик) бажарилган ёки жиноий оқибат юз берган вақтини тушуниш лозим. Формал таркибли жиноятларда қилмишнинг объектив томони содир этилган вақтдан бошлаб жиноят тамом бўлган ҳисобланади. Бу жиноятларни тугалланган деб топиш учун жиноий оқибат талаб қилинмайди. Формал таркибли жиноятда жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб ҳисобланади (масалан, туҳмат қилиш). Моддий таркибли жиноятларда жиноят жиноий оқибат юз берган вақтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади (Масалан, қасддан баданга оғир шикаст етказиш). Ҳар қандай жиноят ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан бошланади. Шахснинг ижтимоий хавфлилиги жиноий

ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ўзида ифодаланади. Шахс жиноий қилмишни содир этган вақтдан бошлаб ижтимоий хавфли ҳисобланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси жиноятнинг фақат хусусиятигагина эмас, балки унинг оқибатларига ҳам боғлиқдир.

Жиноий қилмишсиз жиноий жавобгарликнинг ҳам вужудга келиши мумкин эмас. Шунингдек, у жиноий оқибатсиз ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади (масалан, жиноятга суиқасд қилиш). Шунинг учун жиноий қилмиш ҳар қандай жиноятнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, жиноий оқибат эса, бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини, етказилган зарарнинг миқдорини белгилайди.

Юридик адабиётларда жиноий жавобгарликдан озод этиш учун асослар фақат ижтимоий хавф туғдирадиган ва жиноий жазо бериладиган қилмишлар сирасига кириши ва бу ҳолда шахс, жиноят содир этишда айбдор бўлиши ва қилмиши айнан унинг ўзи содир этган бўлиши лозимлиги қайд этилган. Шахс бутун умри давомида жиноий жавобгарликка тортилишидан хавфсираб яшамаслиги лозим, шунинг учун муддатнинг ўтиши билан объектив жиҳатдан содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотмаган бўлса-да, жавобгарликка тортиш умумий ва махсус нуқтаи назардан мазмун-моҳиятини йўқотади. Муайян муддатнинг ўтиши билан шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, шахс шу давр давомида янги жиноят содир этмаса, у ижтимоий хавфлилигини йўқотади ёхуд бу ижтимоий хавф кам аҳамиятли бўлиб қолади, деган презумпциядан келиб чиқади.

Бир неча жиноятлар содир этилганда муддат ўтиши ўзига хос хусусиятга эга. Жиноятларнинг реал жамида ЖКнинг 64-моддасидан келиб чиқиб, шахс алоҳида ҳаракатлар орқали турли жиноятлар содир этганида, жиноий жавобгарликка тортиш муддати унинг ҳар бир жиноий қилмиши учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Бу ўринда ЖКнинг 64-моддаси 4-қисмидаги янги қасддан жиноят содир этилиши олдинги содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддатини ўтиши

узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган вақтдан бошлаб тикланади.

Жиноятларнинг идеал жамида бир ҳаракат орқали шахс икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши жиноий қилмишнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Такрорий жиноят содир этилганда, муддатни ҳисоблаш жараёнида ҳар бир содир этилган қилмишдан келиб чиққан ҳолда хулоса чиқариш лозим. Такрорий жиноят содир этиш биринчи жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетмаган бўлса, аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун такроран жиноят содир этилганида муддатнинг ўтиши уларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Агар шахс жисмоний ёки руҳий касаллиги туфайли жавобгарликдан озод қилинган ва маълум вақтдан сўнг тузалган бўлса, муддатнинг ўтиши жиноят содир этилиши билан эмас, балки шахс тузалган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят-процесуал кодексининг 84-моддаси 1-қисмида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса, айблилик масаласи ҳал қилинмай туриб, жиноят иши тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш: дастлабки тергов даврида – суриштирув, тергов органлари ва прокурорнинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори; суд мажлисини тайинлаш босқичида эса, суднинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажрими билан тугатилади.

Бу икки асос мавжуд бўлиши учун иш тергов қилиш ёки судда кўрилиши жараёнида объектив ҳолатнинг шундай ўзгариши тушуниладики, бу ҳолат натижасида шахс ёки содир этилган қилмиш ёхуд иккиси ҳам бир вақтнинг ўзида ижтимоий хавфлилигини йўқотади. Шу билан бир қаторда бу жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг икки тури табиати ва аниқ асоси бир хил эмас.

Ушбу институт жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа институтларидан фарқ қилиб, муддат ўтганлиги муносабати билан

жавобгарликдан озод қилиш оғир, ўта оғир жиноят содир қилганларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 85-моддасида озодликдан маҳрум қилиш, жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноят учун – уч йилгача, оғир жинояти учун олти йилгача, бу ёшдагилардан фарқли ўлароқ, ушбу жиноятлар учун ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганларга нисбатан бир йил муддат ортиқча қилиб белгиланган бўлса, ўта оғир жинояти учун юқорида қайд этилган ҳар иккала тоифа субъектларига ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ҳолбуки, ЖКнинг 50-моддасига мувофиқ, 18 ёшдан ошганларга олти ойдан йигирма йилгача, шу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, узоқ муддатли, яъни йигирма йилдан йигирма беш йилгача ёки ЖКнинг 51-моддасига мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Ушбу ўринда қонун чиқарувчи орган томонидан вояга етмаган айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етган айбдорларга нисбатан кам муддатга тайинланишининг белгиланиши билан боғлиқ ижобий йўл тутилганини вояга етмаганларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатини белгилашда ҳам инобатга олиб, бу муддатларни тенг ярмига қисқартирилган ҳолда белгиланиб, ЖКнинг қуйидаги мазмунда жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида янги 87¹-модда киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Мазкур модда қуйидаги таҳрирда баён қилиниши лозим.

«87¹-модда. Жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш.

Ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод этишда ярмига қисқартирилади».

Эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат шундаки,

масалан, вояга етмаган шахс ЖКнинг 169-моддасида белгиланган ўғрилиқ жиноятини содир этган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яшириниб юрган, орадан икки йил ўтгач айбини бўйнига олиб уларга арз қилган. ЖКнинг 64-моддасининг 3-қисмига биноан жиноят содир этган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади, айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Соҳа мутахассислари жиноий жавобгарликка тортиш муддатини жавобгарликнинг бошланиш муддати билан боғлайдилар. Агар иш кассация ёки назорат инстанциясида кўрилиб, маҳкумнинг содир қилган қилмиши енгил моддага қайта квалификация қилинганда, жавобгарликка тортиш муддатини белгилаш айнан юқори суд инстанцияси айбдор деб топган модда санкция асосида ҳисобланади. Бундай ҳолатда агар, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги аниқланса, суд қарори бекор қилиниб, ЖКнинг 64-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинади.

Ушбу институт собиқ Ўзбекистон ССР ЖКда 46-моддасида назарда тутилган бўлиб «жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатлари (давность)» деб номланган эди. Унинг диспозициясида, агар жиноят қилинган кундан бошлаб маълум муҳлатлар ўтган бўлса, уни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаслиги назарда тутилган.

Бу модданинг тўртинчи қисмида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноят содир этилган шахсга муҳлат қўлланиш масаласи суд томонидан ҳал қилиниши, агар суд муҳлат қўлланиши мумкин эмас деб топган ҳолатда ўлим жазосини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши кўрсатилиб ўтилган.

Юқорида баён қилинган Ўзбекистон ССР ЖК билан амалдаги ЖКни таққослаб таҳлил қилганимизда қуйидаги ҳолатларга дуч келдик:

Биринчидан, амалдаги ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми диспозициясида белгиланган муддат ўтганда жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган бўлса, Шўролар ЖКнинг 46-моддасида айнан шундай ҳолат учун

шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаслиги кўрсатилган, демак улар ўртасидаги тафовут собиқ ЖКда тегишли процессуал ҳаракатларни амалга оширилмай, ЖПКнинг 5-моддаси 3-бандига асосан жиноят иши қўзғатилмаган.

Иккинчидан, амалдаги ЖКда белгиланган муддат фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси шаклида ифодаланган бўлса, собиқ ЖК 46-моддасининг 1 ва 2-бандларида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган турдаги жазолар кўрсатилган ва уларнинг муддат миқдори ҳам анча кам қилиб белгиланган.

Учинчидан, ҳар иккала ЖКда ҳам муддат ўтишининг узилиши институти ифодаланган бўлиб, амалдаги ЖКнинг 64-моддаси 4-қисмида оғир ёки ўта оғир жиноятни содир қилган шахс мазкур моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир қилиниши туфайли муддат узилиши вужудга келиши билан боғлиқ бўлса, собиқ ЖКнинг 46-моддаси 2-қисмида эса бу ҳолат қонун бўйича икки йилдан ошиқ бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган янги жиноят содир қилиниши билан боғлиқ бўлиб, бунда айб шаклига (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) аҳамият берилмаган.

Тўртинчидан, ҳар иккала ЖКда муддат ўтишининг тўхтатилиши институти амал қилиши ифодаланган бўлиб, бу ҳолат терговдан ёки суддан қочиш натижасида келиб чиқиши кўрсатилган. Бироқ собиқ ЖКнинг 46-моддаси 3-қисмида тергов ёки суддан яширинган муддат давомида жиноят содир қилган вақтдан бошлаб ўн беш йил ўтса ва бу даврда шахс яна янги жиноят содир қилмаган бўлса, унинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги кўрсатилган. Аммо бундай тартиб амалдаги ЖКда мавжуд эмас.

Жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиши деганда, жиноят содир этилган вақтдан то суд ҳукм чиқарган ёки жиноий иш тугатилиши ҳақидаги қарор қабул қилингунига қадар жиноят қонунчилигида кўрсатилган муайян

муддат ўтиб тугаши тушунилади.⁶¹

Жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишнинг моҳияти шундан иборатки, бунда қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши билан шахс содир қилган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод этилади. «Жиноий жавобгарликдан озод этиш» билан «жавобгарликка тортилмайди» тушунчалари ўртасида жуда катта тафовут бор. Шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди, қачонки, агар унинг қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаса. Масалан, оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилган, лекин жиноят содир этган шахс ўн уч ёшга тўлмаган бўлса (ЖКнинг 17-моддаси) ёхуд мазкур шахс ақли норасо бўлса (ЖКнинг 18-моддаси), жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Баъзи адабиётларда жиноят содир этилган кундан бошлаб бир қанча вақт ўтгандан сўнг унинг ижтимоий хавфлилик даражаси йўқолади, деб ҳисобловчи олимларнинг нуқтаи назари, фикримизча асосли эмас, чунки бунда қилмиш содир этган шахснинг хулқ-атвори ижобий тарафга ўзгариши, яъни бошқа бирон-бир жиноят содир этмаслиги, ижтимоий хавфлилик ҳолати ўзгариши мумкин. У ёки бу жиноят учун жавобгарликни белгиловчи қонунга ўзгартириш киритилмагунга қадар, жиноят содир қилинган кундан бошлаб қанча узоқ муддат ўтишидан қатъий назар мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси сақланиб қолади. Бу эса унинг юридик табиатини ўзгартирмайди, яъни у жиноятлигича қолаверади.

Жиноят қонунида, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда, жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари белгиланган. Бу муддатларнинг қонунда белгиланиши шахсни умрининг охиригача жиноий жавобгарликка тортилиш таҳликаси остида яшаш ташвишидан қутқаради. Иккинчи томондан, шундай муддатларнинг белгиланмаслиги фуқароларимиз онгида «жиноят учун қасд

⁶¹ М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят кодексига шарҳлар.Умумий қисм. –Тошкент: «ILM-ZIYO». –Б. 450; М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм.-Тошкент. «Янги аср авлоди». 2005. –Б.534

олиш мақсади» сақланиб қолишига олиб келиши мумкин эди. Шунингдек, бу ҳолатда ЖКнинг 42-моддаси иккинчи қисмида эътироф этилган жазонинг мақсади ўз аҳамиятини йўқотган бўлур эди. Бироқ мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ, агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилиши ҳам кўрсатилган.

Жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетишининг энг узоқ муҳлати йигирма беш йил бўлиб, бундай узоқ муддатнинг белгиланиши содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига боғлиқдир (ЖК 50-м. 5-қ.). Жиноят ўз хусусиятига ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра қанчалик оғир бўлса, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиш вақти ҳам шунчалик узоқ қилиб белгиланади.

Айнан ЖКнинг 64-моддасига мувофиқ, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: биринчидан, шахснинг ҳақиқатан жиноят содир этганлиги, иккинчидан қонунда қайд этилган жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги, учинчидан, шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги ва ниҳоят, тўртинчидан, шахснинг қасддан янги жиноят содир этмаганлиги.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг жиноят содир этилган кундан бошланиб, ҳукм қонуний кучга кирган кунга қадар амалга оширилиши белгиланган. Бироқ баъзи адабиётларда жиноий жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиши жиноят содир этилган вақтдан бошланиб, шахс айбдор сифатида ишга жалб қилинган вақтда тугайди, деган фикр билдирилиб, бунда шахсга айб эълон қилиниши, қамоқ тариқасидаги эҳтиёт чорасининг қўлланиши ҳақидаги терговчи ёки прокурорнинг қарори процессуал акт ҳисобланиб, муддатлар ўтишининг тўхтатилиши лозимлиги таъкидланади.⁶²

Фикримизча, масалага бундай ёндашишни асосли деб бўлмайди, чунки

⁶² Смольников В.Е. Давность в уголовном праве. –М., 1973. С.27

суд амалиётида баъзан судланувчиларнинг оқланиши, баъзида эса, ишнинг кўшимча терговга қайтарилиши ва дастлабки тергов органлари томонидан турли асосларга кўра жиноят иши тугатилиши мумкин.

Қонуннинг муҳим томонидан бири жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг тергов ва суддан яшириниши муддатнинг тўхтатилишига олиб келишининг белгиланганлигидир. Шахснинг тергов ва суддан бўйин товлаши деганда нафақат жиноят содир этган айбланувчи ёки гумон қилинувчи, балки жиноят содир этилганлиги муносабати билан сўроқ қилиш учун чакирув қоғози юборган органга узрли сабабларсиз келмаган шахслар ҳам тушунилади. Шахснинг жиноят содир қилганлиги ёки жиноятда иштирок этганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга номаълум бўлганда тергов ва судга келмаслик бўйин товлаш деб ҳисобланмайди.

ЖКнинг 64-моддаси тўртинчи қисмида муддат узилиши масалалари қайд этилган бўлиб, унга кўра агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс белгиланган муддатлар ўтмасдан туриб ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъий назар қасддан янги жиноят содир этган бўлса, бу ҳолда муддат ўтиши узилган деб ҳисобланади ва жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошланади. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун белгиланган муддат ҳам янгидан бошланиб, илгариги муддат инобатга олинмайди.

Ушбу қисм мазмуни ижтимоий адолат тамойиллари ва инсонпарварлик ғоялари билан тўла бойитилган бўлиб, унга кўра фақат қасддан янги жиноят содир қилинган жиноятгина муддат ўтишини узиши, бироқ эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятларга нисбатан бу қонданинг татбиқ этилмаслиги шахснинг жиноят содир этишга нисбатан ички ҳиссиёти инобатга олинганлиги билан эътиборга моликдир.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятлар юзасидан белгиланган муддатларда худди шу турдаги жиноятлар қасддан содир этилганда бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида

ҳисобланади.

Жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги белгиланиши ҳам ҳуқуқий демократик давлатимизда инсонийлик тамойилининг амалий ифодасидир.

Ҳар иккала модда талаблари бўйича шахсни жавобгарликдан ёки жазодан озод этишнинг зарурий асоси қонунда белгиланган муддатларнинг ўтиши, шунингдек, шахснинг янги жиноят содир этмаганлиги ҳисобланади. Бу асослар тўла мавжуд бўлгандагина шахс жавобгарликдан озод этилади. Буни амалга ошириш эса суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг хоҳишига боғлиқ бўлмай, балки унинг мажбурияти ҳисобланади.

Масалан, 2001 йил 22 август кунидан 23 август кунига ўтар кечаси Бекобод тумани Ойбек фермерлар уюшмаси 4-бўлимида яшовчи фуқаро «Г»нинг икки бош, бозор нархида жами 350.000 сўм бўлган новвослари номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2001 йил 8 сентябрь куни Бекобод тумани ИИБ ТБ томонидан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан 11/143-сонли жиноят иши қўзғатилган ва дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган.

Жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари вақтида мазкур жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш имкони бўлмаганлигини инобатга олиб, айбланувчи йўқлигида зарур бўлган барча тергов ҳаракатлари тўлиқ амалга оширилганлиги сабабли 2001 йил 27 октябрь куни ушбу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатилган.

Ушбу жиноят иши юзасидан 2009 йил 13 апрель куни тергов ҳаракатлари қайта тикланиб, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «г» бандига қайта малакаланган ва номаълум шахслар шахсини аниқлаш имкони бўлмаганлиги ҳамда шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги, ЖПКнинг 36, 84-моддаси 1-қисми 1-банди, 373-374-моддалари ва ЖКнинг 64-моддасига асосланиб жиноят иши бўйича номаълум шахсларни жавобгарликка тортиш

муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан, ушбу жиноят иши тугатилган.⁶³

Юқорида қайд этилган ҳолатда терговчи томонидан фуқаро «Г»нинг ЖПКнинг 324-моддаси талаби асосида туман ИИБга мулки ўғирланганлиги ҳақидаги аризасида кўрсатилган ҳолатни текшириб, ҳақиқатан ҳам унинг 350000 сўмлик иккита новвоси ўғирлаб кетилганлиги факти содир бўлганлиги аниқланиб, етарли асослар мавжуд бўлганлиги сабабли, ЖПК 321-322-моддалари талабларидан келиб чиқиб ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиши тўғри ва асослидир. Барча содир бўлган жиноятлар юзасидан ҳам ЖПКнинг 321-322, 329-331-моддалари талаблари асосида суриштирувчи, терговчи, прокурор худди шундай йўл тутиб жиноят иши қўзғатиши шарт, чунки қонун улар зиммасига шундай мажбурият юклаган.

Қонуншунос шахснинг ижтимоий хавфлилиги ва ўта оғир жиноят ҳисобланган, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ёки терроризм жиноятини содир этганлиги оқибатида одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган жиноятлари учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган шахсларни йигирма беш йил муддат ўтгандан сўнг жавобгарликка тортиш масаласи суд томонидан ҳал қилинишини белгиланган. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига айбдорга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Қонуншуноснинг бундай позицияси унинг халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқлигини кўрсатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Аппартеид жиноятини тўхтатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида»ги Конвенциясининг (1973 йил 30 ноябрь) кириш қисмида, ҳамма аъзо бўлган давлатлар Ташкилот билан ҳамкорликда ҳамма учун инсон ҳуқуқларига ва асосий эркинликларига ирқи, жинси, тили ва дини фарқ қилишидан қатъи назар, умумхалқ ҳурмат ҳамда риоя этишга эришиш учун биргаликда ва мустақил ҳаракат қилишга

⁶³ Бекобод туман ИИБ ТБ 2009 йил даги 11 / 141-сонли жиноят иши

мажбурият олганликлари таъкидланиб, уруш жиноятларига ва инсониятга қарши жиноятларга муддат ўтиши қўлланилмаслиги тўғрисидаги конвенцияда аппаратид сиёсатининг оқибати бўлган шафқатсиз хатти-ҳаракатлар инсониятга қарши жиноят эканлиги қайд этиб ўтилган.⁶⁴

Халқаро ҳуқуқ нормасининг ушбу ғоясидан келиб чиқиб, шахснинг жиноий ҳаракатлари тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган бўлса, бундай ҳолатларда унга нисбатан ЖКнинг 64, 69-моддалари талаблари татбиқ этилмаслиги белгиланган ва бу фикр мутахассис олимлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда⁶⁵.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятлар таснифланиши ислоҳ қилиниб, жиноятлар таркибининг 75 фоизига яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 25 фоизигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилганлигини қайд этиб ўтган эдик. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар терговдан яшириниб, суддан бўйин товлаганлиги учун уларни йигирма беш йиллик муддатдан сўнг жавобгарликдан озод этиш, ўйлаймизки, мақсадга мувофиқ эмас.

Масалан, фуқаро «И» қасддан ўзганинг баданига ўртача оғир шикаст етказиб, терговдан яширинган. ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми санкциясида бу турдаги жиноят учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. ЖК 64-моддаси «б» бандида унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб беш йил муддат ўтган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Терговдан яшириниб юрган айбдор фуқаро «И» олти йилдан сўнг айбини бўйнига олиб келганда унинг оила қурганлиги, қарамоғида икки нафар фарзанди борлиги ва ушбу даврда барча эркин фуқаролар каби қонунга риоя қилиб ҳаёт кечирганлиги, янги жиноят содир этмаганлиги

⁶⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. – Тошкент. Адолат. 2004. – Б.103-104

⁶⁵ М.Ҳ.Рустамбоев. Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т.: «Ilm-Ziyo». – Б.450

маълум бўлди. Айнан шундай ҳолатда фуқаро «И»ни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқми?!

Яъни, агар жиноий қилмиш содир этган шахс терговдан бўйин товламаса, суд иш ҳолатларини инобатга олиб, уни уч йил озодликдан маҳрум қилиб, шартли ҳукм қўллаши мумкин; агар у терговга (қўрққанидан ёки ишонмаганидан) келмаган бўлса, 25 йил қочиб юриши, умрини таҳликада ўтказиши керакми?

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод этиш жуда мураккаб институт бўлиб, уни қонун талаблари асосида қўллашда катта муаммоларга дуч келинаётганлиги табиий ҳолдир. Айниқса, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилинганда, моддий ва формал жиноятларда, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда ташкилотчи, далолатчи, бажарувчи ва ёрдамчи ҳаракатларида ўтиш муддатининг бошланиши, бир неча жиноятлар содир этилганда, давомли, узоққа чўзилган, такрорий жиноятларда муддат ўтиши бошланишининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, уларни очиб бериш учун алоҳида тадқиқотлар ўтказилиб, Олий суд Пленуми томонидан тегишли тушунтиришлар берилса, жиноятчиликка қарши курашда самарадорликка эришилган бўлар эди.

Республикамизда суд ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилиб, жиноятчиликка қарши курашда жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Айниқса, жиноий жавобгарликни дифференциациялаш ҳамда жазони индивидуаллаштириш масалаларига адолатлилик мезони асосида муносабат билдирилиб, бу борада ижобий ютуқларга эришилмоқда. Айни чоғда 2008 йил 11 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун билан жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазо муддати ёки миқдори ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозимлиги белгиланган бўлса-да, аммо ҳанузгача бу ғоя ЖКнинг

64-моддасига татбиқ этилмаганлиги ғоятда ажабланарлидир.

ЖК моддаларида назарда тутилган қоидаларни таҳлил этганда, улар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлгани ҳолда улар ўртасида баъзи номувофиқликлар ҳам мавжуд эканлиги аниқланди. Жумладан, ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми «г» бандига биноан ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно) ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади, ЖКнинг 50-моддаси 2-қисмида озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланиши назарда тутилган (ушбу модданинг 3-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) бўлиб, айбдорга бир неча жиноят содир этгани учун жазо тайинланганда ҳам ЖКнинг 59-моддасига мувофиқ ана шу қоидага риоя этилиши шарт.

Бироқ жиноий жавобгарликка тортишнинг энг узоқ муддати ўн беш йил этиб белгиланган бўлса-да, шу билан бир қаторда ЖКнинг 118-119, 152, 153, 157-161, 164, 242, 244², 246-248, 252, 271, 273, 285, 301-моддалари санкциясида йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган, худди шунингдек, бир неча оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганларга нисбатан жиноятлар жами учун йигирма йиллик муддат доирасида жазо тайинланади, бир неча ҳукмлар юзасидан эса йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланган.

Шунингдек, ЖКнинг 50-моддаси учинчи қисмида «узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади» дейилган (97-м. 2-қ. ва 155-м. 3-қ.).

Масалан, беш киши ўзаро келишган ва хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда жиноий уюшмада иштирок этиб, ЖКнинг 242-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этишган. Мазкур жиноят иши юзасидан айбдорларнинг тўртта нафари жавобгарликка тортилиб, суд томонидан уларнинг ҳар бирига йигирма йилдан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Бешинчиси эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари назаридан

четда қолган. Орадан ўн беш йил ўтгач, мазкур ҳолат аниқланган. Иштирокчилар яна беш йил озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташлари лозим, «омадли»ни эса жавобгарликка тортиш мумкин эмас, чунки жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган. Юқоридаги ҳолатда қонунда ўрнатилган жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган муддатлар борасида мувозанат бузилганлигини ҳамда ЖКнинг 5-моддасида ўрнатилган жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенглиги тўғрисидаги талабга риоя этилмаганлигини кузатиш мумкин.

Бу тўғрида юридик адабиётларда барча жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати суд томонидан тайинланадиган жазо муддатидан кам бўлмаслиги керак, деб⁶⁶ билдирилган адолатли таклифлар ҳамда бу таклифларнинг асосли эканлигини тасдиқловчи суд амалиётидан келиб чиқиш ҳамда хорижий давлатларнинг амалда синалган тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жавобгарликка тортиш муддатларининг энг кўп миқдори Германия Федератив Республикаси ЖКда (78-модда) 30 йил, Польша ЖКда (101-модда) 30 йил, Бельгия ЖКда (91-модда), Аргентина ЖКда (65-модда), Испания ЖКда (131-модда) 20 йил этиб белгиланган. Бинобарин, ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми «г» бандида белгиланган жавобгарликка тортишнинг ўн беш йиллик муддатини йигирма йилга узайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу амалдаги ЖК нормаларини қўллаш амалиётига самарали ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Жиноятчиликка қарши курашнинг бундай стратегик асоси республикамизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида ҳимояланишининг кафолатидир.

2003 йил 26 август куни номаълум шахслар қасддан ўзганинг мол-

⁶⁶ Курс уголовного права Т.2 Общая часть учение о наказании –М., «Зерцало-М». 2002. С.192

мулкини яширин талон-торож қилиш мақсадида Олмалиқ ТМК ОАЖ Саноатлаштирилган темир йўл транспорти Бошқармаси «Известковая-передгорная» станцияси 95-96 тўсинлар оралиғидан МФ-100 русумли 73 метр узунликдаги қиймати 165.795,41 сўм бўлган улов симларини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган. Ўзбекистон Республикаси ИИБ 1-сонли ИИБ тергов бўлинмаси томонидан ушбу жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилиб, 2003 йил 16 сентябрь куни ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «б» банди билан номаълум шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган, бироқ жиноятни содир этган шахслар топилмаганлиги сабабли 2003 йил 16 ноябрда ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тергов ҳаракатлари тўхтатилган. Жиноят иши 2008 йил 16 май куни тикланиб, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан қайта квалификация қилинган ва ЖКнинг 15, 169-модда 1-қисми, 64-модда 1-қисми, ЖПКнинг 84-модда 1-қисми 1-банди қўлланган ҳолда шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган⁶⁷.

Амалдаги қонунчилик муддати ўтганлиги муносабати билан 3 хил турдаги жиноий-ҳуқуқий оқибатларни назарда тутди:

- 1) жиноий жавобгарликдан озод қилиш;
- 2) жиноий жазодан озод қилиш;
- 3) вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш.

Юқорида қайд этилган ҳолатдан қайси бирини қўллашдан қатъий назар, жиноят содир этилган кундан бошлаб, айбдор шахснинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаёти унинг ижобий хулқ-атвори билан боғлиқдир.

Бу институт хорижий давлатлар жиноят қонунларида ҳам кенг тарқалган. Бошқа давлатлар жиноят қонунларида, жумладан, Австрия ЖКнинг 57-моддаси, Аргентина ЖКнинг 59-62-моддалари, Голландия ЖКнинг 70-75-моддалари, Испания ЖКнинг 130-моддаси, Польша ЖКнинг

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси ИИБ 1-сонли ИИБ тергов бўлинмасининг 2008 йилги 40/77-сонли жиноят иши тергов материалларидан.

101-моддаларига асосан муддатнинг ўтиб кетиши жиноий таъқибни, жиноий жавобгарликни бекор қилади ёки ундан озод қилишни назарда тутди.

Франция ЖКнинг 133-1, 133-2-моддалари, Япония ЖКнинг VI бобида жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши жазони ижро этишдан озод қилишга асос бўлиб хизмат қилиши белгиланган. Бунда жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш, етказилган зарарни ундириш масаласи муаммо бўлиб қолмоқда.

Жиноят содир қилиб тергов ва суддан яшириниб юрган шахслар, бу даврда янги жиноят содир қилмаганлиги, оила қуриб, қонунга риоя этиб яшаганлиги сабабли уларга нисбатан муддат ўтишини қўллаш лозим, деб таъкидланади. В.В.Сверчков бу фикрга қарши чиқиб, тергов ҳамда суддан яшириниш қасддан содир этилганлиги, бу эса шахснинг ижтимоий хавфлилигини билдиришини таъкидлаб, бундай шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддати ўтганлигини қўлламаслик лозим, деб ҳисоблайди. Фикримизча, Алекбаровнинг бу борадаги фикри тўғри кўринади, чунки шахснинг жамиятда тутган ўрни тергов ва судга келиши билан белгиланмаган, балки жамиятда ўзининг ижобий фаолият олиб бориши билан ифодаланади.

Қўшимча: ЖКнинг 64-модда 5-қисми матни «бўлса» сўзидан сўнг, «мазкур модданинг олтинчи ёки еттинчи қисмларидаги ҳолатлар мустасно» жумласи билан тўлдирилиши лозим, шунда бу қисм мазмуни билан 6, 7 қисм мазмунлари ўртасидаги қарама-қаршилик тугатилади.

ЖКнинг 64-моддаси 7-қисмида, ушбу моддада назарда тутилган муддатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этилган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги назарда тутилган, бироқ баъзи халқаро ҳуқуқ соҳаси мутахассислари ўз изланишларида ушбу моддада кўрсатилган муддат қоидаси 66 та жиноятга нисбатан қўлланмаслигини таъкидлаган⁶⁸.

⁶⁸ Кибальник А.Г., Соломоненко И.Г. Преступления против мира и безопасности человечества. СПб., 2004. С. 59

Жиноят содир қилган ва жавобгарликка тортилган шахснинг тергов ва суддан яшириниши оқибатида муддатнинг тўхтатилиши ҳақида Модельный кодекс муаллифлари Россия Федерацияси ЖКнинг 78-моддаси 3-қисмида жиноят содир қилган шахс тергов ва суддан яширинса, муддат ўтиши тўхтатилиши эътироф қилинган⁶⁹.

Амалдаги ЖКнинг 64-моддаси 4-қисмида оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг узилиши белгиланган. Бирок бунда айнан оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган шахснинг қасддан янги жиноят содир қилиши зарурий белги қилиб кўрсатилганда қонуншунос қандай мезондан келиб чиққанлиги номаълум. Борди-ю, шахс ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилиб (ЖКнинг 15-моддасига биноан), белгиланган муддат ўтмасдан туриб, яна қасддан шунга ўхшаш жиноят содир қилса, муаммо қандай ечилиши масаласи жиноят қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилмаган. Бундан ташқари модданинг ушбу қисмига биноан, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланиши белгиланган.

ЖКнинг 64-моддаси тўртинчи қисмидаги мазкур асос ЖКнинг 15-моддаси биринчи ва учинчи қисми талабидан келиб чиқмагани учун мазкур қонунда амалиётда қўллашда ҳаттоликка йўл қўйилиши мумкин. Мазкур модда қисмига асосан муддатнинг узилишига икки асос бўлиб, биринчиси, шахс илгари оғир ва ўта оғир жиноят содир этган бўлиши, иккинчиси, ўша шахс муддат ўтмасдан қасддан жиноят содир этиши ҳисобланади. Қайд этилганлар рўй берган ҳолда жавобгарликка тортиш муддати янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Мисол учун, шахс илгари гиёҳвандлик воситасини кўп миқдорда сотиш жиноятини (ўта оғир) (273-м. 5-қ.) содир этган. Орадан беш йил ўтганидан сўнг қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини (унча оғир бўлмаган жиноятни) содир қилган.

⁶⁹ Уголовный кодекс Российской Федерации Москва 2010,

Бундай ҳолатда биринчи ўта оғир жиноят учун муддатнинг ўтиши узилади. Иккинчи жиноят билан боғлаган ҳолда янги жиноят содир қилинган кундан бошлаб муддат ўтиши давом этади. Чунки ЖКнинг 64-моддаси биринчи қисми бўйича биринчи жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати – 15 йил, иккинчисига эса 5 йил деб белгиланган. Қонуннинг талабига кўра биринчи 15 йиллик муддат асосий ўринда туради. Қонун ижодкори шу қисмнинг охири жумласида ҳам ноаниқликка йўл қўйган. Яъни «қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддати ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади», дейилган. Айнан шу масала Россия Федерациясининг ЖКда қуйидагича, агар шахс янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади (78-м. 2-қ.) деб, Беларусь Республикасининг ЖКда қонунда белгиланган муддатда шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши билан муддатнинг ўтиши узилади, бундай ҳолда муддат янги содир этилган кундан бошлаб ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади (83-м. 3-қ.) деб, Украина ЖКда эса шахс ўрта оғирликдаги, оғир ёки ўта оғир янги жиноят содир этса, муддат узилади ҳамда янги жиноят содир этилган кундан бошлаб муддат ҳисобланади, бундай ҳолда ҳар бир жиноят учун муддат алоҳида ҳисобланади (49-м. 3-қ.) деб, Молдова Республикаси ЖКда эса икки йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган жиноятни содир этганда муддат ўтиши узилади ва янги жиноят содир этилган пайтдан бошлаб муддатни ҳисоблаш бошланади (60-м. 4-қ.) деб белгиланган.

Шунингдек, ушбу модданинг номланишини таҳлил этганда ҳам яна бошқа муаммоларга дуч келдик. Яъни унда баъзи бир сўзлар ортиқча ифодаланган. Мисол учун ЖК моддаси номланишида ҳамда диспозициясида деярли барча ҳолатларда жиноят ҳақида фикр юритилади, шу сабабли модда номидаги «жиноят учун» сўзлари жумлага ортиқча киритилган, деб ўйлаймиз.

Шу билан бирга, «муносабати» сўзи «сабабли» деб ўзгартирилиши керак, чунки шу модданинг рус тилидаги матнида «вследствие» атамаси

ишлатилган бўлиб, бу сўз ўзбек тилида «сабабли» деган маънони англатади.

Фикримизча, ЖКнинг 64-моддаси номи «Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш» деб ифодаланиши керак, шунда ушбу матн бошқа давлатлар ЖК моддаси матнига ҳам мувофиқ келади.⁷⁰

Шундай қилиб юқорида баён этилганларни инобатга олган ҳолда ЖКнинг 64-моддаси 64¹-модда “Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш” деб номланган ҳолда (2-бобнинг иккинчи параграфига қаранг) қуйидагича баён этилиши лозим:

“Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб - уч йил;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб - беш йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб - ўн йил;

г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисми бундан мустасно) - йигирма йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади.

Агар жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Шахс ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Агар жиноят содир этган шахс ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят

⁷⁰ Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии. Санкт-Петербург. Юридический центр Пресс. С. 220; Уголовный кодекс Российской Федерации. –М.: «Эксмо». 2008. С. 47

содир этилган кундан бошлаб ўн беш йил, оғир ёки ўта оғир жиноят учун йигирма беш йил ўтган бўлса (ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари бундан мустасно), шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди”.

3-БОБ. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.

3.1. Жиноий жазоларни либераллаштириш шароитида жазодан озод қилишнинг тушунчаси ва турлари.

Бугунги кунда юридик-ҳуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда”⁷¹. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, жиноий жазоларнинг либераллаштирилишидан кўзланган мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдир.

Жиноят қонуни судланган шахснинг суд томонидан белгиланган жазони ўташдан тўлиқ ёки қисман озод этган ҳолда жиноий жавобгарликни амалга оширишни кўзда тутди. Бундай жазодан озод қилиш худди жиноий жавобгарликдан озод қилиш каби, инсонпарварлик принципининг ифодаланиши бўлади. Жазодан озод қилиш уни ижро этишнинг мумкин бўлмаслиги (масалан, судланган шахснинг касаллиги, унинг меҳнатга лаёқатидан маҳрум бўлиши, жазони ижро этиш муддатининг ўтиб кетиши) ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги (масалан, судланган шахснинг чин қўнгилдан пушаймон бўлиши) билан белгилаб берилади.

Қонун судга, агар шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолган бўлса ёки унча катта бўлмаган ижтимоий хавфи бўлса, шахсга нисбатан жазони қўлламаслик ёки уни жазо ўташдан озод қилиш ва кейинчалик бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга имкон беради, ва бундай ҳолда ушбу шахснинг жиноий жавобгарлиги тўлиқ эмас, қисман амалга оширилади, лекин бу жиноятчилик билан жиноий-ҳуқуқий курашни таъминлаш учун етарли бўлади. Жумладан, ҳукм чиқариш пайтига келиб, яъни шахсни

⁷¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б.31.

махкум этиш босқичида, ёки маҳкумнинг тайинланган жазонинг бир қисмини ўтаб бўлганида айбдор шахс ўзининг меҳнатга, ўқишга бўлган виждонан муносабати, ижобий томонга ўзгарган маънавий шахсий йўналишлари билан ўзининг тузалганлигини ва қонунга бўйсунувчан фуқаронинг ҳалол ҳаёти билан яшашга ичидан тайёрлигини исботлагани ва кўрсатгани туфайли жазонинг мақсадларига амалда эришилганлиги очиқ-ойдин бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатлар бўлганда жазони тайинлаш ёки кейинги ўташ давлатнинг қонунни бузган шахсни жамиятга унинг фойдали аъзоси сифатида қайтариб беришга қаратилган уринишларини йўққа чиқариши мумкин. Натижада жазо мақсадига эришилмайди, шахс эса жазони ўтаганидан кейин унинг судланишидан илгари ҳолатига қараганда жамият учун тахминий кўпроқ хавф солиши мумкин. Ва ниҳоят, ёсудланган шахс ҳатто тузалмаган ҳолда ҳам, оғир касаллиги туфайли жазони ўтай олмайдиган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай шахсга нисбатан жазо вазифаларини амалга ошириш ўз маъносини йўқотиши мумкинлиги тушунарли.

Жазодан озод қилиш – бу давлатнинг жиноятни сождир этганлиги учун судланган шахсга жиноят қонуничиликда кўзда тутилган асослар ва шартлар мавжуд бўлган ҳолда жазони тайинлашдан ёки жазони ижро этишдан воз кечишидир.

Жазодан озод қилиш фақат суд томонидан амалга оширилади, чунки шахсни жиноят содир этишда айбдор деб эътироф этиш ва унга жазони тайинлаш суднинг мутлақ ваколати бўлади.

Жазодан озод қилишнинг ҳар хил турлари ЖКнинг “Жазодан озод қилишнинг турлари” номли XIII бобида белгилаб берилган. Уларга қуйидагилар киради: Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖКнинг 69-моддаси); Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖКнинг 70-моддаси); Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон

бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖКнинг 71-моддаси); Шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси); Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖКнинг 73-моддаси); Жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖКнинг 74-моддаси); Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 75-моддаси); Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 76-моддаси).

Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари шартли ёки шартсиз турда бўлиши мумкин.

Жазодан озод қилишнинг шартли турларига Шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси); Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖКнинг 73-моддаси) ва Касаллик оқибатида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 75-моддаси 1-3 қисмлари) киради. Жазодан озод қилишнинг қолган турлари шартсиз, яъни якуний бўлади, чунки уларни қўллаш жазодан озод қилинувчига риоя қилинмаганлиги уларни бекор қилиш учун асос бўла оладиган бирор-бир мажбуриятларни юкламайди.

Жазодан озод қилишни шунингдек тўлиқ, қисман ва аралаш жазодан озод қилиш турларига бўлиш мумкин.

Тўлиқ жазодан озод қилиш Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖКнинг 69-моддаси); Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖКнинг 70-моддаси); Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖКнинг 71-моддаси); Шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси) тарзида жазодан озод қилиш бўлади. Тўлиқ жазодан озод қилишда тайинланган жазо суд қарорига кўра ижро этилмайди.

Қисман жазодан озод қилиш уни ўташ даврида жазодан озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш бўлади. Жазодан озод қилишнинг ушбу турлари тоифасига Жазони ўташдан муддатидан

илгари шартли озод қилиш (ЖКнинг 73-моддаси); Жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖКнинг 74-моддаси) киради.

Ва ниҳоят, жазодан озод қилишнинг аралаш тури тўлиқ ва қисман жазодан озод қилишни ўзида мужассамлантирган бўлиб, уларга Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 75-моддаси); Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 76-моддаси) киради.

3.2. Жазони ижро этиш муддати, муддатнинг узилиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

Жазодан озод қилиш деганда, айнан суд ҳукми билан тайинланадиган жазодан озод қилиш назарда тутилади⁷².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 69-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, жазо ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб қонунда белгиланган тегишли муддатларда ижро этилмаган бўлса, айблов ҳукми ижро этилмайди.

Айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг муайян вақт ўтганидан сўнг тайинланган жазони ижро этиш хусусий ҳамда умумий превенция нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмайди. Агар айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг қонунда кўрсатилган муддат ўтган ва шу муддат мобайнида судланувчи жазони ўташдан бўйин товламаган ва янги жиноят содир этмаган бўлса, бундай шахс ижтимоий хавфли ҳисобланмайди. Шу сабабли унга нисбатан айблов ҳукмини ижро этиш жавобгарликка тортиш муддати институти ва жазонинг мақсадсадларига зид бўлар эди.

Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш судланган шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолганлигига асосланади. Жазони ижро этиш муддатнинг ўтганлиги туфайли озод этишни атрофдагиларнинг содир этилган жиноят эсидан

⁷² Муқимова М.З. Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва жиноят қонунини либераллаштириш масалалари. – Самарқанд: СДУ. 2009. – Б. 95.

чиққанлиги, ўтган вақтнинг жиноятчи шахсига таъсири билан асослаш, бизнингча тўғри бўлмайди.

Суднинг айблов ҳукмини атрофдагиларнинг содир этилган жиноят тўғрисидаги хотиралари ёддан чиққан ёки чиқмаганлиги билан боғлаш мумкин эмас. Суд ҳукми давлат номидан алоҳида фуқаролар учун эмас, балки бутун жамият манфаатларини кўзлаб чиқарилади. Шу сабабли, суд томонидан белгиланган жазонинг ижро этилиши атрофдагиларнинг содир этилган жиноят тўғрисидаги хотиралари билан боғлаш ва жиноят тўғрисидаги хотира жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддатларини тўғри танлашнинг мезони бўла олмайди.

Жиноятчи шахсига “вақтнинг таъсири” ҳам ноаниқ категория бўлиб, вақт бир воқеа, ҳодиса, фактнинг бошқасидан ажратиб турувчи ўлчов бирлиги ҳисобланади. У жиноятчига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Фақатгина маълум бир вақт мобайнида шахс ҳатти-ҳаракатларининг ўзгариши ҳақида гапириш мумкин, бироқ бу ўзгаришлар вақт билан эмас, балки бошқа шарт-шароитлар ва асосан, шахснинг ҳақиқатга бўлган субъектив муносабати билан боғлиқдир.

Жазони ижро этиш муддати институтининг зарурлигини жамият аъзолари ва судланган шахснинг тайинланган жазога муносабати билан асослаш ҳам мантиқан тўғри бўлмайди.

Шу тарзда, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб маълум вақтнинг ўтиши билан судланган шахс ижтимоий ҳавфлилигининг йўқолиши уни жазодан озод қилиш учу насос бўлади.

Жазони ижро этмаслик тўғрисидаги масала суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ўтишидан кейин вужудга келиши мумкин, аксинча шахсга нисбатан жазо ижро этилмаслиги, амалда уни жазони ўтаётган шахсдан олдин жазодан озод қилинган бўлар эди. Шу билан бирга, суд томонидан тайинланган жазо муддатида ошиб кетувчи жазони ижро этиш муддатининг

белгиланиши ҳам тўғри бўлмайди. Мазкур ҳолатларнинг ЎзССРнинг 1959 йилги ЖКда тўлиқ тартибга солинганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

ЖК 69-моддасида жазони ижро этиш муддатларининг қонуний белгиланганлиги инсонпарварлик нуқтаи назардан аҳамиятга эгадир. Жазони ижро этиш муддатини қўллаш назарда тутилган жиноят қонунининг ушбу нормаси жазони ижро этишни нафақат маълум дифференциаллашган муддатларга, балки судланган шахс ижтимоий хавфлилигининг йўқолганлигидан далолат берувчи бошқа шарт-шароитларга ҳам боғлиқ қилиб қўяди.

ЖК 69-моддасида жазони ижро этиш муддати ўтишининг бошланғич нуқтаси сифатида ҳукм чиқарилган кун эмас, балки унинг қонуний кучга кирган кун тан олинади. Ушбу ўзгариш шубҳасиз, тўғри бўлди, чунки, ҳукм қонуний кучга киргандан кейингина жазо ижро этилади.

Айблов ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг узлуксиз тарзда жиноят қонуннинг 69-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтиб боради. Айблов ҳукмида кўрсатилган жазо судланувчининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ва жазони ижро этишдан бўйин товлаш ёки янги жиноят содир этишда ифодаланмаган сабабларга кўра ижро этилмаган вақт жазони ижро этиш муддатига киритилади.

Қоидага кўра, жазони реал ижро этиш вақт бўйича айблов ҳукмининг кучга кириши билан тўғри келади, бироқ, баъзи ҳолатларда бу бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди. Масалан, ЖПК 533-моддасига биноан, судья озодликдан маҳрум этилган ёки жарима солинган шахсга нисбатан ҳукм ижросини, ушбу нормада кўрсатилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганида кечиктириши ҳам мумкин.

Бундай ҳолатларда жазони ижро этиш ҳукм қонуний кучга кирган кундан кечиктирилиб ижро этилади. Жазони ижро этиш муддати эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, суд томонидан ҳукм ижроси кечиктирилган бўлишидан қатъи назар, у қонуний кучга кирган кундан бошланади. Баъзи

ҳолларда ҳукми ижро этиш узоқ вақтга ҳам чўзилиб кетиши мумкин (масалан, судланувчининг оғри касаллиги туфайли). Ўз навбатида, кечиктирилган муддат мобайнида жазони ижро этишнинг ЖКнинг 69-моддасида кўрсатилган муддати ўтиб кетган бўлса, айблов ҳукми кейинчалик ижро этилмайди.

ЖК 72-моддаси олтинчи қисмида агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, ёхуд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин, дейилган. Юқоридаги ҳол рўй берган суд томонидан шартли ҳукми бекор қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб муддатларнинг ўтиши ҳисобланиши керак.

Маҳкум амалда жазонинг бир қисмини ўтаган, лекин унинг қонуний озод этилиши билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жазони тўлиқ ўтамаган бўлса, муддатлар ўтишини ҳисоблаш маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради (масалан, ҳарбий ҳаракатлар даврида жазони ўташ жойи бузилган, табиий офат туфайли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижро этилмаган, ахлоқни тузатиш ишлари маъмуриятнинг айбига кўра тўлиқ ижро этилган ҳолатлар). Маҳкумга боғлиқ бўлмаган жазонинг ижро этилмаган қисми жазони ижро этиш муддатига киритиладими? деган савол туғилади.

Юридик адабиётларда ушбу масала ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи олимларнинг фикрича, жазони ўташнинг фактик вақти жазони ижро этиш муддатига киритилмайди. Чунки, агар жазони ўташнинг фактик вақти жазони ижро этиш муддатига киритилса, одил судловнинг репрессив кучини пасайтиради”⁷³. Н.Д.Дурмановнинг фикрига кўра, маҳкум жавобгарликка

⁷³ Саблер В. О значении давности в уголовном праве. – С. 368.

тортиш муддатлари доирасида жазони ўташни бошлаган бўлса, ҳукм ушбу муддат ўтганлигидан қатъи назар ижро этилиши лозим⁷⁴.

ЖК 69-моддасида ушбу масаланинг аниқ ечими берилмаган. Мазкур модданинг биринчи қисмида агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ушбу моддада кўрсатилган муддатларда ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади, деб белгиланган. Аммо ушбу қонидани икки хил маънода тушуниш мумкин: биринчидан, ҳукм умуман ижро қилинмайди, яъни унда кўрсатилган жазо чоралари умуман ижро этилмайди; иккинчидан, ҳукмда кўрсатилган жазонинг бир қисми ижро этилмаган бўлса (ижро этилган бўлса) ҳам жазо ижро этилмайди, чунки ушбу ҳукм ҳам ижро этилмаган ҳисобланади.

И.Д.Перлов тўғри кўрсатиб ўтганидек, ҳукмни ижро этиш – бу маҳкумни ҳукмда белгиланган жазога ҳукм қилиш ва суднинг ҳукмида кўрсатилган муддатдан олдин маҳкумнинг озод этилмаслигини таъминлаб бериш демакдир⁷⁵. М.Х.Рустамбоевнинг таъкидлашича, “Айблов ҳукми билан тайинланган жазони ижро этмаслик масаласи суд томонидан тайинланган жазо муддати ўтиб бўлмасдан пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолада, жазони ўтаб чиққан шахс ҳукм ижро этилмаган шахсга нисбатан аввалроқ жазодан озод этилган бўлади. Жазони ижро этиш муддати ўтиши асосий ва қўшимча жиноий жазо чоралари сифатида қўллаш ҳуқуқий асосларидан маҳрум қилади⁷⁶. ЖПК 531-моддасида ҳам ҳукмни ижро қилиш ҳақида мурожаат қилиш ва уни ижро қилиш тушунчалари бир хил эмаслиги таъкидланади. Ҳукмни ижро қилиш тўғрисида мурожаат қилиш – бу бир маротабалик ҳаракат бўлиб, у суд томонидан амалга оширилади ва ҳукм нусхалари ҳамда апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларининг қарорларининг нусхаларини ҳукмнинг ижросини таъминлайдиган органга юбориш ҳисобланади.

⁷⁴ Дурманов Н. Д. Освобождение от наказания по советскому праву. – С. 38.

⁷⁵ Перлов И. Д. Исполнение приговора в уголовном процессе, М., 1963. – С. 7.

⁷⁶ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Ilm Ziyo. 2006. – Б. 484.

Ҳукми амалда ижро этиш эса жазони ижро этувчи органларнинг уни амалга ошириш бўйича фаолияти бўлиб, ушбу фаолият жиноий жазони ижро этиш муассасалари, молиявий органлар, суд ижрочилари ва бошқалар томонидан бажарилади.

ЖК 69-моддаси биринчи қисмида ҳукми ижро этиш тўғрисида мурожаат қилиш эмас, балки уни амалда ижро этишни назарда тутилади.

Ўз навбатида, жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтишига ҳукми ижро этиш бўйича мурожаат қилишга қаратилган ҳаракатларга эмас, балки унинг амалдаги ижросига таъсир қилади.

ЖК 69-моддасида фақат ҳали ижро этилиши бошланмаган ҳукмларни назарда тутилган, деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Мазкур модданинг мазмунидан келиб чиқиб, жавобгарликка тортиш муддатлари фақатгина жазо ижро этилмаётган вақт мобайнида ўтади, деб хулоса қилиш мумкин. Жазони ўташ бошлангандан кейин муддатнинг ўтиши тўтатилади, бироқ маҳкумнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли, жазо ижро этилмаса, муддатнинг ўтиши қайтадан янгиланади.

Масалан, К.га нисбатан олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган суднинг ҳукми 1995 йил 3 апрель куни қонуний кучга кирган. Жазонинг ярмини ўтаб бўлгач, К. суднинг ҳукми хато бўлганлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойидан озод қилинган.

Кейинчалик, мазкур қарор юқори турувчи суд томонидан бекор қилинган, бироқ ҳукм охиргача ижро этилмаган. Шу муносабат билан: 1) жазонинг ижро этилмаган қисмига нисбатан муддатлар қўлланадими? 2) муддатнинг ўтиши қайси пайтдан бошлаб ҳисобланиши керак? деган савол туғилади.

Қисман ижро этилган ҳукм — бу охир оқибат ижро этилмаган жазо ҳисобланади. Жазони ижро этиш муддати билан қисман ижро этилган жазо бекор қилинса, бу ҳолат мантиқсиз бўлар эди. Жавобгарликка тортиш муддатларининг принципларидан келиб чиққан ҳолда, шунини тан олиш

керакки, маҳкумга нисбатан жазонинг қисман ижро этилиши, унинг ижро этилмаган қисмини барибир амалга ошириш лозим дегани эмас.

Агар умумий қоидага кўра, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошланса, яъни маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли ижро этилмаса, жавобгарликка тортиш муддатлари ҳам ҳукмда белгиланган жазо тўлиқ ижро этилганидан сўнг ҳисобланиши лозим.

Демак, жазога тортиш муддатлари тўлиқ ижро этилмаган ҳукмга ва ҳукмнинг ижро этилмаган қисмига нисбатан ҳам қўлланилади.

ЖК 69-моддасида назарда тутилган жазони ижро этиш муддатлари асосий ва қўшимча жазоларга боғлиқ бўлади. Айрим муаллифлар қонунда кўрсатилган муддатларнинг ўтиши билан айблов ҳукмининг асосий ва қўшимча жазога оид қисми тўлиқ ижро этилмайди, деб ҳисоблайдилар. Бизнинг назаримизда бу фикр асослидир. Агар маҳкум унга суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан жазони ижро этиш муддати тугамасдан озод қилинса, ҳукмнинг қўшимча жазо чорасига оид қисмини ижро этиш жавобгарликка тортиш муддати институтининг асосларига зид ва мақсадга номувофиқ бўлади. Ҳукмда кўрсатилган асосий қўшимча жазо чораси (масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) жавобгарликка тортиш муддатлари доирасида ижро этилмаган бўлса, қонунда белгиланган муддатлар ўтиши билан ҳукм ижро этилмайди.

Айблов ҳукмининг лавозимдан озод қилиш ва ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби қўшимча жазоларга оид қисми қонуний кучга кирган кунда ижро этилган ҳисобланади. Ушбу кундан эътиборан маҳкум лавозимидан озод қилинган ёхуд ҳарбий ёки махсус унвонидан маҳрум қилинган ҳисобланади. Суд ҳукмини расмийлаштирадиган буйруқ ёки бошқа ҳужжатнинг чиқарилиши техник аҳамиятга эга ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, юқорида айтиб ўтилган қўшимча жазо чораларининг охиригиси (ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш) муддатсиз ҳисобланади. Шу

сабабли, бу ҳолатларда муддатларнинг қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги тўғрисидаги масалани кўтариш ҳеч қандай маъно касб этмайди.

Шу тарзда, айблов ҳукмини ижро этиш муддати асосий ва қўшимча жазо турларига тенг тарзда қўлланилади ва буларнинг ҳар иккаласи ҳам жазони ижро этиш муддатига асосан бир вақтнинг ўзида бекор қилиниши мумкин.

Суд ҳукми чиқаришда ЖК 52-моддаси қисмига мувофиқ, маҳкумни орден ёки медал билан тақдирлаган ёки унвон берган органга уларни бекор қилиш тўғрисидаги тақдимнома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай тақдимноманинг чиқарилиши суднинг ҳукмига асосланади. Муддатнинг бекор қилувчи кучи ҳукмнинг маҳкумни мукофот ёки тегишли унвондан маҳрум қилишга оид қисмига нисбатан амал қилиши мумкин. Ушбу масала ҳукм қонуний кучга кирган кунидан бошлаб ўтган муддатга қараб компетентли орган томонидан ҳал қилиниши лозим.

Шахсни содир этган жинояти учун жазога ҳукм қилиш уни судланган, деб топилиши учун асос бўлади. Судланганлик айблов ҳукми қонуний кучга кирган кунидан бошланади ва маҳкум жазони ўтаб бўлганидан кейин қонунда кўрсатилган муддат мобайнида судланган ҳисобланади.

Шахснинг судланганликнинг маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Судланганлик суд томонидан шахснинг содир этган жинояти учун суд томонидан муайян жазо турини тайинлаш билан вужудга келган шундай ҳуқуқий ҳолатки, бунда унга нисбатан қонунда кўрсатилган ҳолатларда маълум жиноят- ҳуқуқий ёки умумҳуқуқий ҳаракатердаги оқибатлари юзага келади⁷⁷.

Судланганлик натижасида вужудга келадиган умумҳуқуқий хусусиятдаги оқибатлар маҳкумнинг муайян ҳуқуқларини чеклашда намоён бўлади (яшаш жойини танлаш, муайян лавозимларни эгаллаш ва ҳ.к).

⁷⁷ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Янги аср авлоди. 2005. – Б. 559.

Судланганликнинг жиноят- ҳуқуқий оқибатлари шахс томонидан жиноят содир этилганида юзага келади (аввалги судланганлик жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ёки шахсни ўта хавфли рецедивист деб тан оладиган ҳолат сифатида намоён бўлиши мумкин).

ЖК 69-моддасини қўллашда жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жазони ўташдан озод қилинган шахс судланган ҳисобланадими? деган савол туғилади.

Жиноят қонунида ушбу саволга ягона жавоб мавжуд эмас. ЖК 78-моддасида жазони ижро этиш муддати ўтганлиги асосида судланганликнинг бекор қилиниши назарда тутилмайди. Бироқ, ЖК 72-моддаси 2-қисмига кўра, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланган ҳисобланмайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз жиноят қонунида жазони ижро этиш муддати қўлланилган шахсларга нисбатан судланганликнинг бекор қилиниши тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши мақсадга мувофиқ ва жавобгарликка тортиш институти қоидаларига мос келган бўлар эди. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилинган шахсларнинг судланганлиги бекор қилиниши тўғрисидаги масала бўйича қонунда ва олимлар орасида ягона фикр мавжуд эмас.

Фикримизча, ушбу масалани ҳал этишда унинг ЖКда алоҳида моддаларида қандай тартибга солинганлигидан келиб чиқиш лозим. ЖКда айблов ҳукмида белгиланган жазони ижро этиш муддатларининг ўтиши билан судланганликни олиб ташлашни назарда тутувчи норма мавжуд бўлгани туфайли маҳкум судланмаган ҳисобланади. Бундай норма бўлмаса, судланганлик умумий асосларга кўра, олиб ташланади.

ЖКга кўра, жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетган бўлса, судланганлик олиб ташланади. Агар маҳкум жазони ижро этиш муддати тугагунга қадар, жазони ўташдан бўйин товласа, муддат икки мартага узаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг судланганлиги масаласини ҳал қилиш ЖК 69-моддаси бешинчи қисмига кўра, бундай шахсларга нисбатан муддатларни қўллаш ёки қўлламаслик суд томонидан ҳал қилинади. Суд томонидан тайинланган жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан шахс жазодан озод қилинган бўлса, унинг судланганлиги ҳам олиниб ташланади. Агар суд муддатни қўлламасликни лозим деб топса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади ва судланганлик тўғрисидаги масала озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатида келиб чиққан ҳолда, умумий асосларга кўра ҳал қилинади.

Демак судланганликнинг олиб ташланиши жазони ижро этиш муддати ўтиб кетган кундан эътиборан ҳисобланиши керак бўлади. Судланганликнинг олиб ташланиши ёки тугалланиши ЖК 80-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ҳал қилинади. Унга кўра, судланганликни тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу ерда бундай вақт жавобгарликка тортиш муддатининг биринчи куни ҳисобланади.

ЖК 78-моддасига мувофиқ, судланганлик ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, автоматик тарзда тугатилади. Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. (ЖК 80-м. иккинчи қисми).

Ўз ЖК 78-моддасида белгиланган муддатларда маҳкум томонидан янги жиноят содир этилмаса, барча ҳолатларда судланганлик тугатилади.

ЖК 80-моддасига кўра, судланганликни тўхтатиш муддатини ҳисоблашнинг бошланғич вақти асосий ва қўшимча жазони ўталган кун бўлса-да, муддатларнинг ўтишида судланганликни тўхтатиш фақат асосий жазо муддатининг ўталган вақтидан ҳисобланиши зарур. Чунки,

жавобгарликка тортиш муддати асосий ва қўшимча жазога, яъни бутун ҳукмга нисбатан қўлланилади.

Айблов ҳукмини ижро этиш муддатлари ҳукм қонуний кучга кирган кундан эътиборан узлуксиз тарзда ўтиб боради. Бироқ, маҳкум жазони ўташдан бўйин товласа ёки муддатлар ўтгунига қадар қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бу шуни англатадики, маҳкум жазони ўташдан бўйин товланган ёки муддатларнинг ўтишига қадар қасддан янги жиноят содир этилган вақтгача бўлган муддат бекор қилинади ва у янги жиноят содир этилган вақтдан қайтадан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 69-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу қоидалар муҳим превентив аҳамиятга эгадир, чунки улар маҳкумнинг янги жиноят содир этишининг олдини олади, суд ҳукмининг нуфузини оширади ва унинг ижросини таъминлашга кўмаклашади. Қонунда муддатлар ўтишининг узлуксизлиги тасоддифий ҳолатларга эмас, балки маҳкумнинг ўзини қандай тутишига боғлиқ қилиб қўйилган⁷⁸.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 69-моддасида 64-моддасидан фарқли равишда фақат муддат ўтишининг узилиши назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 64-моддасига биноан, тергов ёки суддан бўйин товланган муддатлар ўтишининг тўхташига, янги жиноятнинг содир этилиши эса-муддатларнинг узилишига сабаб бўлса, ЖК 69-моддасига кўра ушбу икки ҳолат бир хил аҳамиятга эга, яъни иккала ҳолатда ҳам муддатнинг ўтиши узилади. Жавобгарликка тортиш ва жазони ижро этиш муддатларини қўллашда жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жазодан озод қилишнинг турли ҳуқуқий аҳамиятга эгаллиги асослидир. Шахсга маълум жазо чорасини ўташ мажбурияти юклатилган суднинг ҳукмига биноан ҳулқ-атворида қатъи муносабатда бўлиш назарда тутилади. Айблов ҳукмини ижро этиш муддатининг узилиши тўғрисидаги нормалар –

⁷⁸ Голик Ю.В. Принципы поощрения в уголовном праве. – Томск: 1990. – С. 123.

суд томонидан белгиланган жазо турини ўташдан бўйин товлаган шахсларнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлашга қаратилган ўзига хос санкциядир. Албатта, жиноий жавобгарлик ёки жиноий жазодан бўйин товлашнинг ҳуқуқий оқибатлари бир хил эмас. Айнан шу сабабли, қонун чиқарувчи орган шахс тергов ёки суддан яширинар экан, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши тўхтатилади, айблов ҳукмини ижро этиш муддати эса узилади, яъни илгари ўтган муддатлар бекор қилинади ва ушбу муддат жазони ижро этишдан бўйин товланган бутун мобайнида ўтмайди.

Жазони ўташдан бўйин товлаш бу маҳкумнинг айблов ҳукмини ижро этишга тўсқинлик қилувчи қасддан содир этиладиган ҳаракатларидир. Бу ҳаракатлар доимий яшаш жойидан чиқиб кетиш, фамилиясини ўзгартириш, давлат органларига ўзи тўғрисида нотўғри маълумотларни бериш ва ҳ.к бўлиши мумкин. Агар маҳкум ўзининг ҳаракатлари билан ҳукмда тайинланган жазонинг ижро этилишига тўсқинлик қилса, унинг ҳаракати жиноий қилмиш ҳисобланади ва уларнинг содир этилиши маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Юқоридаги ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг жазони ижро этиш муддатларини ҳисоблаш тартибида муайян ўзгаришлар содир бўлади. Озодликдан маҳрум қилиш ёки қамокдан қочиш, яъни жазони ижро этишдан бўйин товлаш ва янги жиноят содир этиш бундан мустасно ҳисобланади.

ЖК 69-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган жазони ижро этишдан бўйин товлашда муддатнинг узилиши тўғрисидаги норма ҳукмнинг ижро этилишида муҳим аҳамият касб этади. Маҳкум жазони ўташдан бўйин товланида жазони ижро этиш муддатининг ўтиши ва 15 йил ўтгандан сўнг ҳукмнинг бекор қилинмаслигига амин бўлиши керак. Жиноят қонунининг 69-моддасига кўра, айбдор жазони ўташдан бўйин товланида нафақат олдин ўтган муддат бекор қилинади, балки у икки мартага ошади ҳам. Фикримизча Ушбу қоида маҳкумларни жазони ижро қилишга тўсқинлик қилишдан тийиб туради.

Суд томонидан чиқарилган ҳукм албатта ижро этилиши шарт, чунки ижро этилмаган ҳукм маълум бир маънода ўзининг ҳуқуқий кучини йўқотади. Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлангани жавобгарликка тортиш муддатлари бўйин товланган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Шундай экан, ҳукм шу вақтдан бошлаб янгитдан ҳисобланадиган муддатлар мобайнида ижро этилиши зарур. Бироқ, жазони ижро этишдан бўйин товлаш оқибатида муддатлар ўтиши чексиз муддатга эмас, балки икки бараварга кўпаяди, лекин 25 йилдан ошмаслиги лозим ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда муддатларнинг оддий ўтишида бўлгани каби гап ҳукмнинг ижро этилиши тўғрисидаги мурожаат ҳақида эмас, балки унинг амалда ижро этилиши ҳақида бормоқда.

Қонунда маҳкум жазони ижро этишдан бўйин товласа, айблов ҳукми ЖК 69-моддаси “а”, “г” бандларида кўрсатилган муддатлардан кўпроқ вақт ўтиши билан муддатларнинг ўтиши муносабати билан тугатилиши лозимлигидан келиб чиқади. Бироқ, бунда суд томонидан белгиланган жазо умуман инобатга олинмайди, деб бўлмайди. Жазони ижро этишнинг 25 йиллик муддати барча жазо турларига бир хилда, масалан, жарима солинган ва 20 йил озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган маҳкумларга нисбатан белгиланмаган.

Бундай ҳолатларнинг амалиётда кўп учраганлиги боис, қонунда жазони ижро этишдан бўйин товланган шахсларга нисбатан дифференциалашган, яъни суд томонидан белгиланган жазо турига қараб, жавобгарликка тортиш муддатларининг белгиланиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Чунки жарима жазоси назарда тутилган ва 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланган қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси бир хил эмас.

Жазони ўташдан бўйин товлаш қоидага кўра, жиноят таркибини шакллантирмайдиган ҳаракатдир. Бироқ, айрим ҳолларда жазони ўташдан бўйин товлаш жиноят, деб топилиши (қамокдан ёки кўриклов остидаги

сақлаш жойидан қочиш) ҳам мумкин. Агар камоқдан ёки кўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш фақат жазони ижро этишдан бўйин товлаш, деб қараладиган бўлса, бу ерда жазони ижро этиш муддати қочиш вақтидан бошлаб ҳисобланиши лозим. Башарти, олдинги жинояти учун тайинланган жазони ўташдан бўйин товланган кундан 25 йил ўтган бўлса, ҳукм ижро этилмайди.

Агар камоқдан ёки кўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш муддатларнинг ўтишини узувчи янги жиноят деб ҳисобланадиган бўлса, қочиш давомли жиноятлиги⁷⁹ туфайли шахс жазони ижро этиш учун ўз айбини бўйинига олиб арз қилган ёки ушланган кундан бошланиши зарур. Бироқ, ҳукмни ижро этиш у чиқарилган кундан бошлаб 25 йил ичида амалга оширилиши мумкин.

Юридик адабиётларда ва суд амалиётида ушбу масала юзасидан ягона фикр мавжуд эмас.

Бир гуруҳ муаллифлар “озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасидан қочиш билан уни ўташдан бўйин товлаш янги жиноятларни содир этиш билан боғлиқ ҳолатларни ўз ичига олади”⁸⁰, деб ҳисобласалар, бошқа бир гуруҳ олимлар озодликдан маҳрум қилиш жойидан қочиш ЖК 69-моддасида кўрсатилган маънода жазони ижро этишдан бўйин товланининг бир тури ҳисобланади⁸¹, деб таъкидлайдилар.

Шу тарзда, агар биринчи ҳолатда озодликдан маҳрум қилиш жойидан қочиш муддатнинг ўтишини узувчи янги жиноят сифатида баҳоланадиган бўлса, иккинчи ҳолатда у жиноят, деб қаралмайди. Чунки, жазони ижро этиш

⁷⁹ Қаранг: мазкур ишнинг 2-боб 2-параграфи.

⁸⁰ Научно-практический комментарий к Основам уголовного законодательства Союза ССР и союзных республик. – М.: 1960. – С. 155; // Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР 1960 года. – М.: 1962. – С. 117; // Комментарий к Уголовному кодексу Молдавской ССР. – Кишинев: 1968. – С. 100.

⁸¹ См. Уголовное право. Часть Общая. М: 2001. – С. 112, 409.

муддатининг узилиши учун шахс томонидан янги жиноят содир этилиши талаб қилинади⁸².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 69-моддасининг таҳлили шуни кўрсатадики, озодликдан маҳрум қилиш жойидан қочиш жазони ўташдан бўйин товлашнинг бир тури бўлса-да, жазони ижро этиш муддатларини узувчи янги жиноят ҳисобланади. Шу сабабли ҳукм чиқарилгандан сўнг 25 йил муддатнинг ўтиши билан унинг ижро этилмаслиги тўғрисидаги қоида жазони ижро этишдан бўйин товлаш мақсадида қочган шасхларга нисбатан қўлланилмайди.

Бироқ ЖК 69-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, қочиш ҳаракатидан бошқа ҳаракатлар содир этилганида муддатнинг узилмаслигини таъкидлаш жоиздир. Ваҳоланки, ЖК 69-моддасида жазо тайинланган кундан 25 йил ўтгандан сўнг унинг ижро этилиши мумкин эмаслиги назарда тутилади. Жиноят қонунидаги ушбу қонданинг маъноси шундан иборатки, жазо жавобгарликка тортиш муддатлари асосида тўхтатилади, бироқ уни ўташдан бўйин товлаш жиноий ҳатти-ҳаракат бўлмаслиги лозим. Қонунда олдиндан белгиланган жазони ижро этиш муддати асосида ҳукмнинг ижроси тўхтатилиши чегараланмайди, чунки у давомли жиноят ҳисобланади ва маҳкумнинг ушланиши ёки ўз айбини бўйнига олиб ҳокимият органларига арз қилгандан сўнг тугалланади. Маҳкумнинг муддатларнинг ўтишига таъсир қилиши нуктаи назаридан қамокдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши янги жиноят содир этилиши сифатида қаралиши лозим, лекин бунда Ушбу қилмишнинг давомли жиноят эканлиги инобатга олиниши лозим.

Шахс жазони ўташдан бўйин товлаганлиги муносабати билан 25 йил мобайнида ҳукм ижро этилмаганида, унга нисбатан муддатларни қўллаш масаласи суд унинг янги жиноят содир этмаганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлганида ижобий ҳал қилиниши мумкин. Жазони ижро этишдан бўйин

⁸² Старков О.В., Милуков С.Ф. Наказание: уголовно-правовой и криминалистический анализ. – СПб. 2001. – С. 68.

товлаган шахсларни қидириш нафақат белгиланган жазони ижросини таъминлаш мақсадида уларни топиш ва ушлашдан, балки жазони ижро этишдан бўйин товланган вақтда унинг янги жиноят содир этилган ёки этилмаганлигини аниқлашдан ҳам иборатдир⁸³.

Амалиётда кўпинча ИИБ органлари 25 йил олдин чиқарилган ҳукмни ижро этмаслик масаласини қўядилар ва бунинг асоси сифатида қидирув ишлари ўз самарасини бермаганлигини кўрсатадилар. Жазони ўташдан бўйин товланган шахс янги жиноят содир этган ёки этмаганлиги масаласи очик қолади. ИИБ органлари қидирувида бўлган шахснинг янги жиноят содир этганлиги ёки содир этмаганлиги тўғрисидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, унинг жиноят содир этмаганлигидан далолат бермайди. Ваҳоланки, жиноят бошқа исм шариф билан содир этилган ёки очилмаган бўлиши ҳам мумкин.

Жазони ижро этишдан бўйин товланган шахснинг қидириб топилмаганлиги жазони ижро этиш муддати асосида ҳукмни амалга ошириш тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинишига тўсқинлик қилувчи ҳолат ҳисобланади. Суд жазони ижро этишдан бўйин товланган вақт мобайнида шахсга оид маълумотга эга бўлмасдан қарор чиқарса, бу қонун талабларига зид ва қидирув ишлари фаоллигининг сусайишига олиб келган бўлар эди.

Жазони ўташдан бўйин товланган шахснинг янги жиноят содир этганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмай туриб муддатларнинг қўлланиши қандай оқибатларга олиб келишини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин. Р. 1987 йил 8 апрелда жиноятлар жами бўйича жавобгарликка тортилиб, ЖК 59-моддасига асосан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. Ҳукм чиққанидан сўнг Р. жазони ўташдан бўйин товлаб, К. фамилияси остида яшириниб юрган.

⁸³ Мальцев В.В. Принципы уголовного права и их реализация в правоприменительной деятельности. – СПб., 2004. – С.62.

2001 йил 18 апрелда у милиция органларига келган ва ушланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муассасасига жойлаштирилган.

Суд, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб 10 йил муддат ўтганлигини кўрсатиб, ЖК 69-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Р.ни жазони ўташдан озод қилган. Мазкур қарор чиқарилганидан кейин бир йил ўтгач, Р. жазони ўташдан буйин товлаган даврда бошқа фамилия остида содир этган жиноятлари учун жазога ҳукм қилинганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, суд маҳкумнинг жиноят содир этмаганлиги тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлагандагина, жазони ижро этиш муддатлари асосида ҳукмни ижро этмаслик тўғрисидаги масалани ижобий ҳал қилиши мумкин. Бундай маълумотларнинг мавжуд эмаслиги суднинг хатоликларга йўл қўйишига олиб келиши ва муддат тугамасдан янги жиноят содир этган шахсни жазони ўташдан озод қилиши мумкин. Ваколатли органларнинг маҳкумни қидириши бўйича ҳаракатлари эса, жазони ижро этиш муддатларига ҳеч қандай таъсир қилмайди⁸⁴.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 69-моддаси учинчи қисмида кўрсатиб ўтилганидек, муддатларнинг ўтиши ҳар қандай жиноятлар эмас, балки қасддан содир этилган жиноятлар содир этилганда узилади. Ўз навбатида, муддатнинг ўтиши янги жиноят учун ҳукм чиқарилган вақтдан узилади.

Жиноят учун суд томонидан шикоят қилишга тегишли бўлмаган жазо тайинланган ҳолатдагина муддатларнинг ўтиши узилади деган қоида мутлақо тўғри эмас. Албатта, ҳеч ким суднинг ҳукмисиз жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (ЖК 4-м.). Бироқ, муддатларнинг ўтишини узувчи янги жиноят унинг содир этилиши нуқтаи назаридан аҳамиятга эгадир.

⁸⁴ Гричаниченко А. Проблемы особого порядка судебного разбирательства в судебной практике и пути их решения. // Ж. Уголовное право. 2006. – № 4. – С. 42.

ЖКда жавобгарлик белгиланган янги жиноятнинг содир этилганлиги ҳақида фақат суднинг ҳукми гувоҳлик бериши керак.

Янги жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги фактнинг ўзи суднинг ҳукми чиққан ёки чиқмаганлигидан қатъи назар, шахс ижтимоий ҳавфлилигининг йўқолмаганлигидан гувоҳлик беради. Шундай экан янги содир этилган жиноят бўйича муддатнинг узилишига олиб келадиган ҳолатни мажбурий, деб ҳисобламаслик лозим.

3.3. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш.

ЖКнинг 69-моддаси маълум муддатларнинг тугаганлигини жазодан озод қилиш учун асос сифатида кўрсатади. Улар тайинланган жазонинг чорасига қараб фарқланади. Ушбу асос жазони ижро этиш муддати деб номланади ва фақат судланган шахсга нисбатан қўлланади. Жазони ижро этиш муддати бу – қонунда белгиланган муддат бўлиб, у ўтиб кетганидан сўнг, қонунда кўрсатилган шартлар мавжуд бўлганда, суд томонидан тайинланган жазо ижро этилиши мумкин бўлмайди.

Жазони ижро этишнинг ўзи айбдорни ахлоқан тузатиш ва янги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг жазони амалга ошириш бўйича ваколатли фаолиятидан иборат.

Жазони ижро этиш муддатининг гинститути асосан судланган шхснинг ижтимоий ҳавфининг йўқолши ёки анча камайишига туфайли айблов ҳукмини ижро этишнинг мақсадга мувофиқ бўлмай қолишига асосланган. Жазони қўллаш бу ҳолда ўз-ўзи учун мақсадга айланган бўлиб, тегишли давлат мажбурлов чораларнинг керакли тарбиявий ва огоҳлантирувчи таъсирини таъминлай олмаган бўлар эди.

Ушбу муддатнинг моҳияти, аввал қайд этилганидек, маълум вақтдан бошлаб муайян муддат тугашидан иборат. Агар жавобгарликдан озод қилиш

институтини қўллаш учун бундай пайт жиноятни содир этиш пайти бўлса, жазодан озод қилиш учун ушбу муддатни ҳисоблаш бошланадиган айблов ҳукмининг қонуний кучга кириш вақтини ниқлаш лозим бўлади. Масалан, суд ҳукми апелляция шикояти ва протестини келтириш муддати тугаган пайтидан бошлаб қонуний кучга киради. Апелляция шикояти ёки протести келтирилган ҳолда суд ҳукми, агар у бекор қилинмаган бўлса, юқори турувчи суд томонидан иш кўрилган кунидан бошлаб қонуний кучга киради (ЖПК 528-моддаси).

“Агар суд ишни сдда кўриш давомида ЖК 69-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан судланувчини жазодан озод қилиш лозимлиги ҳақидаги хулосага келса, у судланувчига нисбатан айблов ҳукмини чиқара туриб, унинг таърифловчи қисмида қабул қилинган қарорни асослантириши, қарор қисмида эса судланувчини айбдор деб тан олиши ва унга ЖКнинг тегишли моддаси (моддалари) бўйича жазони тайинлаши, кейин эса қонунга ҳавола қилиб кўрсатган ҳолда судланувчини жазодан озод қилиш ҳақида билдириши лозим”⁸⁵.

Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш учун муддатлар турличадир. ЖКнинг 69-моддасининг 1-қисми қоидаларига мувофиқ:

“Агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб:

а) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда — уч йил;

б) беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — беш йил;

в) ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — ўн йил;

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1997 й. 2 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги № 2 сонли Қввори //Тўплам, Т.1. – Б. 343.

г) ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда — ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади”.

Ушбу кўрсатилган муддатлар, кўриниб турганидек, жиноятнинг тоифасига эмас, (унинг ижтимоий хавфининг даражаси) суд томонидан тайинланган жазонинг чорасига боғлиқ бўлади. Масалан, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми бўйича қасддан одам ўлдириш учун жазони ижро этиш муддатлари ўн йилдан ўн беш йилгача бўлиши мумкин. Лекин маълум ҳолатларда суд модданинг санкциясида кўрсатилган энг кам чегарадан ҳам камоқ жазони тайинлаши мумкин, бу мос ҳолда жазони ижро этиш муддатини ҳам камайтиради. Бундан ташқари, суд қонунда кўзда тутилганидан бошқа, озодликдан маҳрум этишга қараганда енгилроқ жазо турини тайинлаши мумкин. Жазони бу тарзда алмаштириш ЖКнинг 74 моддасидаги жазони енгилроғи билан алмаштиришга тааллуқли бўлмайди, у жазодан озод қилиш институтининг турларидан бирига киради.

Бир нечта жиноятлар бўйича жамулжамликда тайинланган жазони ижро этиш муддатларини аниқлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай вазиятларда суд, маълумки, содир этилган жиноятларнинг бутун мажмуини инобатга олади ва ягона жазони тайинлайди. Ва ЖКнинг 69-моддасининг маъносига кўра, ЖКнинг 54-моддаси, 59-моддаси ва 61-моддаси қоидалари бўйича тайинланадиган жазонинг бутун муддати ҳисобга олиниши лозим, яъни бир нечта жиноятлар бўйича жазолар қўшилганда якуний жазо унинг тугаганидан кейин жиноятларнинг мажмуи учун тайинланган ҳеч бир жазо қўлланиши мумкин бўлмаган жазони ижро этиш муддатини белгилайди.

Жазони ижро этиш муддатларини аниқлашнинг моҳиятидан келиб чиқишича, ЖКнинг 69-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, жазонинг ижро этилмаганлиги масаласи суд томонидан белгиланган жазо муддати тугашидан аввал юзага келиши мумкин эмаслиги келиб чиқади. Акс ҳолда суд ҳукми ижро этилмаган шахс аслида жазо ни ўтаган шахсдан аввалроқ

жазодан озод қилинган бўлиб қолар эди. Қаралаётган модданинг қоидалари тўлиқ ҳажмида ҳам суд томонидан тайинланган асосий жазога, ҳам қўшимча жазога тааллуқлидир. Масалан, агар судланган шахс унга суд томонидан белгиланган озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазодан ижро этиш муддати тугаганлиги муносабати билан озод этилса, қўшимча жазони ижро этиш ҳам мумкин бўлмайди.

Агар асосий жазо бўйича ижро этиш муддати тугамаган бўлса, у ҳолда қўшимча жазони ижро этиш муддати асосий жазони ўташ пайтидан бошлаб ҳисобланади.

Ижро этиш муддати узлуксиз равишда, суд ҳукмининг қонуний кучига кирганидан бошлаб то ЖКнинг 69-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган муддатлар тугагунча ҳисобланади. Бунда ижро этиш муддатига айблов суд ҳукми судланган шахсниги ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган (судланган шахсининг оғир касаллиги, суд ходимлари ёки жазони ижро этиш ваколати юклатилган органлар ходимларининг ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндашмаганлиги) ва жазони ўташдан бўйин товлаш ёки янги жиноятни содир этишда ифодаланмаган бир қатор сабаблар туфайли бажарилмаган вақт киритилади.

ЖКнинг 69-моддаси 2-қисмига мувофиқ;

“Агар маҳкум ушбу моддада назарда тутилган жазони ўташдан бўйин товласа, жазони ижро этиш муддати икки барабар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади, лекин йигирма беш йилдан ошмаслиги керак.”

Маҳкум шахсининг жазодан бўйин товлаши деб суд томонидан тайинланган жазони ижро этишдан қочишга қаратилган ҳар қандай қасддан ҳаракатларини тушуниш лозим. Жазони ўташдан бўйин товлаш одатда жиноят таркибини ҳосил қилмаган ҳаракатларда ифодаланади. Аммо у жазони ўташ жойидан қочишда ҳам ифодаланиши мумкин. Лекин бундай ҳолда ижро этиш муддатлари икки барабар оширилмайди, балки тўхтатилади

ва ЖКнинг 69-моддаси 3-қисмининг қоидаларига мувофиқ қочиш содир этилганидан бошлаб қайтадан ҳисобланади.

Жазони ижро этишдан бўйин товлаш ҳаракатлари деб судланган шахснинг жазони ижро этиш мумкин бўлмай қолган онгли ҳаракатларини тушуниш лозим. Уларга, чунончи, яшаш, ишлаш жойини ўзгартириш, бошқа минтақага кўчиб кетиш, ҳужжатларини ўзгартириш ва бошқалар киради. Ҳар бийр муайян ҳолатда судланган шахснинг ҳаракатларини алоҳида малакалаш лозим ҳамда судланган шахснинг у ёки бу ҳаракатлари жазони ижро этишдан бўйин товлашга қаратилганлиги масаласини ҳал этиш зарур бўлади.

ЖКнинг 69-моддаси 2-қисми ЖКнинг 69-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ижро этиш муддатларининг икки баравар оширилишини кўзда тутди. Бунда шу тарзда узайтирилган ижро этиш муддатларини ҳисоблаш сул ҳукмининг қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб эмас, шахснинг жазони ижро этишдан бўйин товлаш пайтидан бошлаб ҳисобланади.

ЖКнинг 69-моддасининг 3-қисмига мувофиқ:

“Агар шахс ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатларнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муддатларнинг ўтишини ҳисоблаш янги жиноят содир этилган пайтдан қайтадан бошланади.”

Жазони ижро этиш муддатлари бекор қилиниб, қайтадан ҳисобланиши учун судланган шахс томонидан янги жиноятни қасддан содир этилиши ва аввалги жиноят учун ижро этиш муддатининг сақланиши (тугамаганлиги) каби шартлар белгиланиши лозим. Бу ҳолда қонун чиқарувчи жиной жавобгарликка тортилиш муддатларидан фарқли равишда, айнан қандай (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида; оғир, ўта оғир ёки бошқа турдаги) жиноятдан кейин ижро этиш муддатлари бекор қилинишини кўрсатмайди. Қаралаётган модданинг маъносига кўра, суд ҳукмларининг мажмуи бўйича жазони тайинлаш учун жазони ижро этиш муддатининг тўхтатилиши фақат

биринчиси учун жазо тайинланган иккита қасддан жиноятни содир этишдан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда ижро этиш муддатларини ҳисоблаш амалиёти алоҳида диққатга сазовордир. Ижро этиш муддатларини тўхтатиш бениҳоя давом эта олмайди. Янги қасддан жиноятни содир этиш туфайли жазони ижро этиш муддати тўхтатилганда айбдор шахс жавобгарликка тортилади ва ушбу муддатни ҳисоблаш янги жиноят учун суд ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб эмас, балки янги қасддан жиноятни содир этиш пайтидан бошлаб амалга ошади. Бошқача айтганда, айбдор шахсни суд қилиш ва унга бир нечта суд ҳукми бўйича жазони тайинлашда жазони ижро этиш муддатини ҳисоблаш қайтадан бошланаўди ва ЖКнинг 69-моддаси 1-қисмининг қоидаларига мувофиқ белгиланади. Бу ҳолда ижро этиш муддатини ҳисоблаш янги қасддан жиноятни содир этиш пайтидан бошлаб амалга ошади.

ЖКнинг 69-моддасининг 3-қисми шундай белгилайди: “Агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, жазони ижро этиш мумкин эмас”. Ҳар бир маҳкум жазони ижро этишдан озод қилиш асосини қўллашга ҳақли бўлади, шу жумладан жазони ижро этишдан бўйин товлаш ёки янги жиноятни қасддан содир этиш муносабати билан жазони ижро этиш муддатлари узайтирилган ва тўхтатилган ҳолатларда. Бу ҳолда йигирма беш йилнинг ўтиб кетганлиги жазонинг мақсадга мувофиқ бўлмагани учун жазони қўллашни бекор қилади.

Жазони ижро этиш муддати тугаганлиги муносабати билан жазони ижро этишдан озод қилиш юзасидан умумий қоидалар умрбод озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо тайинланган ҳолатларда қўлланмайди. Хусусан, ЖКнинг 69-моддасининг 5-қисмига мувофиқ:

“Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади.

Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади”.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллашга алоҳида ёндашув ушбу чоранинг мутлақ фавқулодда эканлиги билан изоҳланади. Ушбу масалани ҳал этиш содир этилган жиноятнинг хусусиятларига ҳамда юзага келган оқибатларнинг оғирлигига боғлиқ бўлиши лозим эмас, ва фақат шахснинг суд ҳукми қонуний кучига кирганлиги кунидан бошлаб анча вақт ўтиб кетганлиги сабабли ижтимоий хавфли бўлмай қолганлиги билангина белгиланади. Суд ҳукмининг қонуний кучига кирган пайтидан бошлаб ўтган вақт қанчалик давомли бўлса, маҳкум шахс ўз тузалганлигини янги жиноятларни содир этмаслик ва ижтимоий фойдали фаолият билан исботлаган бўлса, уни ижтимоий хавфли бўлмаган деб тан олиш учун асослар шунчалик кўп бўлади.

Жиноий қонунчилик суднинг умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ижро этишдан озод қилиш учун ижро этиш муддатларини қўллаш мумкин бўлмаганда уни озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириш ҳуқуқини тан олади. Бунда умрбод озодликдан маҳрум этиш ЖКнинг Махсус қисмининг тегишли моддасига кўзда тутилган озодликдан маҳрум этиш муддатига алмаштирилади. Ижро этиш муддати қўўлланмаган ҳолда умрбод озодликдан маҳрум қилишни озодликдан маҳрум этиш билан алмаштириб, суд шу билан суд ҳукми бўйича тайинланган жазонинг тўғрилигини назорат қилмайди. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилиши мазкур суд ҳукмини чиқарган суд шу ҳукмида хатога йўл қўйганлиги учун эмас, балки ҳукмнинг қонуний кучга кирганлиги пайтидан анча вақт ўтганлиги туфайли Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмай қолганлиги учун амалга оширилади. Агар фавқулодда жазо чораси суд томонидан унга етарли асослар бўлмаган ҳолда тайинланган бўлса, ушбу жазони бошқасига фақат назорат тартибида алмаштириш мумкин бўлади, чунки бу ҳолда суд

ҳукмини моҳиятига кўра қайта кўриб чиқиш ҳақида гап кетади. Суд назорат инстанциясининг ваколатларини ўзига олишга ҳақли бўлмайди. У умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тегишли жиноий-ҳуқуқий меъёرنинг санкциясида йўлга қўйиладиган муддатга алмаштириши лозим.

ЖКнинг 69-моддасининг 6-қисми жазони ижро этиш муддатлари қўлланилмайдиган ягона асосни белгилайди. Бу ҳолатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлардир.

М.Х.Рустамбоев “Жазо жиноят ҳуқуқи фанининг етакчи институтларидан бири бўлиб, жиноий жавобгарликни таъминлаш шаклидир. Жазо – бир тарафдан - шахснинг содир этган жиноятининг юридик оқибати бўлса, иккинчи тарафдан - жиноят субъекти томонидан бузилган, ЖК билан кўриқланадиган ҳуқуқий муносабатларнинг қайта тиклаш усули бўлиб ҳисобланади.”⁸⁶, деган фикрни билдирган. Р.Р.Шакуровнинг: «жиноятнинг субъекти бўлган шахс унга нисбатан қонун талабидан келиб чиқиб эълон қилинган жазонинг тўғрилиги ва адолатли эканлигини, унинг хулқ-атвори қонун талабига жавоб бериши кераклигини англашга.»⁸⁷ етарли бўлиши зарур, деган фикрини ҳам кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Жазодан озод қилиш деганда, айнан суд ҳукми билан тайинланадиган жазодан озод қилиш назарда тутилади⁸⁸.

Айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг муайян вақт ўтганидан сўнг тайинланган жазони ижро этиш хусусий ҳамда умумий превенция нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмайди. Агар айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг қонунда кўрсатилган муддат ўтган ва шу муддат мобайнида судланувчи жазони ўташдан бўйин товламаган ва янги жиноят содир этмаган бўлса, бундай шахс ижтимоий хавфли ҳисобланмайди. Шу

⁸⁶ Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. Т. 2. Общая часть. Учение о наказании. Т., ТГЮИ. 2009. – С. 8.

⁸⁷ Шакуров Р.Р. Жиноий-ҳуқуқий рағбатлантиришнинг функциялари // Ҳуқуқ-Право- Law. 1998. – № 3. 30-б.

⁸⁸ Муқимова М.З. Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва жиноят қонунини либераллаштириш масалалари. – Самарқанд: СДУ. 2009. – Б. 95.

сабабли унга нисбатан айблов ҳукмини ижро этиш жавобгарликка тортиш муддати институти ва жазонинг мақсадсадларига зид бўлар эди.

Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш судланган шахснинг ижтимоий хавфлилиги йўқолганлигига асосланади. Жазони ижро этиш муддатнинг ўтганлиги туфайли озод этишни атрофдагиларнинг содир этилган жиноят эсидан чиққанлиги, ўтган вақтнинг жиноятчи шахсига таъсири билан асослаш, бизнингча тўғри бўлмайди.

Суднинг айблов ҳукмини атрофдагиларнинг содир этилган жиноят тўғрисидаги хотиралари ёддан чиққан ёки чиқмаганлиги билан боғлаш мумкин эмас. Суд ҳукми давлат номидан алоҳида фуқаролар учун эмас, балки бутун жамият манфаатларини кўзлаб чиқарилади. Шу сабабли, суд томонидан белгиланган жазонинг ижро этилиши атрофдагиларнинг содир этилган жиноят тўғрисидаги хотиралари билан боғлаш ва жиноят тўғрисидаги хотира жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддатларини тўғри танлашнинг мезони бўла олмайди.

Жиноятчи шахсига “вақтнинг таъсири” ҳам ноаниқ категория бўлиб, вақт бир воқеа, ҳодиса, фактнинг бошқасидан ажратиб турувчи ўлчов бирлиги ҳисобланади. У жиноятчига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Фақатгина маълум бир вақт мобайнида шахс ҳатти-ҳаракатларининг ўзгариши ҳақида гапириш мумкин, бироқ бу ўзгаришлар вақт билан эмас, балки бошқа шарт-шароитлар ва асосан, шахснинг ҳақиқатга бўлган субъектив муносабати билан боғлиқдир.

Жазони ижро этиш муддати институтининг зарурлигини жамият аъзолари ва судланган шахснинг тайинланган жазога муносабати билан асослаш ҳам мантиқан тўғри бўлмайди.

Шу тарзда, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб маълум вақтнинг ўтиши билан судланган шахс ижтимоий хавфлилигининг йўқолиши уни жазодан озод қилиш учу насос бўлади.

Жазони ижро этмаслик тўғрисидаги масала суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ўтишидан кейин вужудга келиши мумкин, аксинча шахсга нисбатан жазо ижро этилмаслиги, амалда уни жазони ўтаётган шахсдан олдин жазодан озод қилинган бўлар эди. Шу билан бирга, суд томонидан тайинланган жазо муддатидан ошиб кетувчи жазони ижро этиш муддатининг белгиланиши ҳам тўғри бўлмайди. Мазкур ҳолатларнинг ЎзССРнинг 1959 йилги ЖКда тўлиқ тартибга солинганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

ЖК 69-моддасида жазони ижро этиш муддатларининг қонуний белгиланганлиги инсонпарварлик нуқтаи назардан аҳамиятга эгадир. Жазони ижро этиш муддатини қўллаш назарда тутилган жиноят қонунининг ушбу нормаси жазони ижро этишни нафақат маълум дифференциаллашган муддатларга, балки судланган шахс ижтимоий хавфлилигининг йўқолганлигидан далолат берувчи бошқа шарт-шароитларга ҳам боғлиқ қилиб қўяди.

ЖК 69-моддасида жазони ижро этиш муддати ўтишининг бошланғич нуқтаси сифатида ҳукм чиқарилган кун эмас, балки унинг қонуний кучга кирган кун тан олинади. Ушбу ўзгариш шубҳасиз, тўғри бўлди, чунки, ҳукм қонуний кучга киргандан кейингина жазо ижро этилади.

Айблов ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг узлуксиз тарзда жиноят қонуннинг 69-моддасида кўрсатилган муддатлар ўтиб боради. Айблов ҳукмида кўрсатилган жазо судланувчининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ва жазони ижро этишдан бўйин товлаш ёки янги жиноят содир этишда ифодаланмаган сабабларга кўра ижро этилмаган вақт жазони ижро этиш муддатига киритилади.

Қоидага кўра, жазони реал ижро этиш вақт бўйича айблов ҳукмининг кучга кириши билан тўғри келади, бироқ, баъзи ҳолатларда бу бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди. Масалан, ЖПК 533-моддасига биноан, судья озодликдан маҳрум этилган ёки жарима солинган шахсга нисбатан ҳукм

ижросини, ушбу нормада кўрсатилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганида кечиктириши ҳам мумкин.

Бундай ҳолатларда жазони ижро этиш ҳукм қонуний кучга кирган кундан кечиктирилиб ижро этилади. Жазони ижро этиш муддати эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, суд томонидан ҳукм ижроси кечиктирилган бўлишидан қатъи назар, у қонуний кучга кирган кундан бошланади. Баъзи ҳолларда ҳукмни ижро этиш узоқ вақтга ҳам чўзилиб кетиши мумкин (масалан, судланувчининг оғри касаллиги туфайли). Ўз навбатида, кечиктирилган муддат мобайнида жазони ижро этишнинг ЖКнинг 69-моддасида кўрсатилган муддати ўтиб кетган бўлса, айблов ҳукми кейинчалик ижро этилмайди.

ЖК 72-моддаси олтинчи қисмида агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, ёхуд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин, дейилган. Юқоридаги ҳол рўй берган суд томонидан шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб муддатларнинг ўтиши ҳисобланиши керак.

Маҳкум амалда жазонинг бир қисмини ўтаган, лекин унинг қонуний озод этилиши билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра жазони тўлиқ ўтамаган бўлса, муддатлар ўтишини ҳисоблаш маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради (масалан, ҳарбий ҳаракатлар даврида жазони ўташ жойи бузилган, табиий офат туфайли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижро этилмаган, ахлоқни тузатиш ишлари маъмуриятнинг айбига кўра тўлиқ ижро этилган ҳолатлар). Маҳкумга боғлиқ бўлмаган жазонинг ижро этилмаган қисми жазони ижро этиш муддатига киритиладими? деган савол туғилади.

Юридик адабиётларда ушбу масала ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи олимларнинг фикрича, жазони ўташнинг фактик вақти жазони ижро этиш муддатига киритилмайди. Чунки, агар жазони ўташнинг фактик вақти жазони ижро этиш муддатига киритилса, одил судловнинг репрессив кучини пасайтиради”⁸⁹. Н.Д.Дурмановнинг фикрига кўра, маҳкум жавобгарликка тортиш муддатлари доирасида жазони ўташни бошлаган бўлса, ҳукм ушбу муддат ўтганлигидан қатъи назар ижро этилиши лозим⁹⁰.

ЖК 69-моддасида ушбу масаланинг аниқ ечими берилмаган. Мазкур модданинг биринчи қисмида агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ушбу моддада кўрсатилган муддатларда ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади, деб белгиланган. Аммо ушбу қонидани икки хил маънода тушуниш мумкин: биринчидан, ҳукм умуман ижро қилинмайди, яъни унда кўрсатилган жазо чоралари умуман ижро этилмайди; иккинчидан, ҳукмда кўрсатилган жазонинг бир қисми ижро этилмаган бўлса (ижро этилган бўлса) ҳам жазо ижро этилмайди, чунки ушбу ҳукм ҳам ижро этилмаган ҳисобланади.

И.Д.Перлов тўғри кўрсатиб ўтганидек, ҳукмни ижро этиш – бу маҳкумни ҳукмда белгиланган жазога ҳукм қилиш ва суднинг ҳукмида кўрсатилган муддатдан олдин маҳкумнинг озод этилмаслигини таъминлаб бериш демакдир⁹¹. М.Х.Рустамбоевнинг таъкидлашича, “Айблов ҳукми билан тайинланган жазони ижро этмаслик масаласи суд томонидан тайинланган жазо муддати ўтиб бўлмасдан пайдо бўлиши мумкин. Акс ҳолада, жазони ўтаб чиққан шахс ҳукм ижро этилмаган шахсга нисбатан аввалроқ жазодан озод этилган бўлади. Жазони ижро этиш муддати ўтиши асосий ва қўшимча жиноий жазо чоралари сифатида қўллаш ҳуқуқий асосларидан маҳрум қилади”⁹². ЖПК 531-моддасида ҳам ҳукмни ижро қилиш

⁸⁹ Саблер В. О значении давности в уголовном праве. – С. 368.

⁹⁰ Дурманов Н. Д. Освобождение от наказания по советскому праву. – С. 38.

⁹¹ Перлов И. Д. Исполнение приговора в уголовном процессе, М., 1963. – С. 7.

⁹² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Ilm Ziyo. 2006. – Б. 484.

ҳақида мурожаат қилиш ва уни ижро қилиш тушунчалари бир хил эмаслиги таъкидланади. Ҳукми ижро қилиш тўғрисида мурожаат қилиш – бу бир маротабалик ҳаракат бўлиб, у суд томонидан амалга оширилади ва ҳукм нусхалари ҳамда апелляция, кассация ёки назорат инстанцияларининг қарорларининг нусхаларини ҳукмнинг ижросини таъминлайдиган органга юбориш ҳисобланади.

Ҳукми амалда ижро этиш эса жазони ижро этувчи органларнинг уни амалга ошириш бўйича фаолияти бўлиб, ушбу фаолият жиноий жазони жазони ижро этиш муассасалари, молиявий органлар, суд ижрочилари ва бошқалар томонидан бажарилади.

ЖК 69-моддаси биринчи қисмида ҳукми ижро этиш тўғрисида мурожаат қилиш эмас, балки уни амалда ижро этишни назарда тутилади.

Ўз навбатида, жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтишига ҳукми ижро этиш бўйича мурожаат қилишга қаратилган ҳаракатларга эмас, балки унинг амалдаги ижросига таъсир қилади.

ЖК 69-моддасида фақат ҳали ижро этилиши бошланмаган ҳукмларни назарда тутилган, деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Мазкур модданинг мазмунидан келиб чиқиб, жавобгарликка тортиш муддатлари фақатгина жазо ижро этилмаётган вақт мобайнида ўтади, деб хулоса қилиш мумкин. Жазони ўташ бошлангандан кейин муддатнинг ўтиши тўтатилади, бироқ маҳкумнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли, жазо ижро этилмаса, муддатнинг ўтиши қайтадан янгиланади.

Масалан, К.га нисбатан олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган суднинг ҳукми 1995 йил 3 апрель куни қонуний кучга кирган. Жазонинг ярмини ўтаб бўлгач, К. суднинг ҳукми хато бўлганлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойидан озод қилинган.

Кейинчалик, мазкур қарор юқори турувчи суд томонидан бекор қилинган, бироқ ҳукм охиргача ижро этилмаган. Шу муносабат билан: 1) жазонинг ижро этилмаган қисмига нисбатан муддатлар қўлланадими? 2)

муддатнинг ўтиши қайси пайдан бошлаб ҳисобланиши керак? деган савол туғилади.

Қисман ижро этилган ҳукм – бу охир оқибат ижро этилмаган жазо ҳисобланади. Жазони ижро этиш муддати билан қисман ижро этилган жазо бекор қилинса, бу ҳолат мантиқсиз бўлар эди. Жавобгарликка тортиш муддатларининг принципларидан келиб чиққан ҳолда, шунинг учун олиш керакки, маҳкумга нисбатан жазонинг қисман ижро этилиши, унинг ижро этилмаган қисмини барибир амалга ошириш лозим дегани эмас.

Агар умумий қоидага кўра, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошланса, яъни маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли ижро этилмаса, жавобгарликка тортиш муддатлари ҳам ҳукмда белгиланган жазо тўлиқ ижро этилганидан сўнг ҳисобланиши лозим.

Демак, жазога тортиш муддатлари тўлиқ ижро этилмаган ҳукмга ва ҳукмнинг ижро этилмаган қисмига нисбатан ҳам қўлланилади.

ЖК 69-моддасида назарда тутилган жазони ижро этиш муддатлари асосий ва қўшимча жазоларга боғлиқ бўлади. Айрим муаллифлар қонунда кўрсатилган муддатларнинг ўтиши билан айблов ҳукмининг асосий ва қўшимча жазога оид қисми тўлиқ ижро этилмайди, деб ҳисоблайдилар. Бизнинг назаримизда бу фикр асослидир. Агар маҳкум унга суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан жазони ижро этиш муддати тугамасдан озод қилинса, ҳукмнинг қўшимча жазо чорасига оид қисмини ижро этиш жавобгарликка тортиш муддати институтининг асосларига зид ва мақсадга номувофиқ бўлади. Ҳукмда кўрсатилган асосий қўшимча жазо чораси (масалан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш) жавобгарликка тортиш муддатлари доирасида ижро этилмаган бўлса, қонунда белгиланган муддатлар ўтиши билан ҳукм ижро этилмайди.

Айблов ҳукмининг лавозимдан озод қилиш ва ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш каби қўшимча жазоларга оид қисми қонуний кучга кирган кунда ижро этилган ҳисобланади. Ушбу кундан эътиборан маҳкум

лавозимидан озод қилинган ёхуд ҳарбий ёки махсус унвонидан маҳрум қилинган ҳисобланади. Суд ҳукмини расмийлаштирадиган буйруқ ёки бошқа ҳужжатнинг чиқарилиши техник аҳамиятга эга ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, юқорида айтиб ўтилган қўшимча жазо чораларининг охиригиси (ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш) муддатсиз ҳисобланади. Шу сабабли, бу ҳолатларда муддатларнинг қўлланилиши ёки қўлланилмаслиги тўғрисидаги масалани кўтариш ҳеч қандай маъно касб этмайди.

Шу тарзда, айблов ҳукмини ижро этиш муддати асосий ва қўшимча жазо турларига тенг тарзда қўлланилади ва буларнинг ҳар иккаласи ҳам жазони ижро этиш муддатига асосан бир вақтнинг ўзида бекор қилиниши мумкин.

Суд ҳукмини чиқаришда ЖК 52-моддаси қисмига мувофиқ, маҳкумни орден ёки медал билан тақдирлаган ёки унвон берган органга уларни бекор қилиш тўғрисидаги тақдимнома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай тақдимноманинг чиқарилиши суднинг ҳукмига асосланади. Муддатнинг бекор қилувчи кучи ҳукмнинг маҳкумни мукофот ёки тегишли унвондан маҳрум қилишга оид қисмига нисбатан амал қилиши мумкин. Ушбу масала ҳукм қонуний кучга кирган кунидан бошлаб ўтган муддатга қараб компетентли орган томонидан ҳал қилиниши лозим.

Шахсни содир этган жинояти учун жазога ҳукм қилиш уни судланган, деб топилиши учун асос бўлади. Судланганлик айблов ҳукми қонуний кучга кирган кунидан бошланади ва маҳкум жазони ўтаб бўлганидан кейин қонунда кўрсатилган муддат мобайнида судланган ҳисобланади.

Шахснинг судланганликнинг маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Судланганлик суд томонидан шахснинг содир этган жинояти учун суд томонидан муайян жазо турини тайинлаш билан вужудга келган шундай ҳуқуқий ҳолатки, бунда унга нисбатан қонунда кўрсатилган ҳолатларда

маълум жиноят- ҳуқуқий ёки умумҳуқуқий ҳаракатдаги оқибатлари юзага келади⁹³.

Судланганлик натижасида вужудга келадиган умумҳуқуқий хусусиятдаги оқибатлар маҳкумнинг муайян ҳуқуқларини чеклашда намоён бўлади (яшаш жойини танлаш, муайян лавозимларни эгаллаш ва ҳ.к).

Судланганликнинг жиноят- ҳуқуқий оқибатлари шахс томонидан жиноят содир этилганида юзага келади (аввалги судланганлик жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ёки шахсни ўта хавфли рецедивист деб тан оладиган ҳолат сифатида намоён бўлиши мумкин).

ЖК 69-моддасини қўллашда жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жазони ўташдан озод қилинган шахс судланган ҳисобланадими? деган савол туғилади.

Жиноят қонунида ушбу саволга ягона жавоб мавжуд эмас. ЖК 78-моддасида жазони ижро этиш муддати ўтганлиги асосида судланганликнинг бекор қилиниши назарда тутилмайди. Бироқ, ЖК 72-моддаси 2-қисмига кўра, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланган ҳисобланмайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз жиноят қонунида жазони ижро этиш муддати қўлланилган шахсларга нисбатан судланганликнинг бекор қилиниши тўғрисидаги масаланинг ҳал этилиши мақсадга мувофиқ ва жавобгарликка тортиш институти қоидаларига мос келган бўлар эди. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилинган шахсларнинг судланганлиги бекор қилиниши тўғрисидаги масала бўйича қонунда ва олимлар орасида ягона фикр мавжуд эмас.

Фикримизча, ушбу масалани ҳал этишда унинг ЖКда алоҳида моддаларида қандай тартибга солинганлигидан келиб чиқиш лозим. ЖКда айблов ҳукмида белгиланган жазони ижро этиш муддатларининг ўтиши

⁹³ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Янги аср авлоди. 2005. – Б. 559.

билан судланганликни олиб ташлашни назарда тутувчи норма мажуд бўлгани туфайли маҳкум судланмаган ҳисобланади. Бундай норма бўлмаса, судланганлик умумий асосларга кўра, олиб ташланади.

ЖКга кўра, жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетган бўлса, судланганлик олиб ташланади. Агар маҳкум жазони ижро этиш муддати тугагунга қадар, жазони ўташдан бўйин товласа, муддат икки мартага узаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг судланганлиги масаласини ҳал қилиш ЖК 69-моддаси бешинчи қисмига кўра, бундай шахсларга нисбатан муддатларни қўллаш ёки қўлламаслик суд томонидан ҳал қилинади. Суд томонидан тайинланган жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан шахс жазодан озод қилинган бўлса, унинг судланганлиги ҳам олиниб ташланади. Агар суд муддатни қўлламасликни лозим деб топса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади ва судланганлик тўғрисидаги масала озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатида келиб чиққан ҳолда, умумий асосларга кўра ҳал қилинади.

Демак судланганликнинг олиб ташланиши жазони ижро этиш муддати ўтиб кетган кундан эътиборан ҳисобланиши керак бўлади. Судланганликнинг олиб ташланиши ёки тугалланиши ЖК 80-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ҳал қилинади. Унга кўра, судланганликни тугалланиши ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Бу ерда бундай вақт жавобгарликка тортиш муддатининг биринчи куни ҳисобланади.

ЖК 78-моддасига мувофиқ, судланганлик ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, автоматик тарзда тугатилади. Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан

кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. (ЖК 80-м. иккинчи қисми).

Ўз ЖК 78-моддасида белгиланган муддатларда маҳкум томонидан янги жиноят содир этилмаса, барча ҳолатларда судланганлик тугатилади.

ЖК 80-моддасига кўра, судланганликни тўхтатиш муддатини ҳисоблашнинг бошланғич вақти асосий ва қўшимча жазони ўталган кун бўлса-да, муддатларнинг ўтишида судланганликни тўхтатиш фақат асосий жазо муддатининг ўталган вақтидан ҳисобланиши зарур. Чунки, жавобгарликка тортиш муддати асосий ва қўшимча жазога, яъни бутун ҳукмга нисбатан қўлланилади.

Хулоса

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнида жиноий жавобгарликдан ва жиноий жазодан озод қилиш институтларини тартибга солувчи жиноят ва жиноят-процессуал қонунларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда тафовутини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, бу нормаларнинг амалиётда соддалаштирилган тартибини қўллаш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси турлича талқин қилинмаслиги, айниқса ҳозирги амалиётда бу масаладаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида ЖКда ушбу тушунчанинг аниқ таърифини бериш зарур.

Зеро, ЖК 14, 16, 18, 23, 27, 35, 42-моддаларида тегишинча «жиноят», «жиноят учун жавобгарлик», «ақли расолик», «мураккаб айбли жиноят», «жиноятда иштирокчилик», «қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар», «жазо» тушунчаларининг баён этилгани ҳам мазкур янги нормани қўшишни тақозо этади.

2. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш деганда, суд томонидан жиноят қонунида назарда тутилган шартларга кўра давлат айбловини бекор қилиш тушунилади.

Жазодан озод қилиш деганда – суд томонидан жиноят содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган давлат мажбурловининг бекор қилиниши тушунилади.

3. Тадқиқот натижаларига кўра жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши жиноят содир этилган кундан бошлаб қонунда кўрсатилган муддатнинг ўтиши билан шахсни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилишдан иборат бўлиб, унинг қўлланилишига шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотиши асос бўлади, деган таъриф берилди. Чунки жавобгарликка ёки жазога тортиш муддатининг ўтиб кетганидан сўнг жиноят учун жавобгарлик ёки жазога тортиш жиноят қонунининг мақсадига зиддир.

4. Жиноят ҳукуқи ва жиноят процессуал ҳукуқи нормалари ўзаро боғлиқ бўлганлиги боис, ушбу ҳуқуқ соҳаларида қўлланиладиган тушунча ва атамалар бир хил бўлиши керак. Хусусан, жиноий жавобгарликка тортиш жиноят ҳуқуқида жазога ҳукм қилишни, жиноят процессида эса, айбланувчи сифатида жалб қилишни англатади. Шундай экан жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш масаласига моддий ва процессуал ҳуқуқда бир хил ёндошилиши керак.

5. Агар жиноий жавобгарликка тортиш айблов ҳукми чиқарилишидан иборат бўлганида, бундай ваколат фақат судга тегишли бўлар эди. Қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка жалб қилиш ҳуқуқига суриштирув-тергов органлари ҳам эга. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 230-моддаси мазмунини тўғри акс эттириш учун унинг номи ва жиноят таркибининг белгиси сифатида кўрсатилган “жавобгарликка тортиш” атамаси “жавобгарликка жалб қилиш” деган сўзлар билан алмаштирилиши керак.

6. Мавжуд амалиётдан келиб чиқиб, ЖК «Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси» номли янги мазмундаги 64-модда билан тўлдирилиши зарур, яъни «Шахс жиноят содир қилган, шунингдек ушбу Кодекс Махсус қисмининг айрим моддаларида назарда тутилган ҳолатда жиноят йўлига кирган, аммо ўз вақтида жиноят натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларнинг олдини олишга ҳаракат қилган бўлса, унга нисбатан ушбу кодексда белгиланган асос ва шартлар билан ваколатли давлат органи томонидан суднинг айблов ҳукми чиқарилгунга қадар иш юритишнинг ҳар қандай босқичида жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашдан воз кечиб, содир қилган жиноий қилмиш барча оқибатларининг тугатилиши жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб ҳисобланади».

3. ЖК янги мазмундаги 64-модда билан тўлдирилаётганлиги сабабли, амалдаги 64-модданинг номи 64¹-модда деб ўзгартирилиши зарур. Мазкур модданинг биринчи қисм «г» банди ЖКнинг 50-модда иккинчи қисмига мос бўлиши учун «ўн беш йил» жумласи «йигирма йил» деб ўзгартирилиши

керак.

4. Шунингдек, ЖК 64-моддаси 4-қисмида оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган шахс ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг узилиши белгиланган. Бироқ, муддатнинг узилиши учун нима сабабдан айнан оғир ёки ўта оғир жиноят содир қилган шахснинг қасддан янги жиноят содир қилиши норманинг зарурий белгиси қилиб кўрсатилганда қонуншунос қандай мезондан келиб чиққанлиги номаълум. Борди-ю, шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир қилиб (ЖКнинг 15-моддасига биноан), белгиланган муддат ўтмасдан туриб, яна қасддан шунга ўхшаш жиноят содир қилса, муаммо қандай ечилиши хусусида жиноят қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатилмаган.

5. ЖК 64-моддаси тўртинчи қисмидаги мазкур асос ЖКнинг 15-моддаси биринчи ва учинчи қисми талабидан келиб чиқмагани учун мазкур қонунда амалиётда қўллашда хатоликка йўл қўйилиши мумкин. Мазкур модда қисмига асосан муддатнинг узилишига икки асос бўлиб, биринчиси, шахс илгари оғир ва ўта оғир жиноят содир этган бўлиши, иккинчиси, ўша шахс муддат ўтмасдан қасддан жиноят содир этиши ҳисобланади. Қайд этилганлар рўй берган ҳолда жавобгарликка тортиш муддати янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Шу модданинг бешинчи қисмига аниқлик киритилиши зарур.

6. Шунингдек, ушбу модданинг номланишидаги баъзи бир сўзлар ортиқча ифодаланган. Мисол учун «муносабати» сўзи «сабабли» деб ўзгартирилиши керак, чунки шу модданинг рус тилидаги матнида «вследствие» атамаси ишлатилган бўлиб, бу сўзнинг ўзбек тилидаги таржимаси «сабабли» деган маънони англатади.

7. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЖК 64¹-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:

«64¹-модда. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш

Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

- а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – уч йил;
- б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – беш йил;
- в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн йил;
- г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисми бундан мустасно) – йигирма йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

8. Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади.

Агар жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Шахс ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Агар жиноят содир этган шахс ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн беш йил, оғир ёки ўта оғир жиноят учун йигирма беш йил ўтган бўлса (ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари бундан мустасно), шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди».

9. «87¹-модда. Вояга етмаганни жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли жавобгарликдан озод қилиш

Ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган жавобгарликка тортиш муддатлари вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод этишда ярмига қискартирилади».

Чунки, вояга етмаган айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси вояга етган шахсларга нисбатан кам муддатга тайинланишини инобатга олган ҳолда вояга етмагани муддат ўтгани сабабли жавобгарликдан озод этишдан фарқ қилиши жиноят қонун ҳужжатларида акс этган бўлиши керак.

10. Ўзбекистон Республикаси ЖК 69-моддаси биринчи қисми “Г” бандига мувофиқ, ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ҳукм қонуний кучга кирган кунидан бошлаб ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади. Қонунда ўн беш йил мобайнида жазони ижро қилинишининг иложи бўлмаган максимал жазо чораси умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан ҳам амал қилади. Шу сабабли, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн беш йил ўтмаган бўлса, у ижро этилиши керак. Агар ушбу муддат ўтиб кетган бўлса, жазони ижро этиш муддати масаласини суд ҳал қилади ва бунда у муддат қўлланилиши зарур бўлган муддатлар билан чегараланиб қолмайди. Умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахсга нисбатан муддатларни қўллаш ёки қўлламаслик ҳукм қонуний кучга кирган кунидан бошлаб ўн беш йилдан кейин номуайян муддатнинг ўтиши билан амалга оширилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар:

1.1. Каримов. И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. - 318 б.

1.2. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. -366 б.

1.3. Каримов. И.А. Ватанимизнинг босқичма - босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17.-Т.: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

1.4. Karimov I.A. Jahon inqirozining oqibatlarini yengish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va taraqqiy topgan davlatlar darajasiga ko'tarish sari. – Т.: «O'zbekiston», 2010. – Т.18. -264 b.

1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза / 2009 йил 5 дек./ – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 32 б.

1.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 80 б.

1.7. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” мавзусидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 28 январь, №19 (4934).

1.8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

II. Қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

2. 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.

2. 2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси кодекслари тўплами. – Т.: Yurist-media markazi, 2012. — Б. 26-90.

2. 3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2012. – 672 б.

2. 4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни (14.12.2000) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 йил. №1-2, 10-модда.

2. 5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги тахрир) Қонуни (29.08.2001) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001 йил. 9-10-сон, 168-модда.

2. 6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 1996 йил 27 февралдаги Қарори. // Олий суд Пленуми қарорлари тўплами. 1996-2006. Икки жилди. 1-жилд. –Тошкент. 2006. – 45–49 б.

2. 7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2001 йил 2 ноябрдаги 25-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. Т.2. –Тошкент, 2007. -169-175 б.

2. 8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги «Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида»ги 40-сонли буйруғи.

2. 9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг баъзи қарорларига жиноий жазоларни енгиллаштириш билан боғлиқ равишда ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида»ги 2002 йил 14 июнь 9-сонли Қарори//. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. Т.2. –Тошкент, 2007. - 110-114 б.

III. Махсус адабиётлар

3.1. Абдуқодиров Ш.Ё. Айбнинг эҳтиётсизлик шакли ва унинг белгилари. -Т.: ТДЮИ. 2005. – 65.

3.2. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. –Т.: Тараққиёт ИИЧ х/ф матбаа бўлими, 2005. –124 б.

3.3. Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Масъул муҳаррир ю.ф.д. профессор М.Х. Рустамбоев. – Тошкент. ТДЮИ нашриёти, 2008. –305 б.

3.4. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. / Якубов А.С. Кабулов Р., Зарипов З. С., Қодиров М. М. Мирзажанов Қ. Миренский Б. А. Пулатов Ю. С.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.

3.5. Мухитдинов Ф. М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. – Тошкент: Адолат, 2002. - 320 б.

3.6. Ниёзова С. Иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари жавобгарлик масаласи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – 67 с.

3.7. Ражабова М.А. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. –Тошкент: Адолат, 2005. –154 б.

3.8. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2006. – 608 б.

3.9. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2006. – 912 б.

- 3.10. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. 5 т. –Тошкент: ИLM ZIYO, 2010. Т.1. – 400 б.
- 3.11. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. 5 т. –Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. Т.2. -304 б.
- 3.12. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. 5 т. –Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. Т.3. – 312 б.
- 3.13. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. 5 т. –Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. Т.4. -424 б.
- 3.14. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи. 5 т. –Тошкент: ИLM ZIYO, 2011.Т.5. -312 б.
- 3.15. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 662 б.
- 3.16. Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. ТДЮИ нашриёти, 2006. – 319 б.

IV. Диссертация ва авторефератлар:

4. 1. Зокирова А.Г. Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати – Т.: – 2004. – 10 б.
4. 2. Қурбонов Д.Р. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарликни қўллаш муаммолари, Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008. – 22 б.
4. 3. Қўшаев Н.М. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш муаммолари: ю.ф.н. ... диссертация автореферати. – Т.: ТДЮИ 2010, - 26 б.
4. 4. Ниёзова Ш.Г. Муддатларнинг ўтганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муаммолари. – Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т.:ТДЮИ, 2010. –26 б.

V. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.zakon.ru>. <http://www.vipdiplom.ru>
2. <http://www.zakon.ru>. <http://www.vipdiplom.ru>
3. www.zakonssu.samara.ru. www.pravo.eup.ru.
4. <http://www.zakon.ru>. <http://www.vipdiplom.ru>